

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

**ЖАҲОН ТАРИХИ
(1945-2010 у.у.)
ФАНИДАН**

**МАЪРУЗАЛАР
МАТНИ**

Тошкент - 2011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

**ЖАҲОН ТАРИХИ
(1945-2010 у.у.)
ФАНИДАН**

**МАЪРУЗАЛАР
МАТНИ**

Тошкент - 2011

- Илмий раҳбар:** Ўзбекитон тарихи ва маданиятшунослик»
кафедраси т.ф.д. профессор -А.А. Маврулов
- Такризчи:** тарих фанлари номзоди, доцент -Х.Ф.Файзиёв
- Такризчилар:** тарих фанлари номзоди, доцент -Қ.Нишонбоева
тарих фанлари номзоди, доцент –
Х.А.Бабаходжаева

Мустақиллик шарофати билан жаҳон тарихини ўрганиш, уни ўқишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, жаҳон тарихидан ўқув дастурлари, дарсликлари ва қўлланмалар тайёрланмоқда.

Маърузалар матни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари учун тасдиқланган ўқув режасида Жаҳон тарихини ўқитиш бўйича тавсия этилган 102 соат (36 соат маъруза, 36 соат амалий машғулот, 30 соат мустақил таълим) дарс ҳажми ҳисобга олинган.

Мазкур маърузалар матни «Ижтимоий маданий фаолият» ва «Кутубхонашунослик» факультетлари, шунингдек бакалаврият йўналиши бўйича ўқиётган барча талабалар ва ёш мутахассис ўқитувчилар учун мўлжалланган.

Маърузалар матни «Ўзбекитон тарихи ва маданиятшунослик» канфедрасининг 2010 йил ____ сентябр оyi йигилишида муҳокама қилиниб маъқулланган.

Мавзу: Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши ўртасидаги Европадаги мамлакатлар ва АҚШ

Режа:

1. Биринчи жаҳон урушининг ниҳояси ва инсоният тарихида энг янги даврнинг бошланиши.
2. Версал ва Вашингтон конференцияларининг натижалари.
3. 1918-23 йилларда халқаро муносабатлар.

Фойдаланган адабиётлар:

1. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари». Тошкент-2001й.
2. И.А.Каримов. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т., «Ўзбекистон» 1997й.
3. Г.А. Ҳидоятлов. «Жаҳон тарихи» Т., «Шарқ» 2000й.
4. Г.Б.Поляк «Жаҳон тарихи» Т., «Ўқитувчи» 1997й.
5. И.Волк «Энг янги тарих» Т., «Ўқитувчи» 1995й.
6. В.К. Жўраев «Энг янги тарих» Т., «Ўқитувчи» 1995й.
7. Жаҳон мамлакатлари. Справочник Т., «Ўзбекистон» 1985й.
8. Г.А. Ҳидоятлов

«Сўнгги вақтларда жаҳонда юз берган, дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилишини тубдан янгиланган ўзгаришлар ҳозирги замон ва келажак учун катта тарихий аҳамиятга эгадир».

И.А. Каримов

Мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. Давлатимиз буюк келажакни таъминлашга хизмат қиладиган жамият қуришнинг мураккаб йўлини босиб ўтмоғи лозим. Бу сиёсий мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожланган иқтисодиёт ва замонавий таълим тизимиغا эга бўлган, чинакам демократик жамият қуриш йўлидир.

Мазкур йўналишнинг муваффақияти жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли амалий ва дўстона муносабатлар асосида ер куррасидаги барча халқлар ва давлатлар билан ҳамкорликка боғлиқ.

Ҳозирги дунё мураккаб ва турли хил. Унда турли маданиятлар ёнма-ён яшайди ва бир-бирларига таъсир кўрсатади. Бутун дунё давлатлари билан муваффақиятли муносабатларга киришиш, дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш учун мавжуд воқеликнинг муаммоларини чуқур билиш ва бу билимдан умум манфаати йўлида фойдаланиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари», -китобида дунё мамлакати билан тинч-тотув яшаш ва ҳамкорлик қилишнинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб, шундай ёзади: «Биз яшаётган давр қандай хусусиятларга эга. Бугунги вақтларда жаҳонда юз берган, дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилишини ва харитасини тубдан янгиланган ўзгаришлар-ҳозирги замон ва келажак учун қандай тарихий аҳамиятга молик. Булар ҳақида мулоҳаза юритиш ва уларга тўғри баҳо бериш муҳим».

Инсоният XX асрда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётда улкан қадам ташлади. Асримизнинг 20-йилларида бошланган илмий-техникавий инқилоб ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларга сабаб бўлди.

Инсон тарихда биринчи марта очиқ фазога чиқди ва Ойга қадам қўйди. Атом энергияси, ген муҳандислиги, электроника, фазовий телевидение, энг янги ҳаракат воситалари халқларни ўзаро муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Шу билан бирга ҳали ҳал этилмаган бир талай муаммолар борки, уларни бартараф этиш учун инсоният ўз кучини бирлаштириш зарур. Очлик ва фақирлик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, оғир юкумли касалликларга қарши ва ҳаёт даражасини юксалтириш, инсон ҳуқуқлари учун кураш, ҳалқаро ҳуқуқ мезонларини қарор топтириш шулар жумласидандир. Илмий-техникавий инқилоб ва унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳадаги кўриниши муҳим аҳамият касб этди.

XX асрда Европа мамлакатларининг очикдан-очик қарама-қаршилиги жаҳон ҳарбий мажорасига айланиб кетди. Кўпгина мамлакатларда бу ҳол биқиклик жараёнига, яъни жаҳондаги жараёнлардан четда туришни назарда тутувчи ёпиқ иқтисодий тараққиёт йўлига сабаб бўлди. Натижада, улар иқтисодий ривожланишидан ажралиб қолдилар. Масалан, собиқ социалистик системада яшаган ҳозирги мустақил давлатлар шулар қаторига киради. Мазкур мамлакатларда тоталитар, антидемократик тузумлар шаклланди. Оғир иқтисодий қийинчиликлар пировардида бундай мамлакатларнинг баъзилари ҳарбий мағлубиятга учрадилар. (Германия, Италия, Австрия, Япония) бошқаларида эса сиёсий ғалокатлар юз берди.

Шу сабабли, XX аср биринчи ярмининг асосий моҳияти демократиянинг тоталитаризм билан, инсонпарварликнинг фашизм билан ва глобаллашувнинг айримчилик билан курашидан иборат бўлди.

XX аср воқеалари асосан шу тариқа кечди. Бу воқеалар бир текис ривожланмаган ва кечмаган албатта, улар ҳар бир мамлакатда ўз хусусиятига, намоён бўлиши шакллариغا эга. Жаҳон тарихи ва Дуне сиёсати йигирманчи юз йилликда уларнинг таъсирига боғлиқ ҳолда уч босқични ўтди:

I-БОСҚИЧ- 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши ўртасидаги давр. Унда дунёда қайта тақсимлаб олишга, янги дунё тартиботи ўрнатишга йўналтирилган жаҳон мажоралари жуда кўп. Биринчи жаҳон уруши империалистик, яъни иккала империалистик гуруҳ бошлаган босқинчилик уруши бўлди. У талончилик ва бузғунчилик уруши эди. Шундай бўлса-да барча мамлакатларни қамраган демократик ҳаракат ривожланиши унинг натижасидир.

Ушбу даврда мақсад жаҳонда демократик ислоҳотларни амалга ошириш бўлган умумдемократик ҳаракатдаги кучлар юксалиши устунлик килди.

Капиталистик тизимнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-иқтисодий инқирози жаҳонни иккита демократик ҳамда фашистик тоталитар лагерга бўлиб юборди.

Иккинчи жаҳон уруши эндиликда биринчисига қараганда буткул бошқача характерда эди. У демократик лагерь томонидан умумдемократик характердаги фашист давлатлари томонидан эса тажовузкорлик, босқинчилик ва талончилик уруши эди. Иккинчи жаҳон урушида демократик давлатлар ғалаба қозондилар. Бу демократик кучларнинг умумжаҳон тарихида жуда катта ғалабасидир.

II-БОСҚИЧ- Янги демократия даври. 1945 йилдан 1991 йилгача, яъни иккинчи жаҳон уруши тугашидан то Совет иттифоқи парчалангунга қадар ўтган даврни ўз ичига олади. Бутун жаҳонда жамиятни инсонпарварлаштириш кураши кенг авж олди. Инсон ҳуқуқлари учун кураш, мустамлакаларни озод қилиш, ирқчиликка барҳам бериш, тоталитар ва мустамлака тузумларини тугатиш совуқ уруш даврининг асосий мазмунига айланди. У фақат ташқи жиҳатдан икки буюк давлат, икки буюк тизимнинг мажораси тарзида тасаввур этилса ҳам, аслида аксинсони тизимлар ва тузулмаларни тугатиш учун умумжаҳон кураши эди.

III-БОСҚИЧ- Янги демократия даври. У совет давлати парчалангандан сўнг бошланди ва глобаллашув жараёнининг жаҳон миқёсида жадал илгариллаши билан тавсифланади. Глобаллашувни ривожлантириш йўлидаги охириги тўсиқлар қулаб тушди.

Жаҳон майдонида дунё ҳамжамияти тузилмаларини инсонпарварлаштириш, демократлаштириш ва глобаллаштириш жараёнига ўз ҳиссасини қўшаётган янги демократик давлатлар пайдо бўлди.

Эътиборингизга ҳавола этиладиган жаҳон тарихи дарслиги юқорида айтилган тарихий ўзгаришларнинг алоҳида-алоҳида олган Дунё давлатларидаги ривожланиш давлат тузилмалари, уларнинг бир-биридан фарқи нимада эканлиги асосий фактларга таяниб ўрганилади. Айниқса, жаҳон тарихи фанининг ҳозирги даврдаги- 21 асрдаги Совет ҳукумати ва унинг ўрнида мавжуд бўлган мустақил давлатларидаги янги мустақилликка ўтиш тарихий йўналишларини мунтазам ўрганиб боради ва ўргатади.

Биринчи жаҳон урушига олиб келган нарсаси, империализмнинг ривожланиши, биринчи навбатдаги империалистлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви, Европа давлатларининг икки ҳарбий-сиёсий группировкаси-**АНТАНТА** 1907 йил -розилик билан **УЧЛАР ИТТИФОҚИ** 1882 йил ўртасида дунёни қайтадан бўлиб олиш учун кураш бўлди.

1914 йилга келиб, империалистик давлатлар ўртасидаги зиддиятлар ғоят кескинлашиб, сўнгги чегарасига етди. Германия билан Англия ўртасидаги зиддиятлар асосий зиддиятлар эди. Германия империалистлари Англия ва Франция хисобидан янги мустамлакалар босиб олишни, Франция билан Россия кучсизлантиришни, Европада ўз ҳукмронлигини ўрнатишни мўлжаллаган эдилар. Австрия-Венгрия Болконда ўз таъсир доирасини кенгайтиришга, ўзи эзиб келаётган славян халқларининг миллий-озодлик ҳаракатини бостиришга интилар эди.

Инглиз империалистлари уруш йўли билан Германияни кучсизлантиришга, Германия мустамлакаларининг бир қисmini босиб олишга, Усмонийлар империясини бўлиб юборишга умид қилган эдилар.

Француз империалистлари ҳам худди шунга эришиш учун ҳаракат қилмоқда эдилар. Бундан ташқари, улар Эльзас ва Шарқий Лотарингияни қайтариб олишни, Германиянинг Саар областини ва Рейн областининг бир қисmini босиб олишни истар эдилар.

Рус чоризми Болконда ва Босфор ҳамда Дарданелл бўғозларида ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, шунингдек Германияни иқтисодий жиҳатдан

кучсизлантиришга ва Австрия-Венгриянинг Болконда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш хавфини йўқотишга интилар эди.

Барча мамлакатларнинг империалистлари урушнинг айбдорлари эдилар. Германия ва Австрия-Венгриянинг ҳукмрон доиралари бўлдилар, улар урушга олдинроқ ва ўз душманларидан кўра яхшироқ ҳозирлик кўриб улгурган эдилар.

Австрия-Венгрия армиясининг бош кўмондони эрцгерцог Франц-Фердинанд 28 июнь 1914 йил Сараевода ўлдирилди. Берлинда бу қулай вазиятдан уруш бошлаш учун фойдаланиб қолишга қарор қилдилар. Сербияга ултиматум юборди ва унга қарши уруш эълон қилди.

Австрия-Венгрия қўшинлари 1914 йил июлнинг охирларида Сербия территориясига бостириб кирдилар. Германиянинг ҳукмрон доиралари бу сафарбарликдан 1 августда Россияга, 3 августда-Францияга уруш эълон қилди.

Англия ҳукумати Бельгияни ҳимоя қилиш баҳонаси билан 4 августда Германияга қарши уруш эълон қилди.

Бир томондан Германия, Австрия –Венгрия, иккинчи томондан Англия, Франция, Россия ўртасида уруш шу тарзда бошланди.

Дунёнинг каттагина қисмини контрол қилиб турган Европанинг йирик империалистик давлатлари урушга кирдилар. **УРУШ ЖАҲОН УРУШИГА АЙЛАНДИ.** Унга янги-янги мамлакатлар тортила бошлади. Августнинг охирида Япония Германияга қарши уруш эълон қилди. Аммо у Европага кўшин юбормади, балки вужудга келган вазиятдан Германиянинг Тинч океанидаги мулкларини босиб олиш ва Хитойни бўйсундириш учун фойдаланди.

Германия октябр ойида Усманийлар империясининг Россияга ва Антантадаги бошқа давлатларга қарши урушга эришди. Закавказье, Сурия ва Фаластинда янги фронтлар ташкил топди.

Бу урушга аста-секин дунёнинг турли чеккаларида бўлган 36 та давлат тортилди. Барча давлатлардан ҳарбий кучларга 70 миллиондан ортиқ киши сафарбар этилди.

Жаҳон уруши ҳар икки томондан ҳам империалистик уруш, босқинчилик уруш, адолатсиз уруш эди.

Урушга кирган давлатларнинг ҳар бири олдиндан ишлаб чиқилган, албатта ғалабага мўлжалланган уруш ҳаракатлари планга эга эди.

Империалистлар ўзлари бошлаб юборган урушни тўхтатишга қодир бўлмай қолдилар. Россияда феврал революцияси бошланиб кетгач, АҚШ Антанта давлатлари урушда енгиллашиб қолади деб кўрқа бошладилар.

АҚШ 1917 йилнинг апрел ойида Германияга қарши уруш эълон қилди. Ғалабанинг гўё яқинлашиб қолган меваларига АҚШнинг шерик бўлишини истамаган Франция ва Англиянинг ҳукмрон доиралари, АҚШ дивизиялари Европага кириб келгунча, Германияни мағлубиятга учратишга ҳаракат қилдилар.

1918 йлнинг кўкламида герман кўмондонлиги АҚШ йирик кучлари Европага етиб келганига қадар инглиз-француз қўшинларини тор-мор

келтиришга уринди. У билан ҳал қилувчи жанг бўлади деб солдатларни ишонтирди. Германия қўшинларининг ҳужуми муваффақиятсизликка учради, ташаббус Антанта қўлига ўтди. АҚШнинг етиб келган дивизиялари Германия қўшинларини дастлабки позицияларига улоқтириб ташладилар.

1918 йил 8 августда Франция ва АҚШ армиялари Француз маршали ФОШнинг умумий қўмондонлиги остида ҳужум бошладилар.

Германия ҳарбий кучлари энди француз, инглиз, Америка қўшинларининг асосий ҳужумига қаршилик кўрсата олмас эди. Инглиз, француз ва серб қўшинлари Болқон фронтига ҳам ҳужум қилдилар, Болгария таслим бўлди.

Инглиз ва француз қўшинлари Фаластин ва Сурияда Туркия армиясини тор-мор қилгандан сўнг Усмоний империяси таслим бўлди. Австрия-Венгрия қўмондонлиги 1918 йил 3 ноябрда Антанта талаб қилган яраш битимини имзолади.

Германияда революция бошланди. Халқ 9 ноябрда монархияни ағдариб ташлади. 1918 йил 11 ноябрь тонготар чоғида Компьен ўрмонидаги Фошнинг штаб вағонида Германия ва унинг душманлари ўртасида яраш битими имзолади. Ўша дақиқадан бошлаб, ҳаракатлари тўхтатилди. Биринчи жаҳон уруши тамом бўлди.

Германия 1914 йилда урушга ўз мухолифларидан кўра яхшироқ тайёрланган эди. Аммо деҳқон уруши тўртлар иттифоқининг енгилиши билан тугади. Антантанинг одам ва моддий ресурслар жиҳатидан устунлиги ҳал қилувчи рол ўйнади. АҚШ ҳам Антанта томонида эди. Германия, Австрия-Венгрия ва Усмонийлар империясида мавжуд бўлган тузуми жаҳон уруши синовларига бардош бера олмади ва инқирозга учради. Мағлубиятлар ва революциялар натижасида бу уч империянинг ҳаммаси сиёсий харитада йўқ бўлиб кетди.

Англия, Франция ва АҚШ империалистлари ўзларининг асосий рақобатчиларининг тор-мор келтиришга муваффақ бўлдилар ва дунёни қайтадан бўлиб олишга киришдилар.

Империализм вужудга келтирган уруш миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритди ва жуда катта моддий зарар етказди.

I жаҳон урушининг якунлари: (1914-1918 йй.)

- 1) Урушнинг давом этиши-4 йилу 3,5 ой
- 2) Урушда қатнашган давлатлар сони-30 дан ортиқ
- 3) Урушда қатнашган мамлакатлар аҳолисининг сони-1 млрд.дан ортиқ
- 4) Уруш ҳаракатлари бўлган ҳудудларнинг умумий майдони-4 млн.кв.км.дан ошиқ.
- 5) Қуролли кучларга сафарбар қилинганлар сони-70 млн.ортиқ
- 6) Ўлдирилган ва ярадор бўлиб ўлганлар-13,6 млн.ортиқ киши
- 7) Ярадор ва майиб бўлганлар-20 млн.ортиқ киши
- 8) Моддий талофатлар-360 млрд.доллар

Шу жумладан: ҳарбий чиқимлар-208 млрд.доллар

Империализм барча халқларнинг асосий душмани бўлиб қолди. Унга қарши кураш фақат ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш йўлидаги

тўсиқларини бартараф этиш учунгина эмас, адолат учун барча халқларини озод қилиш учун ҳам авж олдириб юборилди.

1918 йил 29 сентябрда Болгария, 30 октябрда Туркия 14 ноябрда Австрия-Венгрия Антанта олдида таслим бўлди. Германия ҳукумати 1918 йил 5 октябрда АҚШ президенти Вильсонга мурожжат қилиб, яраш битм тузишни сўрайди. 1918 йил 9 ноябрда Германияда буржуа-демократик революция бошланиб, Гогенцооллери монархия режими тугатилди, 1918 йил 11 ноябрда Франциянинг шимолий шарқидаги Компен ўрмонида Эриц Бергер бошчилигидаги делегацияси Антанта қўмондонлиги таклиф айтган, таслим бўлиш актига қўл қўйди. Бу актига асосан Германияга ўз қўшинларини Франция, Бельгия, Люксембург, Эльзас Лотаренгедан ва Рейннинг чап қирғоғидан тезда, аммо Австрия ва Венгриядан, Руминия, Туркия, Россиянинг ишғол қилинган жойларидан кўрсатган муддатда олиб чиқиб кетиш мажбурияти юкланди.

Биринчи жаҳон урушида ғолиб чиққан АҚШ, Англия, Франция, Италия, Япония ва бошқа давлатларнинг таслим бўлган Германия, Австрия, Венгрия, Туркия ва Болгария билан сулҳ шартномаларини ишлаб чиқиш учун 1919 йили 18 январда Парижда сулҳ конференцияси очилди. Бу конференция 1920 йил 21 январгача давом этди.

Конференцияда Антанта томонидан иштирок этган 27 та давлат вакиллари иштирок этди. Конференцияда АҚШ президенти Вильсон, Англия министри Ллойд Жорж, Франция Клеменсо- конференция раиси ва Италиядан Орландо асосий роль ўйнадилар.

Конференцияда кичик давлатлар эътиборга олинмайди. Конференция иштирокчилари ғалабани мустақкамлашга, Россиядаги совет тузумини йўқ қилишга, уни чет эл капиталига қарам мамлакатга айлантиришга кўп уруниб кўрдилар. Конференциядаги асосий масала Россия масаласи эди.

Конференциянинг биринчи кунларидаёқ Ғарб давлатлари томонидан рус контр революциясини қўллаб қувватлаш режаси маъқулланди. “Тўртлар совети”, “Колчакни”, “Бутун Россия”нинг ҳокими деб танитиб, у билан ноталар ёзишиб туришди. Америка конгресси Россияга қарши интервенциянинг илхомчиси бўлди. Вильсон Париж конференциясига Россияга нисбатан агрессив рухдаги тайёр дастур билан келган эди. 1919 йил февралда конференциядаги Америка делегациясининг кенгашларидан бирида Совет Россиясига қарши курашда АҚШ қуролли кучларидан фойдаланиш, Европа мамлакатларидаги революцион ҳаракатларини бўғиш ва Америка таъсирини ўтказиш ҳақида декларация қабул қилинди. Антанта 1919 йилда Россияга қарши 2 марта юриш: март ойида Шарқий фронтда, июлда Москвага томон Денекин Армиясининг хужуми, 1920 йилнинг баҳорида эса, 3 марта юриш помещик буржуа Польшасининг Россияга қарши ва Врангель армиясининг Қрим томондан хужумини уюштирди.

Чет эл харбий интервенциясининг барбод бўлиш сабабларидан бири интервертлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашиши эди. Бу зиддиятлар мағлубиятга учраган Германия билан сулҳ шартномасини тузиш қўлга киритилган ўлжани тақсимлаш масаласида Париж сулҳ конференциясида

урушда ғолиб чиққан АҚШ, Англия, Франция ва бошқа давлатларнинг ўртасида юз берган жиддий низоларда ва бошқада яққол кўринади. Империалистик давлатларнинг мустақкам тинчлик манфаатлари учун эмас балки ўзларининг реакцион мақсадлари қабих ниятларига эришиш учун ҳаракат қилдилар.

1919 йил 28 июнда Германия билан Версал сулҳ шартномаси 1919 йили 10 сентябрда Австрия билан Сеншенмен 1919 йил 27 октябрда Болгария билан Нейи 1920 йил 10 августда Туркия билан Севр шартномалари тузилди.

Бу шартномаларнинг ҳаммаси «Версал системаси» деб аталди. Париж конференцияси ва версал системаси халқларнинг хусусан славян халқларининг ва миллий ҳуқуқларини деярли ҳисобга олмай Европа картасини ўзгартириб юборди.

Версал сулҳ шартномасига мувофиқ Германия ва унинг иттифоқчилари урушнинг айбдори деб ҳисобланди. Германиянинг ҳамма мустамлакалари тортиб олиниб Англия, Франция, Бельгия ва Япония ўртасида тақсимланди. Франция ва Англия Африкадаги Того ва Камерунни тақсимлаб олди. Германия Жанубий Ғарбий Африка иттифоқига янги Гивенениянинг Германияга қарашли қисми Австрия иттифоқига берилди. Германиянинг тинч океанидаги Каролина, Марианна ва маршал ороллари ҳамда Германиянинг Шандун ярим оролидаги (Хитой) ижарага олган территорияси ва имтиёзлари Японияга ўтди. Германия Европада ҳам анчагина территориядан маҳрум бўлди. Франциянинг илгариги қўлдан кетган Эльза ва Лоторенгияни қайтариб олди. У 15 йил давомида Саар области кўмирига эгалик қиладиган бўлди. Эйт ва Малмеди округлари ҳамда Морений территорияси Белгияга, Шимолий Шлезвич Плеблоцит натижасида Данияга ўтди. Илгари босиб олинган Полша ерларининг жуда оз қисми, яъни Познанинг шарқий қисми Ғарбий ва Шарқий Пруссиянинг бир қисми (Полша коридори) юқори Селеивиянинг бир қисми янги ташкил топган Полшага қайтарилди.

Германияни Гданскдан воз кечишга мажбур қилинди. Гданск миллатлар иттифоқидаги “Эркин шаҳарга” айлантирилди. Клейпада Мемел ҳам Германиядан ажратиб олиниб кейинчалик Литвага топширилди. Лекин Германия Полша чегараси Полша зарарига ҳал қилинди. Полшанинг 100000 кв. км. ер ва анча поляк аҳолиси Германия составида қолди. Германия, Полша, Чехославакия, Австрия ва Финландиянинг мустақиллиги тан олинди, Элба, Одер, Неман ва Дунай Германия доирасида халқаро сув йўли деб эълон қилинди. Бу йўллари н назорат қилиш учун халқаро комиссиялар тузиладиган бўлди.

Япония узоқ шарқ ва тинч океанида устунликка эга бўлди. Улуғ давлатлардан Германия вақтинча орқага суриб қўйилди. Австрия-Венгрия ва Туркия улуғ давлатлар қаторидан чиқиб қолди. Германия ва мағлубиятга учраган бошқа мамлакатлар ВЕРСАЛ сулҳ шартномасидан қутулишга қуролли қучларини тиклаш ва территорияларни қайтариб олишга зўр бериб уриндилар. Ғолиб мамлакатлар ўртасида ҳам зиддиятлар қучайди. Италия версал системасидан норози эди, чунки унинг территория ҳақидаги

талаблари тўла кондирилмаган эди. Англия ва АҚШ Франциянинг Европадаги устунлик ролига қарши эди. Империалистик зиддиятлар орасида айниқса АҚШ билан Англия ўртасидаги, шунингдек АҚШ билан Япония ўртасидаги зиддиятлар энг асосий зиддиятлар ҳисобланади. Англия ва Япония жаҳонда ҳукмронлик учун курашда АҚШнинг энг хавфли рақиби бўлиб чиқди, узок Шарқда АҚШ билан Япония ўртасида жиддий низо вужудга келди.

АҚШ ҳукмрон доиралари Тинч океан ва Узок Шарқда ўз позицияларини мустаҳкамлашга, Англия ва Япониянинг ҳарбий денгиз флотидаги вақтинча устунлигини йўқотган ва зўр бериб қуролланиш учун вақтдан ютиш мақсадида денгиз қуролларини «чеклаш»га Париж сулҳ конференциясининг узок Шарққа доир қарорларини қайта кўриб чиқишга, Париж конференциясидаги мағлубият учун қасос олишга киришдилар. 1921 йил мартда ҳокимият тепасига келган президент Гардинг бошчилигидаги республикачилар ҳукумат Париж конференциясининг Узок Шарққа доир қарорларини қайта кўриб чиқишни ўзининг асосий вазифаларидан бири қилиб кўйди. АҚШ Англиянинг денгиз ҳукмронлигини йўқотишни, Англия Япония иттифоқини тузишга Япониянинг Хитойда кучайган “очиқ эшиклар ва тенг имкониятлар” принципига баҳона билан Хитойнинг АҚШ томонидан асоратга солиниши учун шароит яратишга зўр бериб интилди.

АҚШ ўзининг иқтисодий ва молиявий қувватига таяниб ўзидан бошқа империалистик давлатларнинг узок Шарқ ҳудудидаги зиддиятларидан ойдинланди. АҚШнинг ташаббуси билан янги конференция чақирилди.

ВАШИНГТОН КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бу конференция 1921 йил 12 ноябрдан 1922 йил 6 февралгача давом этди. Конференцияда 9 та давлат: АҚШ, Англия, Франция, Италия, Белгия, Голландия, Португалия, Япония, Хитой қатнашди. Бу конференцияда АҚШ асосий рол ўйнади. Собик совет Россияси Узок Шарқда ва Тинч океанида улуғ давлат бўлса ҳам конференцияга таклиф қилинмади.

Собик совет ҳукумати бундан норози эканлигини ва конференция қарорларини танимаслигини билдирди. Узок Шарқ республикалари ҳам конференцияга қатнаштирилмади.

Конференцияда Хитойнинг манфаатлари, ҳуқуқлари ва қонуний талаблари эътиборга олинмади. Вашингтон конференцияси Хитойга ва Россияга қарши қаратилган эди. АҚШ делегацияси Россияга қарашли Шарқий Хитой темир йўли (КВЖД) устидан халқаро режим ва назорат ўрнатишга уруниб кўрди.

Кўп қийинчиликлар билан Вашингтонга етиб келган лекин қатнаштирилмаган Узок Шарқ республикасининг вакиллари қатнашчиларнинг асосий мақсадларини фош қилдилар. Улар Япония билан Франция ўртасида 1920 йил 12 мартда тузилган махфий шартнома ва бошқа баъзи ҳужжатларнинг моҳиятини матбуот орқали очиқ ташладилар. Конференциянинг асосий ҳужжатларидан бири –АҚШ, Англия, Франция ва

Япониянинг 1921 йил 13 декабрда қабул қилган “Тўрт давлатлар шартномаси”дир. Бу шартномада мазкур давлатларнинг тинч океанидаги ороллари дахлсизлиги кўрсатилди. Бу шартномада 1902 йилда тузилган Англия ва Япония иттифоқи тугатилди. Натижада АҚШ Англия, Япониядан ажратиб катта дипломатик ютуққа эришди. АҚШ узоқ Шарқда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадида Японияга қарши курашиши учун позициясини мустақкамлаб олди.

Конференциянинг асосий ҳужжатларидан яна бири – АҚШ, Англия, Япония, Франция ва Италиянинг 1922 феврилида қабул қилинган **“Денгиз куроллари чеклаш”** тўғрисидаги шартнома шунингдек беш давлат шартномасидир. Конференциянинг ҳужжатларидан яна бири Хитойга нисбатан сиёсат тўғрисидаги **“Тўққиз давлат шартномасидир”**. Тўққиз давлат шартномаси империалистик давлатларнинг Хитойни талаш усуллари тўғрисидаги битими эди. Бу шартнома Хитойда АҚШ ҳукмрон доираларнинг **“Очиқ эшиклар”** ва **“Тенг имкониятлар”** деб аталган докторинаси мустақкамланди. Вашингтон конференциясида қабул қилинган шартномада **«Вашингтон системаси»** деб аталди. Шундай тарзда Вашингтон системаси давлатлар ўртасида янги зиддиятларни айниқса АҚШ билан Япония ўртасидаги зиддиятларни кучайтириб юборди.

Қисқача қилиб айтганда, Версал-Вашингтон системаси “нодемократик” система эди. Бу система мамлакатлар ўртасида мустақкам тинчлик муносабатлари ўрнатмади. Тинч океанида кучлар нисбатан тенглаштириш тартиби мутлақо беқарор эди. Давлатларнинг барча зиддиятлари тобора кескинлашиб борди. Ўзаро зиддиятлар давлатларнинг янги урушга тайёргарлик кўришга мажбур этди.

МИЛЛАТЛАР ИТТИФОҚИ.

1919 йил 28 июнда Версал сулҳ шартномаси тузилган вақтда миллатлар иттифоқи ташкил топди. Бу ташкилот биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари ўртасида иш олиб борди, расмий равишда 1946 йил апрелда тарқатилди. Париж конференцияси очилган вақтда миллатлар иттифоқи уставини ишлаб чиқиш комиссияси тузилган эди. У план рад этилди.

1919 йил 14 февралда миллатлар иттифоқи устави Париж сулҳ конституциясини янги мажлисида қабул қилинди, ҳамда Версал ва бошқа сулҳ шартномалари текстига киритилди.

АҚШдан ташқари 43 давлат аъзо бўлди. 1920 йилда АҚШ чиқиб кетди. Чунки АҚШ конгресси Версал шартномасини ундан таркибий қисмини уставини тасдиқламади. Миллатлар иттифоқи ўз ишини ассамблея бешта доимий ва тўрта доимий бўлмаган аъзоларидан иборат. Кенгаш орқали бош секретар раҳбарлигида иш олиб боришга келишилди. Женева миллатлар иттифоқи бошқарув шаҳри деб эълон қилинди. Миллатлар иттифоқи тинчлик ва ҳавфсизликни ташкиллаш учун тузилди. Аммо иккинчи жаҳон урушининг бошланиб кетишига ғов бўла олмади. Уруш арафасида бу ташкилотни фашистлар умуман тан олишмади.

Капиталистик дунёни 1917-1923 йилларда революцион ҳаракатнинг қудратли юксалиши қамраб олди. Синфий жангларнинг бориши жараёнида ишчилар синфининг жанговар авангарди-коммунистик партиялар ташкил этилди ва мустақамланди. Бироқ, капиталистик мамлакатларнинг пролиатариати тарқоқлиги сабабли унинг анчагина қисми социал-демократик партиялар ва реформистик қасаба союзларига эргашаётган эди. Шунга қарамасдан, синфий кураш ўқиб берди. У тобора сиёсий тус ола бошлади. Қўпгина капитал мамлакатларида буржуазия баъзи социал ислохотлар ўтказишга мажбур бўлди. Кейинчалик, революцион тўлқин пасая бошлагач, меҳнаткашларни эришган ғалабаларнинг бир қисмидан маҳрум этди, бироқ ишчилар синфи капиталга қарши янада ҳужум қилиш учун муҳим позицияларни сақлаб қола олди.

Капиталистик мамлакатларининг иқтисодий ва сиёсий ривожланиши бир текисда бормоқда. Капитализм оғир иқтисодий жараёни бошидан кечирди, булар меҳнаткашларга жуда катта офатлар келтирди. Айрим мамлакатлардаги йирик буржуазия пролетариатнинг чиқишларини бостирар экан, унинг кучи ортиб бораётганлигидан чўчиб, террорчилик, реакцион режимлар ўрнатиш йўлига ўтди.

Мустамлакачи давлатларнинг ҳукмрон доиралари мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг оммавий антиимпериалистик ҳаракати таъсири остида чекинишга, найранг ишлатишга ва ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун бошқаришнинг янги шакллари излашга мажбур эди. Жаҳон урушидан кейинги тузилиш системаси доирасида янги жаҳон мажораси бошланиши учун шарт-шароит пишиб етилган эди. Биринчи жаҳон урушидан кейин дунёнинг сиёсий харитаси жиддий равишда ўзгарди.

Таянч тушунчалар

Монархия, Гамсбурглар, Антанта, 1917 йил октябр давлат тўнтариши, Ғарбий Европа давлатларда Совет Республикасини ташкил топиши, Версал системаси, Вашингтон системаси

Мустақил иш мавзулари.

1. Биринчи жаҳон урушининг бошланиши арафасида икки қарама-қарши гуруҳларга бўлинган мамлакатлар номи ва мақсадлари.
2. Россияда октябр 1917 йил давлат тўнтарилишидан сўнг Ғарбий Европа мамлакатларидаги вазият.
3. Биринчи жаҳон урушидан сўнг зиддиятлар қандай йўл билан ҳал этилди.

Мавзу: Европа ва Америка мамлакатлари иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939-1945 й.й.)

Режа:

1. Иккинчи жаҳон урушининг келиб чиқиши сабаблари.
2. Гитлерга қарши коалициянинг вужудга келиши. Москва ва Техрон конференциялари.
3. Агрессив блокларнинг тор-мор келтирилиши, уруш якунлари ва сабоқлари.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллари. Т., «Ўзбекистон» 2000й.
2. И.А.Каримов. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида». Т., 1991 й.
3. И.А. Каримов «Хотира чироғи ўчмайди». 7-жилд. Т., «Ўзбекистон» 1991й. 407-410 бетлар
4. Г.А. Хидоятлов. «Жаҳон тарихи». Т., Шарқ 2003й.
5. С.С. Волк, Г.Р. Левин. «Энг янги тарих». Т., Ўқитувчи 1995й.
6. Г.А.Хидоятлов, Х.Г. Гулямов «Всемирная новейшая период Европа и США после II мировой войны» (1945-1995г.) Т.Университет 1999г.

Иккинчи жаҳон уруши хавфи Япония, Италия ва Германия ер шарининг турли нуқталарида агрессив ҳаракатлар олиб бориш натижасида юзага келди. Берлин 1936 йил 26 ноябр Рим-Токио бирлашган миллиарист давлатлар блоки кенг кўламдаги босқинчилик йўлига ўтиб олдилар.

АҚШ, Англия ва Франция ҳукмрон доиралари фашистик давлатларнинг агрессиясини тезроқ СССРга қарши йўналтиришга, шунингдек Германия ва бошқа давлатларнинг рақобатлик кучини заифлаштиришга зўр бериб уриндилар. Германиянинг Австрияни (1938 й. март) ҳамда Европанинг шарқи ва жанубидаги бошқа мамлакатларни босиб олишга йўл қўйдилар. Шу мақсадда тайёрланган ва 1938 йил сентябрда бўлиб ўтган Мюнхен кенгаши ҳамда у ерда имзоланган шармандали Мюнхен битими антисовет сиёсатида ва жаҳон урушини тайёрлашда муҳим босқич бўлди. 1938 йил октябр-1939 йил мартда Чехославакия Гитлер Германияси томонидан босиб олинди. 1939 йил апрелда фашистик Италия Албанияга бостириб кириб уни эгаллади. Узоқ Шарқда эса, 1937 йил июлда Япония Хитойга хужум қилиб, Хитой билан уруш бошланган эди.

1939 йилнинг март ойида нацистлар Литвага қарашли Клайпеда (Мемель) порт шаҳрини босиб олдилар. 1939 йилнинг апрелида Польша давлатини йўқ қилиш режасини ишлаб чиқди ва маъқуллади.

Европада юзага келган янги ҳолатда Ғарб давлатлари Мюнхен курсини амалга ошириш борасидаги ўз тактикаларини “Ўзгартиришларга” тўғри келди. Улкан миқёсидаги ҳарбий тўқнашувларга қарши бўлган ҳолда, Англия ва Франция ўз мамлакатлари мудофаасини мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширдилар.

Англияда умумий ҳарбий мажбурий хизмат жорий этилди. Кичик мамлакатлар, Польша ва Руминия агрессия бўлгундек бўлса инглиз-француз иттифоқи томонидан ҳимоя этилиши кафолатини олдилар. Бироқ ғарб давлатлари бу мамлакатлар ҳимояси билан шуғулланишни истамас эди.

Англия ва Франциянинг узоқни кўра билувчи сиёсат арбоблари агрессияга қарши СССР билан ҳамкорлик астойдил ёқлашарди.

Мюнхен битимидан сўнг СССРнинг ғарб давлатлари сиёсатига ишончсизлиги ортди. Москва музокараларида эса улар кўрсатган ҳулқ-атвор ҳеч қандай яхшиликдан дарак бермади. Айни пайтда совет раҳбарияти томонидан муаммоларни ечишда зарур қатъийлик чидам ва маҳорат кўрсатмади.

1938 йилнинг ёзида СССРнинг Узоқ Шарқ чегараларида ғарбий низолар чиқаришга уринган Япония 1939 йилнинг июлида МХРга қарши эълон қилинмаган урушни бошлаб юборди. Совет ва мўғул қўшинлари икки ой мобайнида Халхин-гол дарёси ҳудудида японларнинг йирик ҳарбий гуруҳи билан беаёв жанглар олиб борди.

1939 йил баҳорида Германия элчихоналар йўли билан герман-совет муносабатларини яхшилаш мумкинлигини билдирди. Аммо совет Англия ва Франция билан аҳдномага эришишга интилмай, Германия билан бевосита яқинлашдан ўзини тийди. Кейинчалик эса уч томонлама (анг.фран.ССР) музокаралар инқирозга юз тутгач, охир-оқибатда совет томони Германия ташқи ишлар вазири Риббентропнинг Москвага келишига рози бўлди.

Сталин ва Молотов у билан музокаралар олиб бориб, 1939 йилнинг 23 августида ҳужум қилмаслик ҳақидаги 10 йиллик шартнома имзоланди.

СССР ва Германия ўртасидаги шартнома ҳар иккала томондан турли сабабларга кўра мажбурий ва вақтинчалик аҳамиятга эга эди.

1939 йил 23 август протоколи ва СССР билан Германия 1939-1941 йилларда имзоланган бошқа махфий протоколлари ўзининг тузилишига кўра ҳам, мазмунига кўра ҳам бир қатор учинчи давлатлар мустақиллигига зид бўлиб, уларнинг тақдири ўзлари иштирокисиз ҳал этилаётган эди.

Агрессиянинг кенгайиб бориши кўпинча давлатларнинг мустақиллигига ҳавф соларди. Босқинчилари қурбон бўлган мамлакатлар учун душманга қарши кураш урушининг бошланиши кунлариданоқ озодлик ва антифашист характерини олди.

Англия ва Франциянинг Польшага ҳеч қандай ёрдам бермаслигига ишонган Германия 1939 йилнинг 1 сентябрида унга ҳужум бошлади. Поляк халқи душманнинг кучи (63 девизиясига) ортиқлигига қарамай

босқинчиларга қарши қуролли қаршилик кўрсатиб, зарблар берди. Польша ўзининг миллий бирлигини йўқотмаслик учун курашга отланган Европадаги биринчи мамлакат эди, у ўзини мудофаа этиб, адолатли уруш олиб борди.

Поляк қўшинларининг катта гуруҳи шарққа томон чекинди, оғир жанглардан сўнг 23-25 сентябрда таслим бўлишга тўғри келди, айрим қисмлари 5 октябргача қаршилик кўрсатишди.

Илгари Польшага ёрдам қилиш мажбуриятини олган Англия ва Франция ҳукуматлари Польшага ёрдам бериш ўрнига, Польшадан Германия қўшинлари олиб чиқиб кетишни “талаб” қилдилар. Германия ва Франция ҳукуматлари 3 сентябрь 1939 йили Германияга қарши уруш эълон қилдилар. Бу эса ер шарида жаҳон уруши бошланганлигини англатар эди.

Германия армияларининг совет-поляк чегараларига чиқилиши хавфли кучайиб бораётган тез ўзгарувчан шароитда ҳамда “махфий қўшимча протокол” имтиёзларидан фойдаланиб, Совет ҳукумати 17 сентябр 1939 йилда ўз қўшинларини Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия тупроғига киритилди. 12 кун ичида 12 млн. аҳолига эга бўлган 190 минг кв.км.дан ортиқ майдонни Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия халқларини поляк помещчикларидан озод этди ва СССР территориясига қўшилди, Совет тизими ўрнатилди.

Совет ҳукуматининг Болтиқ бўйи хавфсизлигини кўзлаб қилган таклифига мувофиқ олиб борилган ижобий музокаралар натижасида 1939 йил 28 сентябрда СССР ва Эстония, 5 октябр 1939 йил СССР ва Латвия, 10 октябр 1939 йил СССР ва Литва ўртасида ўзаро ёрдам ахдлари тузилди. 1940 йил 14-16 июнда Совет ҳукумати Болтиқ бўйи мамлакатлари ҳукуматларидан ўзаро ёрдам шартномаларига амал қилишни талаб этди ва антисовет иғволарга йўл қўймаслик учун бу мамлакатлар территориясига қўшимча совет ҳарбий қўшинлари киритилди. 1940 йил августда бу республикалар СССР таркибига киритилди.

1939 йилда Финляндия халқаро империализмнинг СССРга қарши плацдармига айланиб қолган эди.

1939 йил 29 ноябрда Совет ҳукумати Финляндия дипломатик алоқани узишга, фин қўшинлари хужумини даф этиш, шимолий-ғарбий чегараларини мустаҳкамлаш ва фин реакциясининг СССРга қарши яратган ҳарбий плацдарминини яқсон қилиш учун совет қўшинларига чегарадан ўтиш тўғрисидаги буйруқ беришига мажбур бўлди. Уруш ҳаракатлари 30 ноябр 1939 йил бошланди.

Совет –Финляндия уруши (1939 йил 30 ноябр-1940 йил 12 март) совет қўшинларининг фақат фин қўшинлари билан тўқнашуви бўлибгина қолмай балки бир қатор империалист мамлакатларнинг (Англия, Франция) бирлашган кучлари билан ҳам тўқнашуви бўлди.

1940 йилнинг 12 августидан СССР ва Финляндия ўртасида сулҳ шартномаси тузилди.

Карелия-фин ССРеспубликаси тузилди. “Тушуниб бўлмайдиган” уруш тўсатдан тугади. 1940 йилнинг апрелида гитлерчилар кўшинининг Дания ва Норвегияга ҳужуми бу мамлакатларининг истилоси билан тугади.

10 май 1940 йилда Германия кўшинларининг Голландия, Бельгия ва Францияга ҳужуми бошланди. Бу мамлакатларнинг ҳукуматлари қаршилиқ кўрсатишдан бош тортдилар. Англия ва Франция эса ёрдам бермади.

1940 йил майнинг ўзида немис-фашист кўшинлари Англия-Франция-Бельгия кўшинларининг мудофаа фронтини ёриб ўтиб, Франция территориясига кирди. 5 июндан бошлаб немис кўшинлари душманнинг шимолидаги кўшинларига кетма-кет зарблар бериб, Франция шимолидан жануб ва жануби –ғарбий томонларига кириб бордилар. Франция ҳукумати (Петэн ҳукумати) 10 июнда Парижни очик қидириб жанубга Турга, сўнг Бордога қочди. 14 июнда Парижни немислар ишғол қилдилар. 1940 йил 22 июнда Компьен ўрмонида махсус вагонда Петэн ҳукумати таслим бўлиш битимига қўл қўйдилар.

1940 йил 25 августдан бошлаб Германия ҳарбий авиацияси Лондон, Конвентари ва бошқа шаҳарларни бомбардимон қилди. 1941 йил майгача 190 минг бомба ташланди, 100 мингга яқин киши ҳалок бўлди. Британия ҳалқи қатъиян ва ирода кучини намоён этди. Уинстон Черчилль ҳукумати раҳбарлигида мудофаани кучайтирди. АҚШ мамлакати Буюк Британияга ҳарбий иқтисодий ёрдамини тобора оширди. 1941 йилнинг мартада президент Рузвелт Ф.Д. таклифига мувофиқ конгресс Ленд (қарз)-лизе (ичира) бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Англия ва Америка блоки расмийлашди.

Гитлер Германиясининг ҳарбий иқтисодий қудрати ошиб кетди. У 290 миллион кишидан иборат аҳолиси бўлган бутун Европанинг деярли иқтисодий ва ҳарбий кучига эга бўлди. Германия бевосита СССРга қарши ҳужумга тайёрланди ва ўз кўшинларини Совет-Германия чегараларига тўплади. 1940 йил июн СССРга қарши ҳужум “плани барберосс”и 1940 йил 18 декабрда Гитлер томонидан тасдиқланди. 1941 йил 3 февралда Ост Шарк плани ишлаб чиқилди.

1941 йил 22 июнда 5:30 эрта тонг пайтида Гитлер Германияси СССР билан тузилган ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани хиёнаткорона бузиб ва унга ҳеч қандай даъволар қилмай туриб, Совет Иттифоқига қарши кўкқисдан ҳужум қилди. Совет халқининг Улуғ Ватан уруши бошланди. Германия билан бирга Италия, Руминия, Венгрия, Финляндия ва Словакия ҳам СССРга қарши уруш олиб бордилар. СССРга қарши фашистлар Испаниянинг “Яшил дивизияси” Франция Вишиҳукуматининг “кўнгиллилар легиони” урушида иштирок этди. Подшо Болгарияси Германияга ёрдам кўрсатиб турди.

Совет Иттифоқи адолатли, озодлик уруши Ватан урушини олиб борди. Улуғ Ватан уруши бошлангач, давлатлар ва халқларнинг озодлик ва миллий озодлик йўлида фашист маъмунларига қарши коалацияси шакллана бошлади.

Жаҳондаги миллионлаб одамлар совет-герман frontiдаги аҳволни катта ачиниш ва диққат билан кузатардилар, Буюк Британия, АҚШ ва бошқа

мамлакатларда совет халқи билан бирдамлик ҳаракати қанот ёзди, агрессияга қарши курашда фаол ёрдам беришга киришилди.

1941 йил июлда СССР билан Англия Германияга қарши урушда биргалашиб ҳаракат қилиш ҳақида битим туздилар.

Уч давлат-СССР-АҚШ ва Англиянинг 29 сентябр- 1 октябрда бўлган Москва конференциясида Англия ва Америка томонидан Совет Иттифоқига яқин 9 ойда қурол-аслаҳа ва стратегик материаллар етказиб бериш ҳақида қарор қабул қилди. Ўз навбатида СССР ҳам АҚШ ва Англияга ҳарбий ишлаб чиқариш учун хом-ашё етказиб бериш мажбуриятини олди. АҚШ ҳукумати Совет Иттифоқига 1 миллиард доллар миқдорида кредит берди ва миқдор ҳақидаги қонуннинг амалини СССРга ҳам жорий этди.

1941 йилда антифашист коалация тузишга асос солинган эди.

Москва оstonасида қозонган ғалаба антифашист коалациясининг узиш-кесил расмийлашувига ёрдам берди. 1942 йилнинг 1 январиди Вашингтонда 26 та давлат, жумладан СССР, АҚШ ва Англия Бирлашган Миллатлар Декларациясини имзоладилар. Улар ўз ресурсларидан агрессорларга қарши кураш учун фойдаланиш, урушда ҳамкорлик қилиш ва сенат сулҳ тузмаслик мажбуриятини олдилар.

Европада иккинчи фронтнинг йўқлиги, қарши ҳужумга Қизил Армиянинг тайёр эмаслиги ва қурол-аслаҳаларнинг етишмаслиги Германия учун қўл келди. 1942 йилнинг ёзида нацистлар қудратли қучларнинг тўплаб Жанубдан ҳужумга ўтишди, улар тез орада Украинанинг Шарқий қисмини, Добасни эгаллаб, Дон яйловларига чиқиб олишди ва Шимолий Кавказга ёриб киришди. Озиқ-овқат, хомашё ва ёқилғининг бебаҳо манбалари, муҳим саноат районлари Германия назоратига ўтди. СССРга Германия босқинидан бўён сақланиб келаётган даҳшатли хавф-хатар яна кўп мартаба ортиб кетди.

1942 йилнинг июлида Дон ва Волга дарёлари оралиғида ҳамда Кавказ йўналишида оғир жанглар олиб борилди. Сталинград районида мисли кўрилмаган мудофаа жанглари давом этиб, ҳар иккала томондан ҳам беҳисоб қурбонлар берилди. 1942 йил 19 ноябрда Қизил Армия қарши ҳужумга ўтди.

Волга учун кураш 1943 йилнинг 2 февралди тугади, душманнынг жуда катта гуруҳи ўраб олинди (91 мингдан ошиғи. Қўмондон фельдмаршал Паульс бошчилигида асир олинди) ва тор-мор этилди. Ҳаммаси бўлиб душман 32 та дивизия, 3 та бригадасини, 800 мингдан ортиқ солдат ва офицерини, 2000 танк, 3 минг самолёт, 70 минг автомашинасини йўқотди. Германияда умумий мотам эълон қилинди.

Тез орада Қизил Армия бошқа фронтларда ҳам ҳужум бошлади.

Сталинград жанги-иккинчи жаҳон урушида энг йирик ҳарбий-сиёсий воқеа бўлиб тарихга кирди. Бу ғалаба II-жаҳон урушининг боришида СССР ва бутун антифашист коалация фойдасига туб бурилишнинг бошланиши бўлди.

Қизил Армиянинг Волга бўйларида бошланган ҳужуми гитлерчилар Германиясининг сўзсиз таслим бўлиши билан тугалланди. Немис Армиясининг урушлар тарихида мисли кўрилмаган мағлубияти Япония ҳукмрон доираларининг кўзини очди ва унинг СССРга қарши урушга

киришини тўхтатди. Туркиянинг ўша вақтдаги ҳукмрон доираларнинг умидлари ҳам пучга чикди, чунки улар расмийлик юзасидан бетарафлик сақлаган бўлиб, ҳақиқатда эса урушда Германияга ёрдам бериб турдилар ва Германия томонидан туриб урушиш учун Сталинграднинг қўлдан кетишини пойладилар.

Ўзларининг асосий кучларини совет-герман frontiга ташлаган гитлерчиларнинг тор-мор қилишини Англия-Америка қўшинларининг Шимолий Африкада ҳужум қилиши учун қулай шароит туғдирди. Иттифоқчилар фашистларни таъқиб қилиб бориб, Киренаикани, Триполитанияни, Тунисни ишғол қилдилар. 1943 йил май ойида Шимолий Африкадаги итальян-герман қўшинлари батамом таслим бўлди. Италияда янги ҳукумат Бадольо 25 июлда ташкил этилди. Бу ҳукумат 1943 йил 13 сентябрда фашистик Германияга қарши уруш эълон қилди ва бу давлат антигитлер коалацияга қўшилди.

1943 йилнинг 19-30 октябрида Москвада бўлиб ўтган уч мамлакат ташқи ишлар вазирларининг конференцияси ушбу мамлакатлар раҳбарларининг биринчи учрашуви тайёрлади. У 1943 йилнинг 28 ноябридан 1 декабрига қадар Эрон пойтахти –Техронда бўлиб ўтди. Конференцияда И.В.Сталин, Ф.Рузвельт, У.Черчилль қатнашдилар. Кун тартибидаги Марказий ўринни уруш муддатларини қисқартириш ва Ғарбий Европада иккинчи фронтни очиш масаласи эгаллади. Иттифоқчиларни совет-герман frontiда йирик ҳужумлар билан қўллаб-қувватлаши ҳақидаги СССР томоннинг қатъий базаси 1944 йилнинг майида иттифоқчилар қўшинини Францияга тушириш ҳақида қарор қабул қилинишга олиб келди. Шундай қилиб, биринчи марта антигитлер коалациясининг умумий ҳарбий стратегияси ишлаб чиқилди. Техрон конференциясининг қарори антигитлер коалациясини мустаҳкамлади ва халқаро онгига ғалабага бўлган қатъий ишончни жорий этди.

1944 йил бошига келиб Совет халқи умумий душманга қарши курашда жуда катта муваффақиятларни қўлга киритди. Антигитлер коалацияси мустаҳкамланиб борди. 1944 йилда Шимолий денгиздан Қора денгизгача бўлган улкан территорияда совет қўшинлари немис фашистларининг кучлари ўз шерикларининг кучлари билан биргаликда 228 та девизия ва 28 бригадага эга бўлган қўшинларига бирин-кетин қатъий зарбалар бердилар. Совет қўшинлари 1944 йилнинг январь-февралда Ленинград шаҳрини душман блокадасидан тўла озод этдилар ва СССР-Чехославакия, СССР-Руминия, СССР-Финляндия чегараларига чиқдилар.

Frontнинг бир қанча йўнаалишларида совет қўшинлари давлат чегарасига чиқиб олишди. Иккинчи фронтни очишни яна ҳам чўзиш мумкин бўлмай қолди. 1944 йилнинг 6 июнида иттифоқчиларнинг генерал Дуайт Эйзенхауэр қўмондонлигида экспедицион Қуролли Кучлари Франциянинг Нормандия соҳилларига тушди. Бу уруш мобайнидаги энг йирик десант операцияси эди. Иттифоқчилар қўшинлари аста-секин Шарққа томон силжий бошладилар. Германия ички frontiда жанг қилишга мажбур бўлди. Антигитлер коалациясининг қуролли кучлари энди умумий душманга қарши биргаликда жанг қила бошлашди. 1944 йилнинг охирига келиб

иттифоқчилар гитлерчиларни Франция тупроғидан Бельгия ва Марказий Италиядан ҳайдаб чиқдилар.

Қизил Армиянинг ҳужумлари натижасида Германия муҳим хом ашё ва озиқ-овқат манбаларидан маҳрум бўлди. Иккинчи фронт очилганидан сўнг “Рейх”нинг иқтисодий, сиёсий ва ғарбий аҳволи тагин ҳам ёмонлашди. Ҳарбий ишлаб чиқариш суръатлари пасайди. Ишчи кучлари етишмас эди. Нацистлар идора услубининг инқироzi кучаймоқда эди.

Совет қўшинларининг кетма-кет берган зарбалари остида гитлерчилар блоки батамом емирилди. 1944 йилнинг иккинчи ярмида Германия ўзининг уч иттифоқидан –Руминия, Болгария ва Финляндиядан маҳрум бўлди. 1945 йилнинг бошида эса Венгриядан ҳам маҳрум бўлиб қолди. Қизил Армия ва иттифоқчи қўшинларнинг катта ғалабалари натижасида Германия яккаланиб қолди. Гитлер идора усулининг кунлари санокли қолган эди.

1945 йилнинг январида Болтиқ денгизидан то Карпатгача-кенгфронт бўйлаб кучли ҳужумга ўтди. Февралнинг охиригача давом этган бу ҳужум Польшани озод қилиш билан якунланди. Ҳарбий ҳаракатлар Германия тупроғига кўчирилди. Иттифоқчилар тез орада Рур саноат облаcтини немис қўшинларидан озод этдилар.

1945 йилнинг 4-11 феврал кунлари Қримда (Ялта) СССР, АҚШ ва Буюк Британия давлатлари бошлиқларининг конференцияси бўлиб ўтди. И.В.Сталин, Ф.Рузвельт, У.Черчель иттифоқдош армияларнинг Германия марказида ҳужум ҳаракатларининг йўналишлари ҳақида келишиб олдилар. Уч ҳукумат бошлиқлари баён қилдиларки, иттифоқчи давлатларнинг мақсади –герман милитаризмнинг ва нацизмни йўқ қилишдан ҳамда Германия бундан бўён ҳеч қачон тинчликни буза олмаслик учун кафолатлар вужудга келтиришдан иборат.

Уч давлат қарорига мувофиқ 1945 йилнинг 25 апрелида Сан-Францискода фашизмга қарши иттифоқ мамлакатларининг конференцияси очилди. Конференция Бирлашган Миллатлар Ташкилотини (БМТ) таъсис этди ва унинг Низомини қабул қилди.

Ўтқир музокаралардан сўнг Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг (СССР, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Хитой) бир оғиздан овоз бериш принципини қайд этилди.

Қизил Армия кучли ҳужумни авж олдира бориб, 1945 йил апрель ойида душманнинг Одер ва Нейсе дарёлари бўйидаги мудофаасини ёриб ўтди ва Берлинга ҳужум бошлади. Ғарбдан ҳужум қилаётган америка-инглиз қўшинлари Эльба дарёси томон силжиб борди. 25 апрелда Торгау районида иттифоқчилар учрашдилар. Совет қўшинлари Германия пойтахтини қуршаб олишни тугаллади ва 2 май 1945 йилда штурм билан Берлинни олди. 8 май 1945 йил Берлин ёнидаги Карлхорстда СССР, АҚШ, Англия ва Франция қўмондонлари вакиллариинг иштирокида Германия вакиллари (Кейтель ва бошқалар) Германиянинг сўзсиз таслим бўлиши тўғрисидаги актга қўл қўйдилар. 9 май СССРда-Ғалаба байрами куни эълон қилинди.

1945 йилнинг 17 июлидан- 2 августига қадар Поттедамда (Берлин яқинида) СССР, АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари бошлиқларининг III-

конференцияси бўлди. Конференция иттифоқчиларининг Германияга нисбатан тутадиган сиёсати принципларини ишлаб чиқди. Германия саноатини тинчкорлик асосида ривожлантириш кўзда тутилган эди.

СССР Иттифоқчилиқ мажбуриятларини бажариб, 9 августда Японияга қарши урушга кирди. Совет қўшинларининг Шимоли-Шарқий Хитойда қилган шиддатли ҳужуми Квантун армиясини таслим бўлишга мажбур этди. 1945 йилнинг 2 сентябрида Токио қўлтиғида Америка линкорни “Миссури”да Япониянинг сўзсиз таслим бўлганлиги ҳақидаги акт имзоланди.

6 йил давом этган иккинчи жаҳон уруши фашист агрессорларининг узил-кесил енгилиши билан тамом бўлди. Ғалабага эришишда коалациянинг асосий кучи-Совет Иттифоқи ҳал қилувчи рол ўйнади. СССР қуролли кучлари уруш давомида 506 немис дивизиясининг, Германия шерикларининг 100 девизиясини тор-мор келтирдилар. 7 миллионга яқин совет жангчилари 11 та Европа мамлакатларини озод этишди. 1,5 миллиондан ортиқроғи эса Шимоли-Шарқий, Хитой ва Шимолий Кореяни озод этишда иштирок этишди.

Улуғ Ватан урушида СССРнинг одамлар сони бўйича берган талофати 27 миллион кишини ташкил этади, улардан 8,7 миллиони Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларидир.

Кўпгина мамлакатларнинг халқлари ҳам урушдан қурбонлар билан чиқди. Польша- 6 млн.киши, Хитой- 5 млн.киши, Индонезия- 2 млн.киши, Югославия- 1,7 млн.киши, Финляндия- 1 млн.киши, Франция- 600 минг киши, Англия- 375 минг, АҚШ- 300 минг кишини йўқотди.

Германия- 13,5 млн.киши, унинг Европадаги Иттифоқчилари- 1,7 млн., Япония эса- 2,5 млн. кишини йўқотди. Концентрацион лагерда бўлган Европанинг 18 млн.фуқаросидан 11 миллионини гитлерчилар қириб ташладилар.

I ва II-жаҳон урушларининг энг муҳим кўрсаткичлари (тушунтириб берилади)

Уруш жамоатчилиқ онгида миллионлаб инсонлар руҳиятида чуқур из қолдирди.

Иккинчи жаҳон уруши сабаблари орадан кўпгина (60) йилликлар ўтган бўлса ҳам ҳамон ўзини эслатиб туради. Уруш умуминсоний қадриятлар қимматининг ҳозирги ва келгуси авлодлар учун ҳам бебаҳо эканлигини кўрсатиб берди.

Таянч тушунчалар

Мюнхен сиёсати, Ленд-лиге, “Барбарос плани”, Совет иттифоқига хужуми, Техрон конференцияси, Иккинчи фронт очилиши, Германияни таслим бўлиши, Постдам конференцияси

Мустақил иш мавзулари.

1. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши, Европадаги “ғалати уруш”.
2. Урушнинг боришида туб бурилиши. Техрон конференцияси.
3. БМТнинг тузилиши.
4. Иккинчи жаҳон урушининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий натижалари.

Мавзу: Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Европа ва Америка давлатлари

Режа:

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда халқаро вазият.
2. «Совуқ уруши» муносабатининг вужудга келиши.
3. XXI аср демократик давр. Терроризмга қарши кураш.

Адабиётлар:

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллари. Т. «Ўзбекистон» 2001 й.
2. Каримов И.А. «Тинчлик учун курашмоқ» Т. «Ўзбекистон», 2001 й.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т. «Ўзбекистон». 1997 й.
4. Каримов И.А. ЮНЕСКО идория кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлисида сўзлаган нутқи. 1998 й. 6 ноябр. Асарлар 7 жилд. Т. «Ўзбекистон», 1999 й.
5. Хидоятлов Г.А. Жаҳон тарихи. Т. «Шарх». 2003 й.
6. Хидоятлов Г.А., Гулямов Х.Г. Всемирная история новейший период. Т. «Университет». Т. 1999 г.
7. Волк С.С., ---Г.Р. «Энг Янги тарих»
8. Тюриков В., Шоғуломов Р. «Истиқлол йилномаси». Т. «Ўзбекистон». 2001 й.

Европа иккинчи жаҳон урушининг бош сахнаси бўлди. Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодиёти, бетарафликни сақлаган Швейцария ва Швециядан ташқари кучли издан чиқди, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми анча қисқарди, аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайди. Одамлар онгида жиддий ўзгаришлар содир бўлади: ўз мамлакатлари ва инсоният тақдирини ечишда кенг халқ оммасининг иштироки сиёсий фаолликни келтириб чиқарди, энди ҳокимият тепасига даҳшатли уруш оловини ёқувчилар келишига йўл қўймасликка интилиш кучайди.

1946-1947 йилларда бир қатор мамлакатларда Янги конституциялар қабул қилинди, Ирқий камситишларнинг барча турлари – Ирқий, миллий, ижтимоий ва бошқача бўлмасин қораланди, демократик эркинлик эълон қилинди, меҳнаткашлар ташкилотларига корхона ва давлатни бошқариш имконлари берилди. Ижтимоий таъминот тизимини кенгайтириш ҳақида қонунлар қабул қилинди,

замонавий пенсия ва меҳнат қонунчилиги жорий этилди, йирик корхоналар ва хўжаликнинг бутун-бутун соҳаларини национализация қилиш амалга оширилди.

Янгича шароитда халқлар иқтисодий тиклашга иштиёқ билан киришиб кетдилар. Бу жараёнда АҚШ ассигнованияси (маблағ таъминоти) ва заёмлари ёрдамида Европани тиклаш ва ривожлантириш хусусидаги Маршалл режими муҳим рол ўйнади. 1948-91 йиллар мобайнида Европанинг 16 давлати АҚШ ҳукуматидан қарийб 17 миллиард доллар қайтимсиз ёрдам олди. АҚШда бу дарада заррача ҳам маккорликка борилмади. Улар ўзларининг бош савдо шериклари сифатида Европанинг тикланишига ҳайрихоҳ ҳудудида тинчлик сақланишидан умидвор, ўз капиталларининг Ғарбий Европа мамлакатларига кўпроқ кириб бориб, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда таъсирларини ўрнатишдан манфаатдор эдилар. Бу вазифаларнинг барчаси «Маршалл режаси» ёрдамида у ёки бу даражада ҳал этилди. Ғарбий Европанинг ички ривожланишига «Совуқ уруш» ўз таъсирини қолдирди. АҚШ талабига мувофиқ бир қатор мамлакатлар ҳукуматидан коммунистлар чиқариб ташланди. Оммавий ахборот воситаларининг СССРга ва коммунист ҳаракатга хужуми кучайди, сўл партиялар таъсири қисқарди.

40 йиллар охиридаги Ғарбий Европа мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши урушдан олдинги даражани тиклаш белгиси остида, 50-йилларнинг биринчи ярмида эса саноат ва қишлоқ хўжалигини янги техника билан таъминлаш шиори остида ўтди, бу 50-йиллар ўртасига бориб, ишлаб чиқариш суръати юксалишини таъминлади. Юксалиш даврлари иқтисодий бурхонлар билан алмашиб турди. Лекин урушдан кейинги йилларда юксалиш босқичлари илгарига нисбатан давомийроқ, бурхонлар эса қисқароқ бўлиб, умумий эмас, балки қисман тавсифда эди.

"Совуқ уруш" шароитида ҳарбий ва сиёсий иттифоқлар тузилди. Биринчи бўлиб 1948 йилда Ғарбий иттифоқ тузилиб, унга Буюк британия, Франция, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург кирди. 1955 йилда у Ғарбий Европа иттифоқига айланиб, НАТОнинг таянчи бўлиб қолди. Унга ГФР, Италия, Испания ва Португалия ҳам кириб, Ғарбий Европа иттифоқи 9 давлатни бирлаштирди.

НАТОга аъзо бўлган ҳар бир давлат умумий қўмондонлик остида ўз қўшинларидан бир қисмини ажратар, бюджетга маълум бир суммани тўлар ҳамда ўз ҳудудида НАТО қўшинлари жойлашувига йўл қўярди.

60-йиллардан буён Ғарбий Европа илмий техника инқилоби шароитида яшамокда. Иқтисодий ўсув анча тезлашди, аммо алоҳида мамлакатларнинг нотекис ривожланиши сақланиб қолди. Ғарбий Европа мамлакатларида 50-йиллар ўрталаридан 80-йиллар охирига қадар саноат ишлаб чиқариш ҳажми 3,4-4 маротаба ошди.

Ишчилар ҳаракатида ҳар хил йўналишлар ўртасидаги муносабатлар ўзгариб турди. 60-йиллар охирида сўл гуруҳ жонланиб қолди. Ишчилар синфи кўпчилик қисмининг аҳволи яхшиланмокда, иш

ҳақининг аниқ миқдори ошмоқда, иш ҳафтасининг давомийлиги қисқармоқда, нафақа ва пенсиялар, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизими такомиллашмоқда.

XIX аср ўрталарида 1872 йилдаёқ Европа давлатларини бирлаштириш ғояси тарқалган эди.

Замонавий шароитда бу ғояни Ғарбий Европа интеграцияси ва Атлантикадан Уралгача "Европа уйи"ни барпо этиш истиқболи ўзида мужассам этди. Интеграциянинг бошланишига 1951 йилда Франция бош министри Роберт Шуман ташаббуси билан кўмир ва пўлат Европа бирлашмасининг тузилиши (КПЕБ) таъмол топишини қўйди. У 6 мамлакат тошкўмир, темир-руда ва металлургия саноатини интеграция қилди. Кейинроқ КПЕБга яна 6 мамлакат қўшилди, ҳозир у Ғарбий Европадаги 85 % тошкўмир қазиб олишни, 90% пўлат қуйиш ва чўян ишлаб чиқаришни, 40 % темир рудаси қазиб олишни назорат қилмоқда.

1957 йилда ўша мамлакатлар атом саноатини бирлаштирувчи худди шундай бирлашма – АТОМ ЭНЕРГИЯСИ бўйича Европа ҳамдўстлиги (Евроатом) тузишди, унинг бош вазифаси Ғарбий Европа атом энергияси ривожланишини координация қилиш эди.

Европа иқтисодий ҳамкорлигида (ЕИХ) интеграция жараёнлари тобора яшнади. Уни ташкил этиш тўғрисидаги шартномага 1957 йил РИМда ГФР, Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург вакиллари имзо чекишган эди.

ЕИХ - ягона ички бозорини тузиш мақсадини кўзлаган бўлиб, бунда унга қатнашган мамлакатлар учун савдодаги чеклашларни аста-секин бартараф этиш ва одамлар, маблағлар, товарлар ҳамда хизмат кўрсатиш воситаларининг эркин ҳаракатланишини таъминлаш учун имконият яратилди. Қатнашувчи мамлакатларнинг иқтисодий сиёсати устидан назоратни ушбу бош миллий бирлашмага бериш хусусида боради.

Европа Иқтисодий ҳамкорлиги (гоҳида уни "Умумий бозор" деб юритишади) иқтисодий жиҳатдан тез ривожлангани сайин бошқа давлатларнинг ҳам қўшилиш истаги пайдо бўлди, аста-секин унинг қатнашчилари сони 12 га етди (1973 йилда унга Буюкбритания, Дания ва Ирландия, 1981 йилда Греция, 1986 йилда Испания ва Португалия қабул қилинди).

КПЕБ, Евратом ва ЕИХ-ҳозир умумий битта термин билан Европа Ҳамдўстлиги (ЕХ) деб юритилади. Улар умумий бюджетга эга бўлиб, асосан Брюссельда, Люксембург ва Страсбургда жойлашган ўз раҳбар органлари назоратида фаолият кўрсатмоқда. Ҳамдўстликнинг қонун чиқарувчи олий орган Европа Кенгаши саналиб, унга қатнашувчи мамлакатларнинг давлат бошлиқлари киради.

Европа иқтисодий ҳамкорлиги фаолияти муваффақиятли давом этмоқда. Ҳар замонда пайдо бўлган ва бўлаётган мунозара ва келишмовчиликлар бартараф этиб борилмоқда. Ҳамдўстликка аъзо бўлган давлатларнинг 340 миллионли аҳолиси бўлиб, иқтисодий қудрат – сиёсий таъсир ва ҳарбий кучларнинг ўсишига муваффақ бўлинмоқда. ЕИХ, АҚШ ва

Япония билан муваффақиятли рақобат қилиб, уч жаҳон марказларидан бирига айланди. ЕИХ ўз байроғига (қора-қўқ фонда 12 та олтин юлдуз бор) ва мадҳиясига эга. "Европа паспорти" қилинган, "Асосий ижтимоий ҳуқуқлар Хартияси" тасдиқланган: унда ЕИХ, мамлакатларининг биридан иккинчисига ўтадиган одамларнинг ҳуқуқларига зарар етказмаслиги учун минимал шароитлар билан таъминлаш шартлари ишлаб чиқилган.

1991 йилнинг декабрида Маастрихтда (Нидерландия) ЕИХ, қатнашчилари интеграция жараёнларини жадаллаштириш ҳақидаги битимни имзоладилар: нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва мудофаа иттифоқлари тузиш, ягона валюта бирлигини (эю) муомалага киритиш, ягона миллатлар бошқаруви давлатни тузишга ҳал қилувчи қадамларни қўйиш каби масалалар битимда қамраб олинган.

Маастрихтда тахмин қилингандан унча тез бўлмасада, интеграция жараёнлари, шак-шубҳасиз, давом этмоқда ва чуқурлашмоқда. Швеция, Норвегия, Исландия, Финляндия, Австрия, Туркия, КИПР, Мальта ўзларининг ЕИХ таркибига кириш учун ҳаракатлари бирлигини билдиришди.

2000 йилнинг сентябрда ЕИХ давлатларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда 2000 йилнинг декабрида бир неча Европа давлатлари ва (Германия, Англия, Францияда) ЭКЮ – валюта бирлигини муомалага киритилади ва 2002 йилнинг январиди 12 давлат экю-валютасини ўз мамлакатада муомалага киритади. Ғарбий Европа давлатларида аста-секинлик билан ягона валюта бирлиги (эю) вужудга келмоқда.

6 ва 9 август 1945 йилда Америка авиацияси Япон шаҳарлари Хиросима ва Нагасакига атом бомбаси ташлади. Бу тарихда биринчи бор мислсиз оммавий қирғин қуролининг ишлатилиши эди. Хиросимада 90 минг кишилар қурбон бўлди. Нагасакида - 75 минг кишилар қурбон бўлди. Ундан ташқари 100 мингдан ортиқ инсонлар радиоактив нурлари билан захарландилар, бу эса қийналиб вафот этишдир. Ҳақиқатда эса жуда катта моддий йўқотиш ва тинч аҳоли ичида қўплаб қурбонларни келтириб чиқарган бу атом бомбаларининг ташланиши ҳарбий зарурият тақозоси эмас эди, балки дунёда инсонга қарши янги уруш тури "Совуқ уруши" бошланган эди. АҚШ стратегияси юксалганлигининг намоёниши бўлиб, ядровий қуролланиш пойгасининг бошланишига олиб келди.

Американинг Фултон шаҳрида Англиянинг бош министри У.Черчиллнинг Америка президенти Трумен иштирокида сўзлаган (5 март 1946 й.) нутқи Совет иттифоқига ва унинг дўстлари томонидан «Совуқ уруш»нинг очик эълон қилиниши каби қабул этилди. Унда «Шарқий коммунизм» билан курашда инглиз-америка ҳарбий иттифоқининг тузишга чақириқ янгради.

СССР Европа халқ демократияси мамлакатларининг миллий мустақиллигини ҳамма вақт қўллаб-қувватлаб келди, империалистларнинг ҳар қандай ғаразли интилишларига иқтисодий блокадасига зарб берди, террористик планларини амалга оширишларига йўл бермади. СССР ва халқ демократияси мамлакатлари ўртасида халқ демократияси мамлакатларининг ўзлари ўртасида шартномалар, булардан ташқари яна савдо, маданий алоқалар, фан ва техникадаги

хамкорлик тўғрисида шартномалар ва битимлар тузди.

1949 йилда АҚШнинг атом монополиясига, «атом дипломатияси»га ва шантажига чек қўйди. СССР давлати 1949 йили ўзининг биринчи атом бомбасини синовдан ўтказди. Шу даврдан бошлаб дунёда "ядро қуроли пойгаси" вужудга келди.

АҚШ ва СССРдан кейин бошқа давлатларда ҳам атом бомбасини ишлаб чиқаришга катта маблағ ажратиб, уни вужудга келтиришди. 1952 йил Англия ўзининг атом бомбасини синовдан ўтказди, 1960 йил Франция, 1964 йил - Хитой, 1974 йил Хиндистон ва 1999 йил Покистон ҳам ядроли давлатларга айланишди. 2003 йил Шимолий Корея ядро қуролига эга давлат Эрон – 2001 йил, 2004 йилда Ливия.

60 йилларда илмий-техниканинг ривожланиши натижасида ядро қуролининг янги турлари вужудга келди, улар оддий ёки кичик масштабларда ишлатиш мумкин эди. Улар химиявий ядро қуроли эди.

1952 йили АҚШ, 1953 йили СССР томонидан биринчи марта водород бомбасини ишлаб чиқаришда, унинг кучи атом бомбасига қараганда 1000 марта юқори эди. Кейинчалик бу давлатлар Нейтрон бомбасини ишлаб чиқаришди.

Ядро қуролини ишлаб чиқаришдан ташқари, уларни керакли жойларга етказиш техникасини ишлаб чиқдилар. 1948 йили АҚШ томонидан Б-52 самолёт ишлаб чиқарилди. У 20 км. баландликда учиб, 12000 км-га учиб боради. Етти йилдан кейин (1955 й) Совет Иттифоқида шунда самолётлар вужудга келади. 1957 йил Совет Иттифоқи ўзининг қитъалараро баллистик ракетасини синовдан ўтказди. У 10000 км масофада Тинч океанида жойлашган объектни йўқ қилди.

Бир йилдан кейин АҚШ ҳам шундай ракетани вужудга келтирди.

60 йилларда бир вақтда АҚШ ва СССР давлатлари сув ости кемаларни вужудга келтиришди. Улар ядро қуроли билан жиҳозланган бўлиб, сув остида узок муддатда юриши мумкин.

СССР давлати 1966 йили ядро ракеталар системасига қарши кураш муҳофафасини ташкил этди АҚШ давлати ҳам 1974 йилда шундай тизим ташкил этди.

Қуролланиш пойгаси йилдан-йилга ўсиб борди. Уни ишлаб чиқаришга янги-янги давлатлар қўшила бошлади. Бу қуроллари ишлаб чиқаришга катта маблағлар талаб қилинди, 1970 йилнинг 1 ярмида дунё бўйича ҳарбий харажатлар бюджети 350 млн.доллар ташкил этган бўлса, 1980 йилга келиб – 400 млрд. доллар ташкил этди.

1980 йилдан бошлаб ҳарбий харажатлар йилига – 600 млрд. долларни ташкил этарди.

Дунёга ҳукмрон бўлиб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган АҚШ давлатлари, социалистик давлатларга, барча прогрессив, революцион кучларга қарши қаратилган сиёсатни олиб бордилар.

1947 йил мартда «Трумэн доктринаси» эълон қилинди. У барча мамлакатлар реакционерларини АҚШ бошчилигида демократия ва социализм кучларига қарши курашга даъват этди. Бу халқаро миқёсда ва АҚШнинг ўзида норозиликни кучайтирди. Шундан кейин 1947 йил 5 июнда давлат секретари

Маршалл Джоржд АҚШ Европа мамлакатларига экономикани тиклашда ёрдам қилади деди.

«Маршал плани»нинг мақсади кредит бериб бошқа мамлакатларни ўзига иқтисодий, сўнг сиёсий жиҳатдан қарам қилиб олиш, социалистик системасига қарши ҳарбий блокнинг иқтисодий негизини яратиш эди.

Бу планни қабул қилинган капиталистик давлатлар ўз экономикаларини тиклаш учун зарур бўлган ускуна ва ашёлар ўрнига Америка товарларини кўплаб киритди. Америка товарларидан олинадиган бож камайтирилди. АҚШ бу давлатларнинг ички ишларига кўпроқ аралашди.

1951 йил октябрда «Маршал плани» «Хавфсизликни ўзаро таъминлаш» программаси билан алмаштирилди. «Иқтисодий ёрдам» ўрнига «ҳарбий ёрдам» кучайтирилди. АҚШда ҳарбий ишлаб чиқариш ва қуроли кучлар кўпайтирилди.

1949 йил апрелда АҚШ ташаббуси билан 12 давлат: АҚШ, Англия, Франция, Италия, Бельгия, Голландия, Люксембург, Канада, Норвегия, Дания, Исландия ва Португалия иштирокида «Шимолий Атлантик блоки – НАТО» ташкил топди. Унга 1952 йилда Греция ва Туркия, 1955 йили ГФР кирди. 1982 йили Испания, 1991 йили Венгрия, Польша ва Чехия, 2004 йил 29 март Латвия, Литва, Эстония, Болгария, Румыния НАТОга аъзо бўлди.

НАТОга аъзо бўлиб кирган ҳар бир мамлакатда бирлашган қуроли кучларини барпо этиш учун маълум бир ҳарбий контингент ажратиш таклиф қилинган эди. Бирлашган қуроли кучларга Америка ҳарбий бошлиқлари раҳбарлик қилар эди.

Шимолий Атлантика блокининг тузилиши-ғоялаштирилган ёпик, ҳарбий-сиёсий гуруҳбозлик шаклида бўлиб - у амалда СССР ва унинг иттифоқчиларига қаратилган эди, халқаро муносабатларнинг ривожланишига салбий таъсир ўтказа бошлади.

СССРнинг ташқи сиёсати бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан, қуролланиш пойгасига ҳам катта аҳамият бериб келди.

Ер юзидаги тинчликка турли ҳудудларда кечаётган халқаро можаролар ҳам хавф-хатар солар, бу можаролар замирида катта урушга баҳона чиқиб қолиш эҳтимоли бор эди. 1950 йил июнда Корея ярим оролида биринчи йирик уруш бўлди. Бу уруш қонли бўлиб, уч йил мобайнида давом этди. Тўғридан-тўғри ёки қисман даражада 20 тагача давлат унга тортилган эди. 1953 йилнинг июлда Кореяда ярашга эришилди.

50 йилларда Осиё ва Тинч океани хавзасида блоклашув стратегияси тарқалди. АҚШ, Буюк Британия ва Франция иштирокида бир қатор давлатларни ҳарбий-сиёсий иттифоқда жалб этди, бу блоклар «халқаро коммунизм суқилиб киришидан химояланиш байроғи остида амалга оширилди.

1954 йил 8 сентябрда АҚШ, Англия, Франция, Янги Зеландия, Филиппин, Таиланд ва Покистондан иборат Жанубий-Шарқий Осиё мудофааси - СЕНТО тузилди. 1955 йил ноябрда Яқин ва Ўрта Шарқ районида Англия етакчилигида Бағдод пакти тузилди. Унга Англия, Туркия, Ироқ, Покистон ва Эрон кирди. Ироқда 1958 йил 14 июлда инқилобий ҳаракат натижасида бу ташкилотдан Ироқ чиқиб кетди. Бағдод пакти энди СЕНТО (марказий шартнома

ташкilotи) деб атала бошлади. АҚШ блокларга аъзо бўлса ҳам, уларнинг асосий органлари ишида қатнашар эди.

СССР, Марказий ва Жанубий Шарқий Европа мамлакатлари ўз хавфсизликлари ҳамда тинчлик мақсадларини кўзлаб, 1955 йилнинг майида Варшава дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида кўп томонлама шартнома тузишди. СССР, ГДР, Чехословакия, Венгрия, Руминия, Болгария, Польша давлатлари кирган бу шартномага «Совуқ уруш» халқаро муносабатларни қарийб 4 ўн йиллик мобайнида гуллаб турди. Вақти-вақти билан у энг юқори нуқтасига етар, кейин бўшашиб, кескинлик тўлқинларида узилиш содир бўлар (70 йилларнинг I ярмида), сўнг эса яна қайта кучаяр эди. Ғарб билан Шарқ ўртасидаги муносабатлар таранг тортилган ипдек эди. Гоҳида кескинлик ўткирлашиб, хавфли халқаро инқирозлар келтириб чиқарар, ҳатто инсониятни ракета-ядро уруши бўсағасигача етаклаб келарди.

Мустамлакаларга эга бўлган давлатлар мустамлакачилик тизимининг емирилишига қаршилик кўрсатишга ожизлик қилишди, натижада Осиё ва Африкада мустақил миллий давлатлар пайдо бўлди. Осиё ва Африка халқларининг мустамлакачиликни бир умрга тугатишга яқдил қаралди, ядро қуроли тақиқланишини талаб қилди.

60-йилларда озод бўлган мамлакатлар буюк давлатларнинг ҳарбий-сиёсий иттифоқига, қўшилмаслик ҳаракатига бирлашишди. Қўшилмаслик ҳаракатининг бошланишига Ҳиндистон асос солди. Озод бўлган мамлакатларнинг ушбу сиёсатини тез ва кенг кўлами тан олиши натижасида бу ҳаракатга 100 дан ортиқ давлатлар қўшилишди. Қўшилмаслик ҳаракати жаҳон сиёсатида муҳим омил бўлиб, тинчликни мустаҳкамлашга фойдали ҳисса қўшди.

Тинчликсевар кучларнинг ҳудудий можароларни ҳарбий йўллар билан эмас, балки сиёсий йўллар билан ҳал этишни талаб қилиб чиқиши – куч ишлатиш услубларига ўрганиб қолган давлатлар мавқеига ҳар томонлама таъсир кўрсатди. Аммо 60 йилларда ҳам дунёда кескинлик камаймади.

Куба атрофидаги вазиятга боғлиқ ҳолда 1962 йилнинг кузида энг хавфли халқаро инқироз келиб чиқди. Инсониятни ядровий уруш хавф-хатари остига қолдирган «Кариб инқироzi» СССР ва АҚШ ўзаро аҳиллик билан иш кўриши натижасида бартараф этилди.

АҚШнинг Ҳиндихитойдаги агрессияси чўзилиб кетди, у бу ҳудудни Осиёдаги стратегик мавқега эга маконга ҳамда иқтисодий экспансия объектига айлантирмоқчи эди. Вьетнамдаги уруш XX аср II яримидаги энг бешафқат уруш эди. Вьетнам - юксак ривожланган саноат технологияси ишлаб чиқарган ёвузона оммавий қирғин қуролларини синайдиган ўзига хос полигонига айланди.

АҚШ ҳукуматининг урушга ўз иттифокчиларини тортиб, унга халқаро ақил коммунистик интервенция характерини беришга уриниши фойда бермади. АҚШ тазийқи остида Вьетнамга қарши урушда фақатгина Австралия, Янги Зеландия, Корея Республикаси, Таиланд ва Филиппин катнашди. 1964-1968 йиллар мобайнида унинг ҳудудига 7,8 млн. тонна бомба ташлади.

Курашаётган Вьетнам билан халқаро ҳаракатининг қудратли тўлқинлари АҚШни Вьетнамда урушни тўхташ ва тинчлик ўрнатиш ҳақидаги битимни тузишга мажбур қилди. АҚШ 1968 йилнинг ноябридан ВДРни

бомбардимон қилишни тўхтатишга мажбур бўлди, 1969 йилнинг бошидан эса Жанубий Вьетнамдан ўз қўшинларини олиб чиқиб кета бошлади. 1973 йилнинг январида Парижда бўлиб ўтган музокаралар натижасида Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш ҳақидаги битимлар имзоланди, 1979 йили АҚШнинг ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиши, Вьетнамнинг ички ишларига аралашмаслиги ҳақида битимни имзолайди. 1976й. 2/У1-ВСР бўлди.

Инсониятни ядровий ва бошқа қуроллар билан қуролланиш пойгаси ғоят безовта қиларди, негаки, булар оммавий қирғин қуролларнинг улкан миқёсида тўпланиб қолганини билдиради. Қуролланишга катта ресурслар сарфланар, аслида эса бу ресурсларни туб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни-қашшоқлик, очлик, касалликлар, саводсизлик, ишсизлик на бартараф этишга истеъфода этиш мақсадга мувофиқ эди.

1963 йилнинг августида Москвада Буюк Британия, СССР ва АҚШ атмосферада, **фазокенеликланида** ва сув остида ядро синов ўтказишни тақиқлаш тўғрисидаги шартномани имзолади. Шартнома атмосферани келгусида радиоактив захарланиш хавфидан ҳалос этиб, катта қувватдаги ядро қуролларини такомиллаштиришни чеклади. Бу ҳужжатга 115 дан ортиқ давлат қўшилишди.

1970 йилнинг мартада ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома кучга кирди. 90-йилларнинг бошланишига қадар бу шартномани 135дан ортиқ давлат имзолади. У ядро қуrolининг бундан кейин тарқалишига жиддий тўсиқ қўйди. Ядровий давлатларга бу қуролни бирор-бир давлатга беришни, бундай қуролга эга бўлмаган мамлакатларга эса уни ишлаб чиқаришни тақиқлаш билан ушбу шартнома ядро можаросининг келиб чиқиш имкониятини чеклади. Давлатлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан халқаро назорат ўрнатилиши билан бирга шартномага қатнашган ядросиз мамлакатлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан тадбирлар белгиланди.

1972-1974 йиллардаги олий даражада ўтказилган Совет-Америка музокаралари натижасида бир қатор ғоят муҳим сиёсий ҳужжатлар имзоланди.

СССР ва АҚШ ўртасида **раштага** қарши мудофаа тизимларини чеклаш тўғрисидаги шартнома (РҚИ) ва стратегик ҳужумкор қуролларни чеклаш соҳасидаги айрим тадбирлар тўғрисидаги мувақат битим (СҚЧ-1) тузилиши ҳар иккала томоннинг тенглиги ва бирдай хавфсизлиги принципига асосланган бўлиб, улар ядро қуроли пайдо бўлгандан буён анализ ҳилдаги илк ҳужжатлар саналади, улар ядровий уруш хавфини бўшаштиришга ҳамда қуролланиш пойгасидан сақланишга хизмат қилди. Ядро уруши хавфини олдини олиш ҳақидаги Совет-Америка битимлари қарама-қарши туришдан қайтиш ва ядровий можарога йўл қўймаслик кераклигини тан олиш сари қўйилган қадамлар бўлди.

Олти йилдан кўпроқ вақт мобайнида музокаралар юритилиб, 1979 йилда имзоланган СССР ва АҚШ ўртасида стратегик ҳамда ҳужумкор қуролларни чеклаш ҳақидаги (С+2) шартнома ратификация қилинмади, кучга кирмади, аслида ҳар иккала томон шартномада кўрсатилган чеклашларга рози эди.

1981 йилнинг январида Рейган маъмурияти ҳокимият тепасига келгач, АҚШ ва НАТОнинг СССРдан «орқада қолганлиги» каби кўҳна тезислар билан чиқди. Оқ уй томонидан қўллаб-қувватланди. Рейган «стратегик мудофаа ташаббуси»ни (СМТ) кўтариб чиқди, у узоққа мўлжалланган космосга жойлаштириш элементлари билан кенг қўламли ракетага қарши мудофаа дастури эди.

Кўп сонли можаролар билан келадиған «совуқ уруш» кўпгина мамлакатлар халқлари учун ҳақиқий фалокатга айланди. Жаҳон сиёсати майдондаги қарама-қаршилиқлар инсониятнинг ядровий жарликка сирғалиб тушиб кетиш хавф-хатарини туғдирди. 80 йиллар ўрталарига келиб, халқаро муносабатларда ҳал қилувчи бурилиш яшаш зарурияти етилиб келди.

Ядровий эра талабларини тушуниб етган олимлар, сиёсатчилар ва жамоат арбоблари ўртасида, 40 йилларнинг охиридаёқ халқаро ишларга янгича ёндашиш элементлари етиб кела бошлаган эди.

1985 йилда СССРдаги ўзгаришлар ва ҳокимият тепасига янги раҳбарларнинг келиши билан янгича сиёсий асосларини давлат миқёсида тушунтириб бериш ҳамда шакллантириш имкониятлари туғилиб қолмасдан, балки уларни амалда қўлланиш, совет ташқи сиёсатини тубдан янгилашга киришиш бошланди.

Совет Иттифоқининг халқаро майдондаги амалий қадамлари аниқ-равшан ташқи сиёсий акцияда дунёнинг янги фалсафасини бирлаштиришда кўринди. Булар - ядро қуролларини 2000 йилга қадар босқичма-босқич тугатиш, халқаро хавфсизликнинг кенг қўламли тизимини яратиш, ядро қуролларини тўла ва ҳамма жойда синовдан ўтказишни тақиқлаш, химиявий қуролларни тўла ман этиш ва унинг захираларини йўқ қилиш ҳақидаги конвенция тузишдир.

1979 йил 25 декабрда Совет Армияси Афғонистонга киритилган эди. 1989 йилнинг февралда Афғонистонда совет қўшинларини тўла олиб чиқиб кетиш ҳақидаги Женева битими ҳудудий можароларни сиёсий йўл билан ҳал этишда муҳим қадамлардан бири бўлади.

СССР ва АҚШ ўртасидаги сиёсий мулоқотларнинг ривожланиши ва чуқурлашиши йирик муваффақиятлардан бири бўлди, у икки томонлама муносабатлар ва жаҳон сиёсатининг барча муҳим муаммоларини қамраб олди. Томонлар ядро уруши ҳеч қачон бошламаслигини, унда ғолиблар бўлиши мумкин эмаслигини тушуниб етишди. Улар СССР ва АҚШ ўртасида ҳеч қандай - ядровий ёки одатдаги уруш бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаб, ҳарбий устунликка эришишга интилмаслик мажбуриятини олишди.

Олий даражадаги Совет-Америка музокаралари - Женевада (1985 й.) Рейкьякида (1986 й.) Вашингтонда (1987 й.) ва Москвада (1988 й.) бўлиб ўтди. Бу учрашувларда ядро қуролларини реал қисқартириш соҳасида силжишларга эришилди. 1987 йилнинг декабрида имзоланган, 1988 йилнинг июнида кучга кирган ўртача ва кичик узоқликларга мўлжалланган ракеталарни йўқ қилиш ҳақидаги СССР ва АҚШ ўртасидаги шартнома қатъий назорат остида ядровий қуролларни икки синфини йўқ қилишни кўзда тутувчи биринчи халқаро битим эди. Уч йил мобайнида қурол-аслаҳаларнинг бир тури йўқ қилинди. Энди Ғарбий Европада бир неча дақиқа ичида Совет Иттифоқининг Европа қисмидаги нишонларни катта аниқлик билан қиладиган ракеталар йўқ.

Пировардида Совет-Америка муносабатлари яхшиланди.

Совет Иттифоқининг тарқалиб кетиши ва унинг ҳудудида кўплаб суверен давлатларнинг ташкил топиши жаҳондаги сиёсий вазиятни тубдан ўзгартиб юборди.

СССР қўл остида бўлган стратегик ядро қуролларини назорат қилиш ва уни тарқатмаслик масаласи кескин бўлиб қолди. Бу қуроллар тўрт республика жойлашгани учун (Россия, Украина, Белорусь ва Қозоғистон) уларни ягона назорат остида Россия минтақасида жойлаштиришга қарор қилинди.

БМТ, унга аъзо бўлган барча давлатлар ўртасида ўзаро ишонч муҳитини яратмоқда, миллатлар ҳамдўстлигининг конфронтациядан озод бўлган янги дунё қуриш сари кўрсатаётган сабб-ҳаракатларида кучларнинг бирлашишини юзага чиқармоқда, БМТ Низоми мақсадлари ва принциплари бўйича умуминсоний қадриятлар тантана қиладиган дунё қурилиши давом эттирилмоқда. Терроризм балоси халқаро жамоатчиликни, дунёдаги хур фикрли, эзгу ниятли инсонларни қаттиқ ташвишга солиб келмоқда.

Тарих сабоқларидан маълумки, ҳар қандай жамиятда, миллатда ичи қора, тажовузкорлик ва зўравонликка мойил кимсалар бўлади. Улар ҳамиша нимадандир норози, аламзада. Уларнинг аслини суриштирсангиз, оилада ҳам, мактабда ҳам яхши таълим-тарбия олмаган ёшлардир. Қолаверса, носоғлом муҳит ва оилаларда ўсган, ҳаётда ўз ўрнини топмаган, жамият эътиборидан четда қолган бундай кишилар кўпроқ ёвуз ниятли кимсалар тузоғига илинадилар.

Давлатимиз раҳбари бутун жаҳонга таҳдид солиб турган терроризм ва диний экстремизм ҳақида дунё ҳамжамятини олдиндан огоҳлантириб, ўз қабиҳ ниятини амалга ошириш учун ҳар қандай ёвузликдан қайтмайдиган кимсаларга қарши ҳамкорликда курашиш, дунёдаги барча тинчликсевар кучларни бу эзгу иш атрофида бирлаштириш, мувофиқлаштириш ҳақида халқаро анжуманларда сўзлаган эди. 1993 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида дунё жамоатчилиги эътиборини аср вабоси ҳисобланган терроризмнинг ўчоғи бўлган Афғонистон воқеаларига қаратиб, уларни бу офатдан кутилиш учун ҳамкорлик ва хушёрликка чақириб: «Можаро содир бўлаётган жойларда ғоят кўп микдорда замонавий қурол-яроғ ҳеч бир назоратсиз тўпланаётганлиги ҳам бизни ташвишга солаяпти. Бу қурол-яроғлар қаердан келаяпти ва улар экстремистлар билан террорчиларнинг қўлига қандай тушаяпти?» дея дунё халқлари манфаати, миллатлар тақдирига дахлдор бундай ўта долзарб саволларни ўртага ташлаб «Ўзбекистон экстремизмни, диний фанатизм ва ақидапарастликни қатъиян қоралайди», деб халқимизнинг тинчликсевар сиёсатини баён этган эди.

Инсониятни огоҳликка даъват этган бундай чақириқ Президентимиз томонидан Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг 1999 йил Истамбулда бўлиб ўтган анжумани минбаридан ҳам айтилган эди.

Халқаро террорчи ва диний-сиёсий экстремистик жиноий тўдалар бугунги кунда дунё цивилизациясининг, давлатлараро интеграциянинг ашаддий душманига айланганини очик-ойдин эътироф этиш керак. Давлатимиз раҳбари «айни пайтда халқаро террорчилик ва экстремизм марказлари миллионлаб тинч

аҳолига ва давлатларга улкан талофатлар келтирадиган ёвуз хатти-ҳаракатларнинг давом этаётгани»дан хавотирланиб, гарчи террорчилик ҳаракатларининг бири, айтилиб, Филиппинда, бири Болғонда, бири Чеченистонда, яна бири Яқин Шарқда ёки минтақа ва давлатларда амалга оширилган бўлса-да, бугунги кунда уларнинг барчаси бир занжирга боғланганини, бу тажовузлар ортида катта маблағ, катта кучга эга бўлган, маълум марказлардан бошқариладиган экстремистик кучлар ва ташкилотлар борлиги очиқ-ойдин кўриниб турганлигини, уларнинг ўзаро уйғунлашиб, чуқур илдиз отиб кетганлигини таъкидлаб, «агар диний экстремизм ва ақидапарастлик шиорлари халқаро террорнинг ғоявий никоби бўлса, наркобизнес ва наркотрафик, ҳеч шубҳасиз, халқаро террорнинг молиявий таянчидир» деган мантиқли хулосани илгари сурди.

Жиноятчиликка қарши кураш бўйича дунёдаги аҳволни ўрганувчи БМТ ҳузуридаги ташкилот маълумотига кўра, ўтган асрнинг охириги 30 йилида жаҳонда содир этилган жиноятлар 4 мартага кўпайган. Жумладан, собиқ Иттифок республикалари ва АҚШда 8 марта, Буюк Британия ва Швецияда 7 марта, Францияда 6 марта ўсган. Жиноятчилик аҳволини таҳлил қилувчи криминолог олимларнинг тахмин қилишларича, яқин йилларда дунёда ҳар соатда 200 минг жиноят содир этилишининг эҳтимоли бор. Бу эса халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг тобора хавfli тус олаётгани ва жаҳонда жиноятчиликнинг кучайишига кескин таъсир ўтказаяётганининг ёрқин далилидир.

Террорчилар ўз қилмишларини амалга оширишда турли усулларни қўллайдилар. Жумладан, террорчилик ҳаракатларини содир этишда портлатиш, ўт қўйиш, кимёвий, биологик, радиактив ва заҳарловчи моддаларни ишлатиш, шахсларни гаров сифатида ушлаш, вайрон қилиш, сув бостириш, тоғ-тошларни қулатиш, ҳаёт учун муҳим объектларни, айниқса аҳоли яшайдиган жойларни сув остида қолдириш, иссиқлик, электр энергияси таъминотини батамом узиб қўйиш, шунингдек, аҳоли ўртасида ваҳима, қўрқув пайдо бўлишига сабаб бўладиган бошқа турли воситалардан фойдаланишади.

Халқаро террорчилик бирон-бир давлатдаги террорчиларнинг ўз ҳаракатларини у ёки бу давлат ҳудудидан ташқарига чиқиб давом эттириши деб қаралса, юридик жиҳатдан тўғри бўлади. Шунингдек, террорчиларнинг бирор-бир хорижий давлатда жойлашгани ҳам бу жиноятнинг ўзига хос хусусиятга эга эканлигини кўрсатади.

Халқаро террорчиликда:

1) террорчилар ҳам, жиноят қурбонлари ҳам бир давлатга мансуб ёки бир неча давлатга тегишли бўлиши мумкин, аммо жиноят шу давлатдан ташқарида содир этилган бўлади;

2) террорчилик акти халқаро ҳимоя остидаги шахсларга қаратилган бўлади;

3) террорчилик ҳаракатларига тайёргарлик кўпинча бир давлатда амалга оширилиб, жиноятнинг ўзи эса иккинчи давлат ҳудудида содир этилади;

4) террорчилар бир давлат ҳудудида террорчилик содир этиб, иккинчи давлат ҳудудига ўтиб яшириниши мумкин ва уларни биринчи давлатга ушлаб бериш масаласини ҳал этиш зарур бўлади.

Бугунги кунда, манбаларда кайд этилишича, ер юзида 500 дан ортиқ террорчи ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Улар 60 та давлат худудидан жой олган бўлиб, 84 та давлатга ва уларнинг фуқароларига қарши террорчилик ҳаракатларини олиб бормоқда. Зеро, террорчи жинойтчиларнинг жазоланишини деярли барча давлатлар қўллаб-қувватлайди. Шу боис, дунёдаги деярли барча давлатларнинг қонунларида террорчилик учун жинойий жавобгарлик белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, жаҳон ҳамжамияти террорчилик ва экстремизмнинг айрим кўринишларига эмас, балки энг аввало террорчиларни ташкил этаётган, йўналтираётган ҳамда уларни энг замонавий воситалар ва қуроллар билан таъминлаётган йирик молиявий ва бошқа имкониятларга эга халқаро марказларга биргаликда кураш олиб борган тақдирдагина унга қарши туриш мумкин. Халқаро терроризмга қарши кураш умуминсоният вазифаси, биринчи навбатда ҳал этилиши керак бўлган муаммо. Акс ҳолда бу бало она заминимиз тараққиётга, илм-фанига, маданиятига, миллатлараро биродарликка - жамики цивилизацияга жиддий путур етказиши турган гап. Негаки, ҳар қандай қабиҳлик каби терроризмнинг ҳам на миллати, на дини борлиги бугун кундек равшан. Қолаверса, ҳозирги вақтда терроризмнинг тажовузидан ўзини холи ҳис қилган бирорта китъа ёки давлатнинг ўзи йўқ. Терроризм худди вабодек ер шаридаги кўплаб мамлакатларга бало-қазодек ёйилиб бормоқда. У қачон, қайси томонда, қандай хуруж қилишини ҳеч ким билмайди. У эртага кимни нишонга олишини ҳам олдиндан башорат қилиш қийин. Бу ҳақиқатни жаҳоннинг турли минтақалари, жумладан, Америка, Туркия, Саудия Арабистони, Индонезия, Россия, Испания, Сурия давлатларида содир этилган террорчилик хуружлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Халқаро терроризм, бу бало-ю офатнинг илдизлари, бугунги кундаги мудҳиш қиёфаси ҳақида гапирганда, баъзи бир омиллар ва сабаблар ҳақида тўхталишни муҳим деб ўйлаймиз.

Аввало, бундай зўравонлик ва қуролли хуружлар илгари ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳолда дунёнинг турли минтақаларида ўзининг манфур башарасини кўрсатиб келган бўлса, эндиликда ана шундай ёвузликларнинг бир-бири билан тобора чамбарчас боғланиб кетаётганини тушуниб олиш қийин эмас. Халқаро терроризм номи билан халқаро терроризмдир. Чунки, терроризм бир занжирга боғланган бўлиб, амалга оширилаётган тажовузлар ортида катта маблағ, катта кучга эга бўлган вайронкор ва бузғунчи мафкуравий таянчи бор. Шу тариқа халқаро терроризм нафақат айрим минтақа ва китъаларга қарши, балки бутун дунё, бутун инсониятга қарши ёвуз режалар тузаётган мудҳиш кучга айланиб бораётганлиги катта хавф яратмоқда.

Халқаро терроризмнинг бу даражага етиши, унинг жаҳон цивилизациясига қарши «доимий қора булут»га айланиб бораётганлигининг яна бир омили - кўплаб давлатлар, жаҳондаги соғлом сиёсий кучларнинг мана шу ҳавфли одатга ўз вақтида етарли эътибор бермагани ва қатъият билан кураш олиб бормагани, деб ҳисобланмоқда.

Хавфсизликка солинаётган таҳдидлар серқирра. Улар террорчиликнинг бир кўриниши бўлмиш диний урушдаги экстремизм ва фундаментализмни ўз ичига олади. Сессияда таъкидланганидек, «бундай мараз ва қабих ниятли кучлар ва марказлар жуда чуқур ўйланган, катта маблағ билан таъминланган, узоқни кўзлайдиган дастур ва режаларга, энг замонавий восита ва имкониятларга эга. Улар ўзининг таъсирига тушган кишиларнинг миясини захарлаш мақсадида ҳеч қандай соғлом ақлга сиғмайдиган бузғунчи ақида ва ғояларни, шу жумладан, «Ҳизбут-таҳрир» оқимида кенг тарқалган халифалик қуриш даъватларини ишлатишади. Муққадас динимизни ниқоб қилиб, ёвуз ниятларни амалга ошираётган бу сохта диндорлар тарих ғилдирагини ортга қайтариб бўлмаслигини наҳотки тушунмайдилар?!

Тарих, асрлар юки, ҳалқлар ва миллатлар тақдирини елкасига ортиб, фақат олға интилади. Тарих ҳеч кимнинг мададига муҳтож эмас. Уни ортга қайтармоқчи бўлганлар қаттиқ янглишади.

Ҳақиқат оловга ўхшайди, асл моҳиятини билганларга у нур бўлиб, йўлини ёритади, ғофилларни эса қуйдириб кулга айлантиради. Шунинг учун биз ёшларимизга диний ҳақиқатнинг асл моҳиятини англаймоғимиз, диний-экстремизм мафкурасига, қўпоровчилик-террорчиликка қарши курашда, айниқса ёшлар билан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизимини ташкил этишимиз зарур.

Мавзу: Германия урушдан кейин тикланиши

Режа:

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейин 1945-1950 йилларда Германиянинг сиёсий ва ижтимоий ҳаёти.
2. Вилли Брандт, унинг ички ва ташқи сиёсати.
3. Ягона Германия давлатининг ташкил топиши.

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон” 1997й.
2. Хидоятлов Г.А. “Жаҳон тарихи” Т. “Шарқ” 2003й.
3. Волк С.С. “Энг янги тарих” Т. “Ўқитувчи” 1995й.
4. Жаҳон мамлакатлари. Справочник Т. Ўзбекистон 1985й.
5. Тюриков В. Шоғуломов Р. “Истиқлол йилномаси” Т. “Ўзбекистон” 2001й.
6. Хидоятлов Г.А. Гулямов Х.Г. Всемирная история новейшей период, Европа и США после второй мировой войны (1945-1995г.г.) Т. 1999г.

Иккинчи жаҳон урушида Германия мағлубиятга учради. Фашист газандалари суд қилинди ва жазоланди. Қрим ва Постдам конференциясига мувофиқ мамлакат оккупация зоналарига бўлинди. Ҳар бир зонада маъмуриятни оккупация қўшинлари бош қўмондони бошқарарди.

Германиянинг ғарбий қисми мамлакатнинг аҳолиси зич ва саноат ривожланган қисми эди. Бутун Германияга тегишли масалалар эса, 4 бош қўмондондан иборат Назорат кенгашининг яқдил овоз бериш тамойили асосида ҳал этилар эди.

Германия федератив Республикасининг аҳолиси 60,6 млн. киши, ҳудуди 248 минг кв.км, 7 та мустақил вилоятлари бор. 7 та вилоятнинг йирик шаҳарлари: Гамбург, Бремен, Дюсселдорф, Бонн, Нюрнберг, Штутгарт, Мюнхен.

ГФР республикасида ташкил топган партиялар:

1945 йил 11 июнда Коммунистик партия ягона тинч ва демократик Германияни тиклаш борасидаги мақсад ҳамда вазифалари манифестини эълон қилди. 1946 йил бахорида ўз тузилмасини тиклади ва унинг аъзоси 324 минг ишига етди. Улар маҳаллий бошқарув органлари ишида фаол иштирок этиб, касаба уюшмаларида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Германия социал-демократик партияси ҳам жадал суръатларда тиклана борди. ГСПД ғояларига ва буржуа парламент тизими тамойилларига содик қолишини билдирди.

Германияда католик марказининг роли кучайди. Унинг асосида 1945 йилда янги партия тузилиб, Христиан демократик иттифоқи деб юритила бошлади. Унинг асосчилари католик рухонийлари, саноатчилар, банкирлар, зиёлилар, хизматчилар эди. Уларнинг дастурида умумий фаровонликка эришиш, монополияни бартарафт этиш, ишчиларга корхоналарни бошқариш имкониятини беришга ваъда қилдилар.

Уларнинг дастурида бир қатор саноат тармоқларини “ижтимоийлаштириш” кўзда тутилган эди. Ишчилар, диндорлар томонидан дастур қўллаб-қувватланди. Шу партиянинг етакчиси сифатида Кёльннинг собиқ бургомистри КОНРАД фон АДЕНАУЭР сайланди.

1945 йилда партиянинг Бавария филиали “Христиан-социал иттифоқи” тузилди. У ХДИ қараганда консерватив қарашга эга эди. 1948 йилда тузилган Озод демократик партия хусусий мулкчилик ва эркин рақобат тарафдори эканлигини таъкидлади. Бу энг кучи буржуа партияси эди.

Ғарб мамалакатлари бошданок Германиянинг ғарбий қисмида алоҳида давлат ташкил этиш бўйича келишилган сиёсатни олиб боришди. Германия бўйича Назорат кенгашининг маслаҳатисиз 1946 йил декабрда АҚШ ва Англия ўз оккупация зоналарини бирлаштиришди. Германиянинг иккига бўлинган ҳудудий қисмлари турли йўллар билан ривожлана бошланди.

Мамалакатда қонуний ҳукумат икки палатали парламентга ўтди. БУНДЕСТАГ- умумхалқ овози билан 4 йилга сайланади. 2 палата- БУНДЕССРАТ- маҳаллий парламент томонидан ер эгаларидан иборат ҳар бир ер кенг автономиядан фойдаланиб, ўз парламент ва ҳукуматига эга. Бундестаг валандтаглар вакилларининг қўшма мажлиси республика президенти чекланган ваколат билан сайланади. У ҳукуматни ташкил этади ва Бундестог ваколоти тугагунча вазифасида қолади. Германия федератив республикаси расмий равишда 1949 йил 21 сентябрда эълон қилинди. БОНН-ГФР пойтахти деб эълон қилинган.

ГФР ҳукумати ғарбий давлатларнинг мамлакатни ғарбий Европа мудофаа тизимига киритишга қаратилган барча ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

1954 йил октябрда имзоланган Париж битимига кўра ГФР НАТО аъзолигига кирди ва мамлакатда 500минг кишидан иборат армия ташкил этилди. Ҳарбий саноат қайта тикланди. ГФРнинг иқтисодий ривожланишига АҚШ катта ёрдам берди-1,4 млрд доллар миқдорида ёрдам берди. 1949 йил охирида ГФР иқтисодни урушдан олдинги даражага етди. 1949 йил охирида ГФР иқтисодни урушдан олдинги даражага етди. 50 йилларнинг биринчи

ярмида саноат маҳсулотларининг йиллик ўсиши 12,3%га кўтарилди, 1960 йилга келиб саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 марта ошиб, тайёр маҳсулот экспортининг ҳажми борасида Франциядан узиб кетди ва Англияга тенглашди.

Ғарбий Германия иқтисодининг жадал ривожланишида давлат бошқарувининг ўз вариантыни яратиши катта аҳамият касб этади.

1950 йилларда қабул қилган дастурлар ўз ижобини берди. Германияда озиқ-овқат муаммоси ҳал этилган эди. 50-йиллар охирида ГФР экспортга озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқа бошлади. Озиқ-овқат маҳсулотларини арзонлаштириш арзон иш кучини берди ва Ғарбий Германия саноатининг рақобатбардошлигини кучайтирди.

ГФР 1958 йил январида “Умумий бозор” аъзоси бўлиб қолди. Мамлакат индустрияси “Умумий бозор” ишлаб чиқараётган барча маҳсулотнинг 44% берар эди. “Умумий бозор” ташкил этилганидан уч йил ўтгач, ГФР унда етакчи ўринни эгаллаб улгурди. Тансиқ маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳар икки-уч йилда бир неча марта кўпайди. Бу ҳол мамлакатда юқори бозор эҳтиёжини юзага келтирди ва меҳнат унумдорлигини ошишини рағбатлантириб борди.

50-йилларда ишчиларни бошқарув тизимига жалб этиш ва мулкдорлар синфини кенгайтириш мақсадида уларга корхоналарнинг арзон акцияларини “ҳалқ акциялари”ни сотишга тўғри келди. ГФР ишлаб чиқариш ҳажми бўйича бирин-кетин кўпгина мамлакатларни қувиб ўта бошлади, аҳолининг турмуш даражаси анча кўтарилди.

1960 йиллар бошида Монополия позициясини мустаҳкамлаган “Умумий бозор” меҳнаткашларга катта зарба берди. Арзон хорижий ишчи кучининг кўплаб жалб этилиши немис ишчилари учун салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Мамлакатда иш ташлаш бошланди.

Христиан демократларнинг маънавий обрўси тушиб кетди. Бир қатор ХДИ/ХСИ раҳбарларининг миллатчилликка алоқадар жанжални ўтмиши очиб ташланди, унинг юқори доирадаги раҳбарлари ўртасидаги коррупция фош этилди. Молиявий товламачиликка ва сиёсий “ўйин”ларга аралашиб қолган ХСИ етакчиси Ф.Штраус 1963 йили мудофаа министрлиги лавозимидан истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

1961 йилги бундестаг сайловларида К.Аденауэр томонлари-партиялари бой беришди. 1963 йил октябрда 87 ёшли Аденауэр истеъфога чиқди, унинг даври тугади.

1969 йилги сайловларда ГСДП ва ОДП муваффақият қозонди ҳамда коалацион ҳукумат тузишга эришди. ГФР ташкил топганига 20 йил ўтиб, илк бор социал-демократлар вакили фашизмга қарши кураш ҳаракатининг фаол арбобларидан бири Вилли Бранд мамлакат федерал канцлерлигига сайланди. У ички ва ташқи сиёсатда чуқур ислохотларни бошлаб юборди.

Иш ҳақи ва нафақа оширилди, корхоналарда тадбиркорлар ўзбошимчалигини чекловчи ишлаб чиқариш кенгашлари тузилди, квартира тўловларининг маълум чегараси белгиланди.

Ташқи сиёсатда ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. “Янги шарқий сиёсат”ни ишлаб чиқиш В.Брандт номи билан боғлиқ. У гилерчилар агрессиясидан зарар кўрган Шарқий Европа мамлакатлари, аввало Польша, Чехославакия ва СССР билан муносабатларини яхшилаш лозим деб ҳисоблади. 1970 йили СССР билан шартнома имзоланди. ГФР мавжуд чегараларни бузмаслик мажбуриятини олди. Худди шундай шартномалар Польша ва Чехославакия билан ҳам имзоланди.

Шартномалар тизими Европада янги сиёсий муҳит яратди ва Ғарб ҳамда Шарқ ўртасидаги муносабатлар яхшиланишига кўмаклашди. Жаҳон сиёсатида кутилган барқарорлик В.Брандтнинг “Янги шарқ сиёсати” билан чуқурлашиб кетди. Мамлакат ичида бу сиёсат ғарбий германиялик ўч олувчилар ва миллатчиларга қаттиқ зарба берди. ХДИ/ХСИ блоки бундестагдаги шартномалар ратификациясини чиппакка чиқаришга уринди, бироқ муваффақиятсизликка учради. Шартномалар кучга кирди, “Янги шарқ сиёсати” кўпчилик аҳоли томонидан қўллаб-қувватланди. Бу ГФР тарихидаги янги бурилиш бўлди. Мамлакат Дунё билан цивилизация асосида ривожланиш йўлига кирди. 1972 йилги сайловларда В.Брандт ҳукумати халқ ишончини қозонди. 1974 йил май ойида ҳукумат социал-демократ Гельмут Шмидт бошқарувига ўтди, вице-канцлер ва ташқи ишлар министри этиб ОДП раҳбари Ханс Дитрих Геншер сайланди. Ҳукумат алмашуви ГФР сиёсатида жиддий ўзгаришлар олиб келмади. В.Брандт ГСДП раиси сифатида қолди.

1980 йилнинг 2 ярмидан иқтисодий суръат пасайиши бошланиб, 1981-82 йилларда бу ҳол иқтисодий тенгликни келтириб чиқарди. Ишсизлар сони 2,5 миллион кишига етди.

Инфляция аҳоли харид қувватининг пасайишига олиб келди. Бу 1982 йил кузида бошқарув коалациясининг парчаланишини келтириб чиқарди. ОДП, ХДИ/ХСИ билан битта блокка кирди. Г.Шмидт буденстагда кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмади ва истеъфога чиқишга мажбур бўлди. ХДИнинг янги раҳбари Гельмут Коль федерал канцлер лавозимида кўтарилди.

ХДИ ўзи учун керакли хулосаларни чиқарди. Германия муаммосини куч билан ҳал этиш усули таназзулга учради ва партиялар қадриятларни қайтадан баҳолашга тушди. 1982 йили Гельмут Коль томонидан бошқарилаётган ва “янги неоконсерватизм” деб ном олган сиёсий оқим кучайди. Унинг моҳияти жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги давлат ролини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришни талаб қилишдан иборат эди.

Г.Коль ГДР билан ягона давлатга бирлашиш тўғрисида тўғридан-тўғри музокаралар олиб борди. 1989 йил кузда Шарқий Европада коммунистлар режаси қўллағач, ГДР дан ГФРга оммавий қочиш бошланди. Октябр охирида Э.Хоннекер раҳбарлигидаги ҳукумат истеъфога чиқди ва 1989 йил 9 ноябрда “Берлин девори” бузиб ташланди. 1990 йил 3 октябрда ягона Герман давлати ташкил этилганлиги эълон қилинди. Гельмут Коль Германиянинг энг машҳур давлат арбобига айланди. 1990 йилги бундестагдаги сайловларда 60 миллион

сайловчилар (ГФРдан-48 млн, собикГДР-12 млн. иштирок этди. ХДИ/ХСИ блоки 662 овоздан 319 тасига эга бўлди. ОДП 79 та овоз олди.

1990 йил 3 октябр ягона Герман давлати ташкил топганлиги эълон қилинди. Гельмут Кольнинг сиёсати натижасида 1996-1997 йилларда солиқ тушумлари режадагидан 57 миллион доллар кам бўлди. Ишсизлар сони рекорд даражага етиб, катта ёшдаги ҳар ўнтадан бири ишсиз эди. Айни пайтда Г.Коль ўз мақсадида- Маастрихт битимини амалга оширишга тўлиқ ишонган ҳолда ҳаракат қилди. Унга кўра 32 миллион ишчининг иш ҳақини икки йилга “музлатиб” қўйишни режалаштирган янги режа илгари сурган эди. Г.Коль сиёсатига ОДП ва ГСДП қарши чиқди. Г.Коль бошқарган консерватив либерал коалацияда (ХДП ва ОДП) дарз пайдо бўлди. Унинг сиёсати икки партия негизини –бозор иқтисодиёти шароитида юқори ижтимоий ҳаражатларни сақлаб қолиш қондасини бузди. Г.Коль ҳукумат тепасида 18 йил ишлади, бироқ у Европа муаммоларини ҳал этишга нисбатан ўз таъсир кучини ортиқча баҳолаб юборди. 1998 йил бундестаг сайловларида унинг партияси муваффақиятсизликка учради. Федерал канцлерликка ГСДП етакчиси Герхардт Шредер сайланди.

Герхардт Шредер мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига катта аҳамият берди. Германияда ишсизликлар сони қисқартирилди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт яхшиланди. Жаҳон мамалакатлари тинчлик сиёсатини такомиллаштириб, халқаро терроризмга қарши курашда фаол иштирок этди. МДХ давлатлари билан ҳамкорликни кенгайтди. Германия тараққиётида ўзига хос муаммолар, партиялар орасида келишмовчиликлар натижасида 2005 йилда бўлиб ўтган сайловда бундестагга биринчи Германия тарихида аёл Ангелина Меркел федерал канцлерликка айланди.

Таянч сўзлар

Оккупацион зона, назорат кенгаши, Бундестаг, бундессарт, ландтаг, “Аденауэр даври” федерал канцлер, маркел пул бирлиги, “Янги шарқий сиёсат”, “янги неоконсерватизм сиёсати”, Берлин девори.

Мустақил иш мавзулари

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Германия ва унинг сиёсий партиялари.
2. ГФРнинг ташкил топиши 1950-60 йиллардаги ички ва ташқи сиёсати.
3. “Янги шарқий сиёсат” унинг моҳияти.
4. Г.Кольнинг “Янги неоконсерватизм сиёсати” ва унинг оқибати.
5. Германиянинг бирлашуви ва тараққиёти.

Мавзу: АҚШ, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ички ва ташқи сиёсати

Режа:

1. Иккинчи жаҳон урушининг АҚШ учун бўлган оқибатлари.
2. АҚШнинг 50-90 йилларда иқтисодий ривожланиши
3. АҚШнинг ташқи сиёсати

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида 6 жилд. Т. «Ўзбекистон» 1998 й.
2. Каримов И.А. Европа Иттифоқи мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари кенгашида сўзлаган нутқи. 5 жилд Т. «Ўзбекистон» 1997 й.
3. Каримов И.А. АҚШ ишбилармон доиралари вакиллар учун ўтказилган брифингда сўзлаган нутқи. 5 жилд. Т. «Ўзбекистон» 1997 й.
4. Хидоятлов Г.А. Жаҳон тарихи. Т. «Шарқ». 2003 й.
5. Волк С.С. Энг Янги тарих. Т. «Ўқитувчи» 1995 й.
6. Хидоятлов Г.А., Гулямов Х.Г. Всемирная история новейший период. Европа и США после второй мировой войны. Т. 1999 г.

Америка давлати ер шарида ғарбий қисмида жойлашган. АҚШ битта йирик давлат эмас. У ўз ичига 50 та мустақил давлатларни олади. Бу давлатлар 1976-89 йилларда ўз мустақиллиги учун кураш олиб бориб ва 13 Штат бирлашиб АҚШ пайдо бўлди. Ўша йиллари улар ўз конституцияларига эришдилар. Ўша конституция ҳозирга қадар ўз кучини йўқотмаган.

Бу мамлакатнинг ҳудуди 936,4 минг кв.км ҳозирги вақтда 238 млн. аҳоли яшайди, давлат тили эса инглиз тили деб эълон қилинган. Лекин Америка тили Буюк Британия тилидан фарқ қилади. Авваллар бу

мамлакатнинг туб аҳолисини хиндулар ташкил қилган, кейинчалик бошқа миллат аҳолилари кўчиб кела бошлаган.

АҚШ бошқа давлатлардан иқтисодий, ижтимоий жihatдан доимо олдинда турган. 1949-2000 йил АҚШ ҳаётида жуда катта ўзгаришлар бўлиб ўтди.


Ҳозирги кунда АҚШ дунёда энг йирик ҳамда бой давлатлардан бири ҳисобланади. У бошқа давлатларга қараганда ҳамма томонлама олдинланиб кетмоқда.

Иккинчи жаҳон уруш йилларида АҚШ давлати иқтисодий инқироз ҳолатидан чиқиб, ишлаб чиқариш қувватини анча оширди. Ўсишнинг йиллик ҳажми 15% ни ташкил этди. АҚШ нинг уруш майдонларида узоқда бўлиши ҳамда ҳарбий буюмларни ва қуролларни фашизмга қарши давлатларга кўплаб сотиши унинг шундай ўсишини таъминлади. Бунинг устига АҚШнинг уруш харажатлари анча кам эди. У урушда кўп одам йўқотмаган эди. Ҳаммаси бўлиб АҚШ 300 минг киши йўқотди.

АҚШ империалистлари уруш натижасида 60 миллиард доллар фойдага капиталистик мамлакатлардаги саноат ва ҳарбий стратегик ашёлар запасининг 50% ига, жаҳон олтин запасининг 67 % ига эга бўлдилар. АҚШ дунёнинг кредиторига айланди. Америка уруш йилларида саноат қуввати 51 % ўсди. Ҳарбий саноати ривожланди. 1946 йилда АҚШнинг жаҳон капиталистик саноат ишлаб чиқаришидаги салмоғи маҳсулот ишлаб чиқаришига нисбатан озаётган бўлишига қарамай 62 %ни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 32 %ни ташкил этди. АҚШнинг жаҳон капиталистик экспортидаги ҳиссаси 1945 йил ёзида 40 %ни ташкил этди, унинг капиталистик етакчи роли ошиб кетди.

Америка империализми ўзининг бош мақсадларидан бирига - урушда СССРни кучсизлантиришга эриша олмади, аксинча СССРнинг куч-қуввати ва халқаро роли ошиб кетди. Бунинг устига Европа ва Осиёда бир қатор мамлакатларнинг капиталистик системасидан ажралиб чиқиши, мустанлақчилик системасининг емирила бошлаши, капитализмнинг ҳукмронлик доирасининг қисқариши, социалистик жаҳон бозорининг вужудга келиши туфайли жаҳон бозорининг бўлиниб кетиши АҚШ саноат ишлаб чиқаришини жиддий қийинчиликлар ёқасига келтириб қўйди. Урушнинг тугалланиши натижасида АҚШнинг саноат ишлаб чиқаришини тушкунликка олиб келди. 1946 йилда саноат маҳсулоти 29 % камайди, саноатнинг баъзи тармоқлари эса бундан ҳам кўп қисқарди.

Урушдан кейинги АҚШнинг экономикаси нотекислик ва беқарорлик билан гоҳ кўтарилиш, гоҳ тушкунлик, инқирозлар юз бериши билан характерланди. Саноат корхоналарининг ҳаммаси иш билан тўла таъминланмади. Экономикада нотекислик ва зиддиятлар кескинлашиб борди. Меҳнаткашлар оммасининг аҳволи ёмонлашди. Синфий кураш кучайди. Жаҳон капиталистик саноат ишлаб чиқаришда АҚШнинг ҳиссаси камая борди.



1948-1949 йилларда АҚШ қисман иқтисодий кризисини ўз бошидан кечирди.

АҚШ империалистлари зўр бўлиб қуролланишни янада кучайтирдилар, 1949 йилдан бошлаб қуролли кучларни кучайтириш ва кенг қуролланиш программасини амалга оширишга киришдилар. АҚШ атом қуролига вақтинчалик яқка ўзи эканлигига, ҳарбий базалар тизими ва молия иқтисодиётида қўли баландлигига таяниб, жаҳонга ҳоким бўлиш мақсадларини амалга оширишга уриниб кўрди. Қўшма Штатлар томонидан Японияга қарши атом қурилишининг қўлланиши амалда ядро эрасининг бошланишидан дарак берди. Тез орада пайдо бўлган "Совуқ уруш"нинг ўзи бўлиб, АҚШ ва СССРнинг барча соҳаларда, айниқса ҳарбий-сиёсий ва ғоявий жиҳатларда рақобати пайдо бўлди. АҚШнинг "дунё раҳбари"га айланиб олиш имкониятларини чеклаб турарди.

50 йилларда АҚШ иқтисодиёти бошқа ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига нисбатан суст ривож топди. Саноати ривожланган мамлакатлар асосий кўрсаткичлари бўйича АҚШ ҳиссасининг қисқариши иқтисодий лидерлини йўқотиб қуйишда жиддий хавф туғдирди.

60 йилларда АҚШда ҳарбий-саноат комплекси (ҲСК) вужудга келди. Унга қурол-аслаҳа ишлаб чиқарувчи корхоналар, корпорациялар, олий мақоми генералитет, давлат бюрократиясининг бир қисми ҳамда милитарлашган фан киради. Ҳарбий-саноат комплекси асосини йирик ҳарбий-саноат фирмалари ташкил этилиб, уларнинг ичида Пентагоннинг 12 та асосий пудрагчиси бор, улар кўп йиллардан буён қурол-аслаҳаларнинг турини ишлаб чиқаришга миллиард сўмли буюртмалар олиб келмоқдалар.

Илмий-техника инқилобининг янги тўлқинлари мавжудланаётган шароитда АҚШ дунё ҳўжалигида ўз мавқеини мустаҳкамлашга, бир мунча кучли рақобатчилардан ажралиб туришга, эришилган баланд қўлликни давом эттиришга интилмоқда.

Бироқ 1969-70 йиллардаги буҳрон ички рақобатнинг ўсганлигидан гувоҳлик бериб, мамлакатдаги иқтисодий ҳолатни ёмонлаштирди. 70 йилларнинг биринчи ярми иқтисодий ўсувнинг бирмунча юқори суръатлари билан якунланди, пул қадрсизланиши, иқтисодиётнинг ёқимли-энергетика ва хом-ашё бўлимларида, саноатнинг қазиб олиш ва қайта ишлаб жабҳаларида чуқур диспропорция (нотўғри тақсимот) юзага чиқди.

70-йилларнинг иккинчи ярмидан иқтисодиётни тизим ва технология жиҳатидан узоқда мўлжалланган қайта илмий-техника инқилобининг энг янги ютуқларини жорий этиш асосида уни тубдан қайта жиҳозлаш ётарди. Бундай йирик дастурлардан мақсад сифат жиҳатидан энг юқори меҳнат

унумдорлигига эришиш, хом-ашёнинг камёб турларини тежаш, ёқилғи энергетика балансини тубдан яхшилаш, ишчи кучи, электр қуввати ва материалларни тежаш борасидаги воситаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш эди. Ишлаб чиқаришнинг металлургия, машинасозлик, автомобилсозлик ва бошқа етакчи тармоқларида кичик автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни, саноат роботларини, лазер техникаси ва технологиясини кенг қўлланиши одатий тусга кирди. 90-йиллар боши ишлаётган роботлар сони 130 мингдан ошиб кетди. Микроэлектроника, аэрокосмика, асбобсозлик, алоқа воситалари, информатика ва бошқа илмий йўналишдаги соҳалар гуркираб ривожланди. Янги техника ноишлаб чиқариш соҳаларига ҳам кенг кириб борди. 90 йиллар бошида мамлакатда 60 миллиондан ортиқ хусусий компьютерлар бор эди. Уй электрон аппаратураларининг кескин қўпайиши ва маиший техниканинг оммавий янгиланиши содир бўлди.

Иқтисодиётнинг янги тизими ўзгаришларига мослашуви 15 йилгача давом этиб, 90-йилларда яқунланган бўлса-да, саноатни янги технология асосига қўчириш жараёнлари ҳамон давом этмоқда. Саноатга капитал сарфлаш тизими ўзгариб, 90-йиллар бошида энг мукаммал жиҳозларга инвестициянинг 75% тўғри келди.

Компанияларни қайта ташкил этиш кўп сонли қўшилишлар ва қарздорликлар билан боғлиқ. Йирик корпорацияларга саноатнинг турли соҳаларига, савдо ва хизмат кўрсатишнинг бошқа шохобчаларига қарашли кўп сонли корхоналар қарарди. 500 пешқадам фирмалар ичида бир соҳага ихтисослашган корпорация йўқ ҳисоби эди.

Рональд Рейганнинг республикачи мамурияти иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш, кадрсизланишнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик ва муқобилликни таъминлашга интилиб, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш йўлини тутди. 80-йилларда соф фойдадан ва даромаддан олинадиган солиқлар таърифи анча пасайтирилди, капитал киритмалар учун солиқ имтиёзлари берилди.

"Рейганизм" шароитида америка саноати илмий-техника тараққиётининг янги ютуқларини самарали жорий этди. Унинг рақобатига чидамлилиги халқаро кўламда кучайди. Иш билан таъминлашда режаси ўсишнинг асосий манбаи хизмат кўрсатиш доираларининг кенгайиши бўлди. Инфляция ва ишсизлик даражаси пасайди, бу эса истеъмолчилик талабининг кенгайишига олиб келди. Бундай натижаларга милитаризацияни босиб ўтиш шароитида, ички ва ташқи қарздорликнинг ўсуви ҳисобига эришилди.

80-йиллар II ярмида АҚШ иқтисодиётига чет эл капиталининг катта миқёси кириб келиши кучайди. Энг аввало, булар давлат қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш, хусусий компаниялар акцияларини харид қилиш, шунингдек банк омонатлари ва киритилган капитал маблағлар эди. Муқобил ва юқори даромадларни кўзлаган Буюк Британия, Нидерландия, Япония, Канада, ГДР бу борада фаоллик кўрсатишди. 80 йиллар охирида АҚШдаги чет эл капиталлари киритмалари унинг хорижга қўйган маблағларидан 0,5 триллион доллар кўп эди. АҚШ - қарздор мамлакатга айланди. Чет эл фирмалари Америка қайта ишлаш саноати ва энг яқин илмий ишлаб чиқариш

соҳаларига яна кўпроқ кириб борди. Чет эл капитали Америка иқтисодиётининг сифат жиҳатидан янгилашга ҳамкорлик қилди, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва илмий-техника ахборотлари алмашинувидаги иштирокини кенгайтди. Бу АҚШнинг очиқ турдаги хўжалик юритишга ўтаётганлиги кўрсаткичидир.

—АҚШнинг Шимолий-Шарқий (Нью-Йорк) ва ўрта Ғарбий (Чикаго) молия капитали гуруҳи энг таъсирчан мавқеини эгаллаган. Кейинги ўн йилларда Жанубий ва Жанубий-Ғарбий штатларда индустриянинг гуркираб ривожланиши муносабатлари билан Техас ва Калифорния молиявий гуруҳларининг улуши кўпайди.

Замонавий АҚШ – иқтисодий ривожланишнинг юқори даражасига эришган, қувватли илмий техника потенциалига эга бўлган энг кучли капиталистик давлатдир. У жуда катта ракета - ядро қуролига эга бўлган мамлакатдир. Иқтисодий ўсишнинг америкача модели намуна сифатида кўплаб ривожланган мамлакатларда тўпланган, кейинчалик янги индустриал давлатлар ҳам ундан фойдаланган эди. Шунингдек, АҚШнинг хўжалик алоқаларининг янги тизимини шакллантиришда генераторлик ролини ўйнашга ҳам талабгордир.

П. АҚШ - федератив республикасидир. Конституцион тизим асосига ҳокимиятни, бўлиб бошқариш ва федерализм қўйилган. Ҳокимиятни бўлиш деганда, давлат ҳокимиятининг уч "шоҳи" - қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд органларининг ташкилий мустақиллиги тушунилади.

Федерал даражада улар конгресс, президент, Олий суд мақомида тегишли ўрин эгаллашган. Ҳокимиятни бўлиш принципини реализация қилиш амалда улар функцияси ва ўзаро ҳамкорлигининг чекланмаганлигида кўринади, бунда ҳокимиятнинг меҳр "шони" иккинчиси ҳисобига кучайиб кетишига йўл қўйилмади. Ўзаро назорат ғояси ва ҳокимиятнинг "тош-торози"ни тенглаштириш "ўзини ушлаш ва таққослаш" тизимида ўз ифодасини топган. Ана шу йўл билан давлат институти қонун-қоидаларининг муқобиллиги ва ижтимоий тузум бузилмаслиги таъмин этилади.

Федерализм федерал ҳокимиятлар ва штаблар компетенцияларининг катъий чекланмаганлигини кўзда тутди.

АҚШ сиёсий тузумининг ўзига хослиги унинг ИККИ ПАРТИЯВИЙ тизимда эканлиги бўлиб, бунда давлатни бошқариш навбатма-навбат демократик ёки республикачилар партияларига тегади.

1971 йилларда АҚШда сайловчиларнинг ёши 21 ёшдан 18 ёшгача туширилди, лекин 1972 йили штатларнинг тўртдан уч қисми қўллаб-қувватламади.

40-йиллар охири ва 50 йилларнинг бошланиши - АҚШ да сиёсат тазйиқи даври бўлди. Конгресс томонидан қабул қилинган касаба кўмиталарига ва демократияга қарши қонунларга таяниб, ҳокимиятдагилар ўзгача фикрловчиларга қарши юриш уюштирилдилар: коммунистлар захарланди, суд таъқиби остига олинди, бундан жамоат ташкилотлари аъзолари, фан, адабиёт, саънат ва маориф арбоблари ҳам четда қолмадилар.

Мамлакатда маккартизм (сенатор Жозеф Маккарти- жиной ишларни текширишлар бўйича сенат комиссиясининг раҳбари) номи билан боғлиқ безорликлар авж олган шароитда "ишончли бўлмаган" кишиларни сўроққа чақиришар, уларнинг бармоқ изларини қоғозга туширишар, "ёлғон ёзувчи детектор"да текширишади кўпларини ишдан озод этишар эди. 2,5 миллиондан ортиқ давлат хизматчиларнинг "садоқати" ана шундай ўзига хос текширувдан ўтказилди. "Совуқ уруш" АҚШдаги маънавий-сиёсий ҳаётда шу тариқа ўз аксини қолдирди.

60-йилларда ғоявий келишмовчиликлар заминида, милитаризм ва ирқчилик шароитда АҚШда ўта оқим ҳаракати ривож топди. Сайловчиларнинг бир қатор талабларини қондириш, фуқаролар ҳуқуқлари ҳақида қонун қабул қилиш ва Совет Иттифоқи билан конфронтациядан қочиш масалаларини ёқлаб чиққан президент ДЖОН КЕННЕДИНИНГ (1917-1983 й.) сиёсий йўналиши консерваторлар ва ирқчилар қаршилигига учради. 1963 йилнинг 22 ноябрда Кеннеди Даллас шаҳрида (Техас штати) ёвузларча ўлдирилди. Бу "аср жинойти" бойиб кетган ўнг доираларнинг мурасисизлиги ва фанатизм натижасидир. 1968 йилда IV ой Мемфис (Тенниси штати) Америка қора танлилари фуқаролик ҳуқуқлари ҳаракатининг раҳбари Мартин Лютер Кинг ўлдирилди. 1968 йил июн ойида Лос-Анжелисда (Калифорния штати) демократик партиядан президентликка ўз номзодини қўйган сенатор Роберт Кеннеди қотил ўқидан ҳалок бўлди.

80 йиллар ўртасида "Эрон-контрас" деб аталган иш юзасидан бошланган жанжал жаҳонга кенг ёйилади.

АҚШ сиёсий саҳнасига П жаҳон урушдан кейин туғилган авлод вакиллари чиқди. Янги авлод сиёсатчиларининг кўпгина вакиллари иқтисодий муаммоларга консерватив ёндошган ҳолда ижтимоий сиёсат ва халқаро ишларга либералларга қараш қиларди. Ана шу омиллар, ҳокимият тепасига 1989-92 йилларда келган ЖОРЖ БУШ (1924 й.) маъмуриятига қатъий йўл тутишга шарт-шароит яратди. Ж.Буш сиёсий ишларда прогматизм ва "оқилона эҳтиёткорлик" кўрсатиб, ички ва ташқи сиёсатнинг асосий масалаларида икки партиявий танишув йўлига таяниб иш кўришга интиларди. 90-йиллар бошида иқтисодиётнинг турғунликка учраши ва келтириб чиқарган қийинчиликлар Ж.Бушнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларга етарли эътибор бермаётганлигини танқид қилиши кучайтирди. 1992 йил ноябрда президент сайловларида демократик партиянинг номзоди Арканзас штатининг губернатори Уильям (Билл) КЛИНТОН ғолиб чиқди. У(1946 й.) "Америкага янгилаш керак шиорини кўтариб чиқди. 2000 йил ноябрда демократик партиядан кичик Буш президентлик номзодида ғалаба қозонди. Унинг сиёсати дунёда тинчликни сақлаш ва терроризмга қарши курашдир.

III. Урушдан кейинги ўн йилликларда АҚШ сиёсати дунё мамлакатларига мунособатда икки принцип асосида қурилди – жаҳондаги ўзгаришларга куч ишлатиш билан қаршилиқ кўрсатиб ва уларга мослашиш.

АҚШ жаҳон миқёсида Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқчиларини жаҳон саҳнасида "қўрқитиш" "айтганига қўндириш" ва улоқтириб ташлаш

йўли билан ўз позициясидан юз кечтиришга ҳаракат қила бошлади.

Тўртта ўн йиллик мобайнида АҚШ ташқи сиёсатининг асосий белгилари етарли даражада аниқлик билан намоён бўлди. Биринчидан, куч билан ўтказиш - давлатларо муносабатларда ўз аксини топди.

АҚШда ҳарбий кучга ташқи сиёсат бобидаги вазифаларини ечишда универсал восита деб қаралди. Улар ядровий қуролга жаҳонда Америка устунлигини таъминлайдиган бош омил сифатида қарашли ҳамда ташқи сиёсатни амалга оширишда ҳарбий-сиёсий иттифоқчилар тизимини энг муҳим восита санашди. Уларнинг энг йириги Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти - НАТО -эди.

Халқаро муаммоларни сиёсий йўллар билан эмас, балки ҳарбий воситалар ёрдамида ҳал этишга интилиш АҚШнинг икки йирик қуролли интервенциясида аниқ-равшан кўринди, булар Корея ва Вьетнам ҳамда бошқа кичик босқинлардир.

Иккинчидан халқаро сахнада тенг ҳуқуқли шерикларни кўришни истамаслик, сиёсий қарорларни музакаралар йўли билан ўзаро келишиш асосида ҳам этишни хоҳламаслик. Бу белгилар АҚШнинг алоҳида мавқега эга эканлиги ҳақидаги тасаввурнинг илдиз отиб кетганлигидан, унинг раҳбарларида жаҳон муаммоларини фақатгина Америка қарори билангина ҳал этиш мумкинлиги хусусида ишонч кучлилигидан далолат беради.

Учинчидан, ташқи сиёсатни юқори даражада ғоябозлаштириш, ракета-ядро потенциалини янада кучайтириш мақсадида конфронтация учун душман қидиришга интилиш янги қурол аслаҳалар турларини, стратегик мудофаа ташаббуси_(СМТ) дастурининг яратиш, қаттиқ ташқи сиёсий йўл тутиш ҳамда АҚШнинг ана шу даврга хос фаолияти доирасига киради.

II жаҳон урушдан кейин АҚШ билан СССР ўртасидаги муносабатлар чорак аср мобайнида кескин тус олган. Бу ҳол умуман халқаро вазиятга ҳам таъсир қиларди. Совет Иттифоқининг 70-йиллар бошига бориб, ракета-ядро қуроллари соҳасида АҚШ билан тахминан тенгликка эришганлиги ядро конфронтацияси хавфини тушуниш АҚШдаги раҳбар доираларнинг СССР билан муносабатларга тўғри баҳо беришлари учун ҳам қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бироқ 70-80 йиллар чегарасида, асосан ҳокимият тепасига республикачилар маъмурияти келгач, АҚШнинг СССРга нисбатан тўтган сиёсий йўли кескин қоралашди. АҚШ сиёсатининг бундай бурилишига халқаро ҳуқуқ нормаларини кўпол равишда бузиб, Афғонистонга Совет кўшинларининг киритилиши сабаб бўлди.

СССР янги сиёсий раҳбариятининг Совет-Америка муносабатларида яхшилик томон туб бурилиш яшаш хусусидаги ташаббуси АҚШда қўллаб-қувватланди. 1985-1988 йилларда олий даражадаги тўрт учрашув бўлиб, уларнинг якуни - ўрта ва кичик масофага учириладиган ракеталарни йўқотиш ҳақидаги шартномаларнинг кучга киритилиши бўлди. Бу ядровий аслаҳаларни йўқ қилиш борасидаги тарзда имзолаган биринчи шартнома эди. 1990-1991 йиллардаги олий даражадаги учрашувларда шунингдек стратегик жиҳатдан ҳужумкор қуролларни чеклаш ва қисқартириш ҳақидаги шартнома имзоланди (СКЧ-1).

СССРнинг тугатилиши ва МДХ ташкил топиши (1991 йил-декабр) жаҳон сиёсий хариталарини ўзгартириб юборди. АҚШда янги шароитда ягона «қудратли давлат» эканликларини тасдиқлаш бошланди. Бу океан ортида қайтадан сиёсат борасида исталган фикрни олға суриш кайфиятини келтириб чиқарди. Бу тенденция кўпроқ АҚШнинг Ироққа қарши давлатлар коалициясида бош ҳарбий куч сифатида майдонга тушиб оз талофат билан форс курфазидаги жангда ғолиб чиққанлигига таянарди.

АҚШ сиёсати - кўп жиҳатдан бу мамлакат жаҳон давлатлари афкор оммаси билан ўзаро ҳамкорликда яшаётганлигини чуқур англашига боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Бунда бошқа мамлакатлар эҳтиёжини ҳурмат қилиш орқали ўз эҳтиёжларини қондириш имкони туғилади, тенг ҳуқуқлик ҳамкорлик натижасида жаҳон цивилизациясига қадриятлари кўпаяди ва ҳимоя топади.

АҚШ президенти Б.Клинтоннинг 1993 йилдан-2000 йилгача ўз муддатини давом этарди. Бу АҚШ кўп нарса ўзи хал қилар, хатто БМТ билан маслаҳатлашмасди. 1999 йили Югославияни бомбардировка қилиши АҚШ атрофида ҳамма ғарбий европаликлар бирлашдилар.

2000 йилнинг ноябрда янгидан Америкада сайлов, унда кичик Джордж Буш ғалаба қозонади. Мамлакатни тинчлик сиёсати остида иш олиб боради. Дунёдаги терроризмга унга аҳамият бермади. Дунё мамлакатлари биргаликда терроризмга қарши курашиш кераклиги огоҳлантиришди.

11 сентябр 2001 йили АҚШда терроризмларнинг ҳужуми, натижада минг-минг америкалик инсонлар қурбон бўлди.

Америка давлати 25 сентябрдан бошлаб халқаро терроризмга қарши қаттиқ уруш олиб бормоқда, Афғонистон ҳудудида. Унинг мақсади терроризм, унинг раҳбари Беладени ушлаб, халқ олдида суд қилиш. Афғонистон халқига тинчлик осойишталикни яратиб беришдир.

Америка 2003 йил 17 мартдан бошлаб Ироққа қарши уруш олиб бормоқда. С.Хусайин давлатини афдариб, Ироқда демократик давлат қуришда ёрдам бериб келмоқда. 2005 йилда Ироқда сайловлар ўтказилди. Янги ҳукумат арбобларини тузишда АҚШ давлати катта ёрдам бермоқда. Ироқ халқи ўз мустақиллиги учун ҳаракатларини давом эттирмоқда.

Таянч тушунчалар

«Маршал режаси», «Совуқ уруш», «Ҳарбий саноат комплекси», Ленд-лиз қонуни, АҚШ-қарздор мамлакат, Республикачилар партияси, демократлар партияси, АҚШ-федерал республика, конфронтация, АҚШда терроризм, «қўрқитиш», улоқтириб ташлаш сиёсати.

Мустақил иш мавзулари

1. АҚШнинг II жаҳон урушдаги ютуқлари ва Европа давлатлари билан ҳамкорлиги
2. Урушдан кейинги йилларда АҚШда ҳарбий саноат комплексни

- ривожланиши.
3. АҚШнинг 50-80 йиллардаги ташқи сиёсати.
 4. АҚШнинг халқаро терроризмга қарши кураши.

Мавзу: Франция Бешинчи республика

Режа:

1. Иккинчи жаҳон урушининг Франция учун оқибати.
2. Францияда Тўртинчи ва бешинчи республика. Франциянинг 1946-1968 йиллардаги ички ва ташқи сиёсати
3. Франция президенти-Шак Ширак ғалабаси

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар, давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашувда сўзланган нутқ. 1998 йил 10 май. Асарлар тўплами 7 жилд. Т. “Ўзбекистон” 1999й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон” 1997й.
3. Хидоятов Г.А. Жаҳон тарихи Т. “Шарқ” 2003й.
4. Волк С.С. Энг янги тарих Т. “Ўқитувчи” 1995й.
5. Хидоятов Г.А. Гулямов Х.Г. Всемирная история новейший период Т. “Университет” 1999й.

Европанинг ғарбида жойлашган давлат. Территорияси-551,6 минг кв.км. Аҳолиси-55,2 млн. киши. 90%-дан зиёдроқ французлар. Пойтахти Париж. Давлат тили-француз тили. Дини-католик дини.

Урушдан кейинги Франция тарихи уч даврга бўлинади: режим (1944-1945й) Тўртинчи республика (1946-1958й) ва бешинчи республика (1958й). Вақтинчалик режим: тўрт йиллик оккупация Францияга анча улкан зарар етказди. Иқтисодиёт издан чиқарилди, молия ходимлари гангиди, халқ таланди. Урушдан кейинги биринчи ҳукуматни миллий қаҳрамон-генерал Шарль де Голл (1890-1970) бошқаради, у мамлакатни озод этиш курашида муҳим роль ўйнаган эди. Ҳукумат таркибида антифашист партиялар вакиллари, шунингдек, “Қаршилик ҳаракатида” фаол иштирок этган коммунистлар ҳам бор эди. 1945 йил сентябрида бўлган сайловларда ўзининг сафида 800 мингаъзони бирлаштирган компартия (ФКП) 5 миллион овоз олди ва социалистлар партияси билан бирга Таъсис йиғилишида мутлоқ кўпчилик ўринларни эгаллади.

1948 йилнинг ўрталарига бориб, вайрон этилган саноатнинг тикланиши натижасида ишлаб чиқариш миқёси урушдан олдинги даражага етди. Иқтисодий ривожланишнинг самарали чораларидан бири национализация қилиш деб давлат хусусий мулк эгаларидан бири қанча йирик корхоналарни ва бутун-бутун соҳаларни соҳаларни сотиб олди: электростанциялар, кўмир каналлари, авиация ва суғурта компаниялари шулар жумласидандир.

Таъсис йиғилиши сўлпартиялар қарашларини ўзида ифода этган янги конституция лойиҳасини анча оширилишини талаб қилди. Таъсис йиғилишида кўпчилик аъзоларининг ўзига ҳамфикр эмаслигига ишонган генерал аъзоларининг ўзига ҳамфикр эмаслигига ишонган генерал намоишкорона истеъфога чиқиб кетди. (1946 йил январ) Конституция лойиҳаси референдума тасдиқлаб олинди.

1946 йилги Конституция Францияни демократик республика деб эълон қилди, унда суверенитет халққа тегишли, фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, сиёсий қарашлари ва диний мансублигидан қатъий назар уларнинг тенглиги кафолатланади. Франция бошқа халқларнинг озодлигига қарши куч ишлатиш ва босқинчилик урушларидан воз кечди. умумий овоз бериш йўли билан сайланган парламент миллий йиғилиш ва республика Кенгашидан иборат бўлиб, кейинчалик у сенат деб юритилди. Палаталарнинг биргаликдаги мажлисида республика президенти чекланган ваколат билан 7 йилга сайланди. Ҳукумат миллий йиғилиш олдида ҳисоб берадиган бўлди.

Конституциянинг кучга кириши билан тўртинчи республика ўз фаолиятини бошлади. Франция сиёсатида ғарб йўналишини амал қила бошлади, мамлакат Ғарбий иттифоққа кирди, кейинроқ эса НАТО га аъзо бўлди, СССРга қарши совуқ урушда иштирок этди.

Француз буржуазияси миллий-озодлик ҳаракати қўлланмаларини тўғри баҳолай олмади ва уни куч билан бостиришга уринди. Ўз мустақиллигини эълон қилган Вьетнамга қарши (француз хинди-хитойнинг бир қисми) интервенция қилиш билан мустамлакачилик урушлари оловни ёқди, кейин эса, Марокко ва Тунисни яраштиришга уринди, 1945 йилда эса Жазоир халқига Қарши уруш бошлади. 16 йил (1946-1962) давом этган бу урушлар

мустамлакачилар мағлубияти билан тугаб, юқорида номлари тилга олинган давлатлар мустақиллигини тан олинди. Буларнинг барчаси улкан мағлаблар сарфига, кўплаб қурбонлар беришга сабаб бўлди, натижада Франциянинг халқаро обрў-эътибори тушиб кетди, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан бўшабди.

Мустамалакачилар, айниқса, Жазоирнинг бой нефть манбаларига ёпишиб олишди. “Жазоир Францияники эди ва францияники бўлиб қолади” шиорини хатто маҳаллий халққа нисбатан анча савияси баланд оддий французлар ҳам қўллаб-қувватлашди. Жазоирни йўқотиб қўйиш хавф-хатари чуқур сиёсий кризисни келтириб чиқаради. Бу тўртинчи республиканинг инқирозга юз тутишга олиб келди. Жазоирда ҳаракат қилган чорак миллионлифранцуз армияси раҳбарлари ҳокимиятини генерал Де Голлга топширишни талаб қилиб, ғалаён кўтарди. Улар ҳукуматга бўйсунитдан бош тортишар экан, Де Голль Жазоирда ҳам Францияда ҳам қаттиққўллик билан тартиб ўрнатишга ишонишарди. Ғалаёнчиларнинг тазйиқи остида миллий йиғилиш 1958 йилнинг 1 июнида Де Голлни давлат бошлиқлигига сайлаб, унга фавкулотда ваколатлар берди.

Де Голль ишни Конституцияни қайта қуришдан бошлади. Аҳолининг бешдан тўрт қисми референдумда овоз бериб қўлланган янги конституция парламент ваколати ҳисобига президент ҳукмронлигини анча кенгайтди. Конституцияга қарши овоз беришга чорлаган коммунистлар, Де Голль фашист диктатураси ўрнатади, Дея тарғибот юритиб, 1,5 миллион сайловчилардан маҳрум бўлдилар. Халқ Де Голлга ишонарди. Тўртинчи республика ўрнига бешинчи республика келди.

1958 йил 21 декабрда республика президенти этиб сайланган Де голл монополияларини мустаҳкамлашга уринди, бу монополиялар Америка, Ғарбий Германия ва Япония магнатлари билан рақобат қила олиши лозим эди. Илмий-техника инқилоби ютуқлари жорий этилиб, янги саноат соҳалари-атом, радиоэлектроника ва бошқалар ташкил этилди. Машина атомларининг кенг жорий этилиши ҳар йили қишлоқлардан 150 минг кишини шаҳарларга сиқиб чиқарди. Асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича Франция Англияни қувиб етди ва жаҳонда бешинчи ўринни эгаллади.

Президент мустамлака урушларини аста-секинлик билан тугатиш йўлидан борди. 1960 йилда Франциянинг Экватор ва Ғарбий харитада 14та янги давлат пайдо бўлди.

Жазоирликларнинг енгитиш мумкин эмаслиги кўзи етган Де Голл Жазоир миллий озодлик Фронти билан музокарага киришди, бу эса ўта ўнгланинг норозилигига сабаб бўлди. Улар Махфий қуруллой ташкилот (МКТ) тузиб, олдиларига “соткин президентни” қулатиш ва фашист идора усулини ўрнатишни мақсад қилиб қўйдилар. Жазоир мустақиллигига тарафдорларига қаршиқатағон бошланди, бироқ армияда янги ғалаён кўтаришга уриниш барбод бўлди. Жазоирда тинчлик ўрнатилишини талаб қилган халқ оммасининг ҳаракати Францияда кенг қулоч ёзди, натижада

1962 йилнинг мартада Жзоирга мустақиллик бериш ҳақидаги битим имзоланди.

Тез орада республика президентини сайлаш тартибини ўзгартириш ҳақида референдум ўтказилди. Эндиликда президентни парламент эмас, халқ сайлайдиган бўлди, бу эса президент парламентдан ҳам юқори туришини билдирар эди. 1965 йилги умумхалқ президент сайловида Де Голл сўл кучларини номзоди қўйилган Ф.Миттеранни енгиб, иккинчи боретти йиллик муддатга сайланди.

Де Голл ташқи сиёсатда учта асосий вазифаларга таянар эди: “Франция буюклигини тиклаш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, АҚШнинг Европадаги таъсирини бўшаштириш. У Франция муҳофаа кувватини оширишга катта аҳамият бериб, мамлакатни ядровий давлатга айлантиради, СССР билан яқинлашиш мақсадида Москвага (1966) расмий вазият билан келди. Де Голл АҚШнинг Вьетнамга агрессиясини қоралади. Францияни НАТО харбий ташкилотидан чиқариб, Шимолий Атлантика иттифоқига аъзолигини сақлаб қолди. Президент ЁИХнинг миллатларини бошқарувчи ташкилотга айланишга қарши чиқди ва “Европа-Ватанлар макони” шиорини илгари суриб, мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузишни ёқлади, “Европа” тушунчасига Атлантикадан Уралгача бўлган худудни киритишни таклиф этди. У ЁИХ га Англиянинг аъзо қилинишига қарши чиқди, чунки инглизлар АҚШ таъсирини ўтказувчи восита бўлиб қолади деб хисобларди. ГФР билан яқинлашиш йўлини тўтган ҳолда, у неофашист ва реваншчи тенденцияларини душмани бўлиб қолди.

1968 йилги май-июнь воқеалари Де Голлнинг ўн йиллик бошқаруви Франция иқтисодиётини мустаҳкамлади ва унинг халқаро мавқеини тиклади. Кўринишдан режимоммавий ва мустаҳкамдек эди. Шунинг учун ҳам 1968 йилги оммавий халқ чиқишлари президент ва унинг доирасидагилар учун ҳеч қутилмаган бўлди.

Хаммаси студентлар чиқишлари тулкини оловланишдан бошланди. Қатнашувчилар таълимини яхшилаш, стипендияларни тўлаш талаблари билан чиқишган эди. Полиция билан тўқнашув рўй берди. 7 майда Париж кўчаларидан 3 мингдан ортиқ студентлар ярадор қилинди, у тўрт ҳафта давом этиб, мамлакатдаги ҳаётни қарахтлантирди. Ишчилар, муҳандислар, хизматчилар монополияга қарши талабларни илгари суришди. Иш ташлашда қарийб 10 миллион киши иштирок этди. Сўл элементлар қуролли қўзғолонга кўтарилиб, президент резиденцияси-Елисей саройини штурм билан олишга чорланди. Бундай авантюра ишчи ва студентларнинг тор-мор келтирилишига олиб келарди, чунки ҳокимият олишга шароит йўқ бўлиб, режим қудратли кучларга эга эди. Сўл партиялар авантюрага қарши чиқишди, қасаба уюшмалари бир қатор аниқ талабларни илгари суришди. Уларнинг барчаталаблари қарийиб қондирилди. Иш ҳақи ва нафақалар оширилди, ишҳафтаси қисқартирилди, тадбиркорлар қасаба уюшмалари ҳуқуқларини тан олдилар, июнь ойи охирида меҳнаткашлар иш жойларига қайтишди.

Бу воқеалар Де Голл режимининг мустақамлигини ва президентининг шахсий мавқеини емирди. 1969 йилнинг апрелида у иккита унча оммавий бўлмаган қонун лойиҳаларини референдумга чиқарди ва улар маъқулланмаса истеъфога чиқишини айтиб, огоҳлантирди. Бу огоҳлантиришдан қатъий назар сайловчиларнинг кўпчилиги қарши овоз берди. Де Голл истеъфога 1969 йил апрел ойида чиқди васиёсий ҳаётга бошқа аралашмай қўйди. У бир ярим йилдан сўнг вафот этди. 1969 йилнинг июнида бош вазир лавозимини эгаллаб турган Жорж Помпиду Республика Президенти этиб сайланди.

Жорж Помпиду –президент ўзўтмишдоши тўтган сиёсий йўлни сақлади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши изчил характерда бўлмай, илмий-техника инқилоби ютуқларини жорий Тиш давом этар, аммо пулнинг кадрсизланиши ва ишсизлик кучаймоқда эди. Ташқи сиёсат илгаригидек мустақил характер касб этган бўлиб, Америкача зўравонликка қарши қаратилган эди. Француз-Совет муносабатлари муваффақиятли ривожланди, совет раҳбарлари биланолий даражадаги учрашувлар мунтазам давом этиб, урфга айланди.

Голлчилар амалга оширган қайта ташкил этиш натижалардан бири сиёсий партияларнинг қисқартирилган ва “давлатсозлик йўтали”нинг тугатилганлиги бўлади.

Хокимият учун кураш оммавий Голлчилар партияси республикани қувватлаш бирлашмаси(РКБ) бошчилигидаги ўнглам коммунист- ҳамда социалистлардан иборат сўллар ўртасида борарди. Сўллар биргаликдаги ҳаракат дастурини ишлаб чиқишга муваффақ бўлишди, унга кўра агар сайловда ғолиб чиқилса, парламенти халқ бирлиги ҳукумати бошқариши керак эди. Бошқа сўл ташкилот ва касаба уюшмаларининг қўллаб-қувватлаши натижасида йилнинг июнида дастур имзоланди. Парламентга ўтказилган биринчи сайловдаёқ (1973) унга тарафдор бўлиб, 2 миллионкиши овоз берди, бироқ сайлов қонуни ўнгламнинг Миллий йиғилишида кўпчилик ўринларини эгаллашни таъминлади.

1974 йилнинг баҳорида Ж.Помпиду вафот этди. Президент сайловларида ўнглам номзоди В.Жискар, Д.Эстен ва сўллар номзоди-социалистик партия биринчи котиби Ф.Миттеран ўртасида кураш бошланди. Унча кўп бўлмаган овозлар сони устунлиги билан Валерии Жискар д’Эстен ғалаба қилди, у Бош министр лавозимида республикани қўллаб-қувватлаш бирлашмаси (РКБ) раҳбари Жак Ширакни тайинлади. Уларнинг қарашларида Тула яқинлик йўқ эди: президент голлизмдан узоклашди, Ширак эса садоқатли Голлчи сифатида олдинги йўлдан қайтишга тўсқинлик қилди.

1974 йилда Францияни бошқа ривожланган мамлакатлар қатори иқтисодийбухрон қамраб олди, ишлаб чиқариш қисқарди, ишсизлар сони кўпайди, пул кадрсизланиши ва аҳолини турмуш даражасини пасайиши ҳамма жойда ёйилди. Ишчилар ҳаракати кучайди, халқда янги ланишларига иштиёқошди. Ўнгламнинг бошқарувини удралаши чўзилди, уларнинг етакчилари Де Голлдек катта обрў-эътиборга эга

эмаслиги билиниб қолди. Сўллар ҳокимияти тепасида. Ютуқлар ва адашишлар. Навбатдаги президент сайловида тўртта асосий талабдор номзоди қўйилган эди. Ф.Миттеран – ўз номзодини учинчи бор қўйди.

ФКП бош котиби Жорж Марше, олдинги президент В.Жаскар Этин ва РКБ раҳбари Ж.Ширак ўнглардан ҳам, сўллардан иккитадан номзод. Биринчи турда улардан ҳеч қайсиси зарур бўлган овозни ололмади, иккинчи турда ҳуди 1974 йилда бўлганидек, Миттеран ва Жискар Д.Жестен олдинга чиқишди. Коммунистлар номзоди бор йўғи 15,5 фоиз йиғди. Бу аввалги сайловлардан анча оз эди. Ана шу вақтдан бошлаб ФКП таъсири камайиб кетди ва сўл блокда кучлар социалистлар фойдасига ўтди. Сайловнинг иккинчи тури Франсуа Миттеранга 15,7 миллион овоз ва республика президенти лавозимини олиб берди. У йиғилишини тарқатиб юбориб, янгидан сайловлар белгилади. Шундан сўнг социалистлар мутлоқ кўпчилик овозга эга бўлдилар. Депутат коммунистлар 86 тадан 44 нафарга тушиб қолди, ўнг партиялар-РКБ ва Жаскар Д'Эстен бошқарди. Француз демократияси учун иттифоқи эса умумий ҳисобда 125 ўринни йўқотдилар.

Социалистлар бир партияли ҳукумат тузушлари мумкин бўлганҳолда, Миттеран унинг йўлини қўллаб қувватлаш шарти билан маҳкама таркибига киришни таклиф этди. ФКП рози бўлди. Бироқ унга 44 тадан 4 тагина вазирлик портфели тегди,холос. Аслида сўл партиялар ҳокимият тепасига келгач улар биргаликдаги дастурни амалга ошириши мумкин эди.

Янги маҳкаманинг биринчи йилги фаолияти меҳнаткашлар манфаатлари йўлида бир қатор ислоҳотлар ўтказиш билан якунланди, иш ҳақлари оширилиб, йирик капиталга солинадиган солиқлар кучайтирилди. Иш ҳафтаси 39 соатгача камайтирилиб келгусида 5йил мобайнида уни 35 соатга келтириш мажбурияти олинди, пул тўланадиган йиллик меҳнат таътили 5 ҳафтага узайтирилди. Социалист Пьер Моруа бошчилик қилаётган ҳукумат банк ва саноат гуруҳини (металлургия, электроника, химия, авиасозлик, ҳарбий соҳа ва бошқалар) национализация қилиш ва мамлакатни бошқаришни марказлаштиришдан чиқариб умумийлик органлар ваколатини қисқартириш йўли билан мунитипалитетлар ҳуқуқини кенгайтириш дастурини амалга оширишга киришди.

Бу 1936-1937 йиллардаги халқ фронти давридан буён амалга оширилган энг чуқур ислоҳот эди.

Бироқ тез орада хужжатлар кўпайиб бюджет дефицити хавф солиш даражасига етаётгани маълум бўлиб қолди. Ҳукумат ислоҳотни тўхтатиб “катъий иқтисод” сиёсатига ўтиб олди. Бир қанча корхоналар ёпиб қўйилди. Аҳолининг харид қилиш қуввати пасайди. Яна ишсизлик кўпайди. 1984 йилнинг ёзида бош вазир лавозимига ёш технократ Лоран Фабюс тайинланди. У яна ҳам қаттиқроқ иқтисодиёт йўлини тутди деб йўлланган коммунистларунинг маҳкамасида ишлашдан бош тортишди. Шундай қилиб сўл кучларнинг коммунистлар (ФКП) иштирокида ҳукумати бор йўғи уч йилга чидаш берди. Бунда улар аввало сўл

каволюциянинг катта имкониятлари бор эканлигини иккинчи томондан эса тажрибасизлиги ислохот сиёсатида хали нуноқлик, социалистларва коммунистлар ўртасида хали келишмовчиликлар борлигини кўрсатди. Тажриба ҳаддан ортиқ национализация қилишга интилиш ҳам яхши самара бермалигидан далолат берди.

80 йилларда ирқий ва миллий келишмовчиликлар келиб чиқиши кўпайди. Ирқчилар ташкилоти “миллий фронт” (МФ) тарафдорлари бу келишмовчиликларни тағин ҳам кескинлаштириб шимолий Африкадан келган ишчи ўринларини эгаллаб қўйиб, французлар ишсиз қолмоқда дея жар солишар ҳамда чет элликларни хайдаб чиқишни талаб этиб “Франция-французлар учун” деган шиорни ўртага ташашарди. 1986 йилги парламент сайловлари ана шу кайфиятни акслантирди. Социалистлар мутлок кўпчилик ўринларни йўқотдилар. Энди энг кўп ўринлар РКП га ўтди. Депутат коммунистлар сони 44тадан 35 тага тушди. ЛеПен бошчилигидаги МФ биринчи бормиллий йиғилишлардан ўрин олди. Бу ташвиланарли вазиятдан дарак берар эди.

Президент Миттеран ҳукумат бошлиқлигига яна қайта Ж.Ширкни тайинлашга тўғри келди. Шундай қилиб “сўл” президент билан “ўнг” Бош вазирнинг одатдан ташқари фаолияткўрсатиши бошланди. Ширак национализация қилинган корхоналарни олдинги эгаларига қайтара бошлади, йирик капиталга солинадина солиқларни камайтирди, иммиграцияга чеклашлар киритди. Олдинги ҳолатга Тула қайтишга Ширика Миттеран ҳалал берди. 1988 йил май ойидаги президент сайловларида брача асосий партиялар вакиллари қатнашди, аммо иккинчи турга фақат Миттеран анча кўп (54%) овоз тўплаб ғалаба қозонди ва иккинчимарта етти йилга президентликка сайланди. ФКП номзоди энг оз (6,8%), Ли Пен эса 14,4% овоз олди.

Миттеран қайта сайлангач дарҳол миллий йиғилшаг муддатидан аввал сайловлар ўтказди, бунда унинг тарафдори ўнг партиялар вакиллари устидан ғалабага эришдилар. Бу галл ҳукумат таркибига коммунистларнинг қайтиши ҳақида гап ҳам бўлмади, улар бор йўғи 27та мандатга эга чиққан эдилар. Миллий келишмовчиликлар кескинлаша борди. У алоҳида статус ишлаб чиқди, унда ўз-ўзини бошқарувчи органларга кенг ваколатлар берган бўлсада корсиканаларни Тула каноатлантириб бўлмади. Мухториятчилик кайфиятлар Британ ярим оролида, Испания билан чегарадош аҳоли пунктларида ва “денгиз орти департаментлари” Комор ороллари ҳамда янги каледония архипелагида пайдо бўлди. Комор оролларида биттасидан ташқари мустақиллик берилди. Янги Калидония тақдирини ҳал этиш эса 1988 йилда белгиланган маҳаллий референдумга қадарорқага сурилди.

Замонавий Франциядаги аҳолининг энг кўп қисми шаҳарларда ишлайди ва истиқомат қиларди. Қишлоқ хўжалиги билан аҳоли шуғулансада, техника билан яхши қуролланган ва астрономия фани ютуқларини жорий этиш туфайли мамлакат аҳолиси қишлоқхўжалик маҳсулотлари билан

Тула таъминланган хатто чорвачилик маҳсулотлари экспортга жўнатилади.

Аҳолининг 85% ни ёлланма меҳнат кишилари-ишчилар, хизматчилар, техник зиёлилар ташкил этиб уларнинг сони тобора ошмоқда. Бу нарсада жуда кўп ўрта корхоналар сақланган қишлоқларда йирик капиталистик фермалар 10%ни ташкил этиб улар ёлланма меҳнатдан кенг фойдаланишмади, хўжаликларнинг асосий қисми оилавий фермерлардир. Франция ўзининг илмий техника ютуқлари замонавий авиация ўта тез юрар поездлари биринчи класли “Рено”, “Ситроен”, “Пежо” автомобиллари илғор кemasозлик саноати ва бошқалар билан ҳақли суратда фахрлана олади.

Сиёсий ҳаётда ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда: тўртала бошпартияларни монополияси ўтмишга кетмоқда. ФКП раҳбарларининг номуқобил сиёсат юргизганлиги, шунингдек СССР ва Шарқий Европа мамлакатларида коммунист режимнинг қулаши натижасида унинг фаолиятисустлашган социалистик партиянинг таъсири ҳам қолмаяпти. Унинг дастури ва сиёсий йўли қайта қурилмоқда. Тиббий мухтитни асраш учун курашаётган “Яшиллар” партиясининг обрўси ошмоқда. Сиёсий партияларва касаба уюшмаси бирлашмалари (умумий халқ меҳнат конфедерацияси (ФДМК) ва бошқалар сони қисқармоқда.

1995 йил 7 майда президент сайлови бўлиб ўтди ва унда голлизм вакили Жак Ширак ғалаба қозонди.

Сайловолди учрашувларда у ишсизлик кўпайишини тўхтатиш, иш ҳақини ошириш, солиқларни қисқартириш, ижтимоий зарурият нафақаларини сақаб қолишга ваъда берди. Бироқ бу ваъдаларнинг бирортасини ҳам бажармади. У ташаббускори Франция бўлган ягона Европа тўғрисидаги мажбуриятларни бажариши лозим эди. 1999 йилда Европа валютаси тизимнинг ишлаб чиқиш режалаштирилди ва у ҳозирда амалга оширилди.

1997 йили Ж.Ширак кутилмаганда муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказилишини эълон қилди. Унинг фикрича, бундай қадам ягона Европа валютаси тизимига кўшилиш учун барча зарур чораларини кўра оладиган шундай парламентни сайлашга эришиш бой бермаслик сиёсий ҳаракатдир. Ж.Ширак айтиди парламент Франциянинг барча ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этади, унинг Европа минтақасида гегемон бўлишига кўмаклашади ва жаҳон сиёсатига кўрсатиладиган таъсирини кучайтиради деб ҳисоблар эди. Бироқ Ж.Ширак енгилди. 1997 йил май ойидаги сайловда социалистлар, коммунистлар билан бирга парламентда кўпчилик овозга эга бўлди. Социалистлар етакчиси Лионел Жаспен премьер-министр бўлди. Ж.Ширак унга бўйсунувчи эмас, аксинча мухолифат парламентга эга бўлди. 2002 йилдаги сайловда социалистлар мағлубиятга учрадилар ва миллий мажлисда кўпчилик голмистлар қўлига ўтди. Шу йили Ж.Ширак иккинчи марта президент бўлиб сайланди. Франциянинг тараққиётига ката аҳамият бериб келмоқда.

Замонавий Франциядаги аҳолининг энг кўп қисми шаҳарда ишлайди ва истиқомат қилади. Қишлоқ хўжалиги билан 6% аҳоли шуғуллансада, техника билан яхши қуролланганлик ва астрономия фани ютуқларини жорий этиш туфайли мамлакат аҳолиси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўла таъминланган, хатто чорвачилик маҳсулотлари экспортга жўнатилади. Аҳолининг 85% ни ёлланма меҳнат кишилари-ишчилар, хизматчилар, техник, зиёлилар ташкил этиб, уларнинг сони тобора ошмоқда. Бу нарсада жуда кўп ўрта корхоналар сақланган қишлоқларда йирик капиталистик фермалар 10% ни ташкил этиб, улар ёлланма меҳнатданкенг фойдаланишади, хўжаликларнинг асосий қисми оилавий фермерлардир.

Франция ўзининг илмий техника ютуқлари замонавий авиация ўта тезюарар поездлари, биринчи классли “Рено”, “Ситрон”, “Пежо” автомобиллари, илғор кемасозлик саноати ва бошқалар билан ҳақли суратда фахрлана олади.

Франция табиий муҳитни асраш учун курашиб келмоқда. Бу масалада Франциянинг “Яшиллар” партиясининг обрўси ошиб бормоқда.

Франция дунё мамлакатлари билан тенглик, ҳамкорлик сиёсатини ривожлантирмоқда.

Таянч тушунчалар

Тўртинчи республика, Бешинчи республика, “Европа-Ватанлар маскани”, Европа интеграцияси, Голлизм, “Франция буюклиги” шиори, Франция социалистлар партияси

Мустақил иш мавзулари

1. Франция II-жаҳон урушидан кейинги иқтисодий сиёсий аҳволи.
2. Францияда 1946 йил конституциячи
3. Францияда Бешинчи республика
4. Француа Миттераннинг Франция ички ва ташқи сиёсатдаги ўрни.
5. Европа иттифоқида Франциянинг ўрни.

Мавзу: Англия “Тенг имкониятлар жамиятини яратишга уринишлари”

Режа:

1. Англиянинг II- жаҳон урушидан кейинги (1945-1960 йиллардаги) ички ва ташқи сиёсати
2. 1970 йилги парламент сайловлари ва консерваторлар ғалабаси
3. Англия 90-йилларда Тони Блэр ҳокимият тепасида

Адабиётлар:

7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон” 1997й.
8. Хидоятлов Г.А. “Жаҳон тарихи” Т. “Шарқ” 2003й.
9. Волк С.С. “Энг янги тарих” Т. “Ўқитувчи” 1995й.
10. Жаҳон мамлакатлари. Справочник Т. Ўзбекистон 1985й.
11. Тюриков В. Шоғуломов Р. “Истиқлол йилномаси” Т. “Ўзбекистон” 2001й.
12. Хидоятлов Г.А. Гулямов Х.Г. Всемирная история новейшей период, Европа и США после второй мировой войны (1945-1995г.г.) Т. 1999г.

Буюк Британия, Ғарбий Европада, Британия оролларида жойлашган давлат территорияси-244,1 минг кв.км.аҳолиси-60минг киши. Буюк Британия –савдо ва молия борасида энг муҳим жаҳон марказлардан бири бўлган йирик индустриал давлатдир. У кенг денгиз йўллари, чет элларда банк ва суғурта

компанияларининг кўпдан-кўп шахобчалари эгаси бўлиб,хорижда капитал қуйилмалари жиҳатидан АҚШдан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди. Европадаги 500 йирикмонополияларнингқарийиб яримиунингҳиссасигатўғри келади. У ядровий давлат бўлиб, ер шарининг турли районларида кўп миқдордагиқурулликучлар ва ҳарбий базаларга эга. Ҳамкорлик-сиёсий ва иқтисодий бирмасининг маркази ҳисобланиб унга собиқбритан мустамакаларидаги 49 мустақил давлат кирган.

Буюк Британия-парламент монархиясидир. Унинг расмийноми-Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидир. У Англия,шотландия, Уэльс ваОльстердан иборат. 1952йилдан буёндавлат бошлиғи-қиролича Елизаветта II. Амалда ҳокимият икки палатали парламент (жамоат палатаси ва лорд палатаси) ҳамда ҳукмрон партия тузадиган Вазирлар маҳкамаси қўлида тўпланган.

Ҳокимиятда бир-бирини икки нуфузли партия-консерваторлар ва лебористлар партиялари алмаштириб туришади.

Бир партиянинг иккинчиси ўрнига келиши мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг жиддий ўзгаришига олиб келмайди.

Англия урушининг мудҳиш даҳшатларига дучор бўлмади.Совет Армиясининг ғолибона жанглари Англиянифашизм оккупацияси хавфидан қутқазиб қолди. Англия биринчи жаҳонга нисбатан 4 баравар кам одам йўқотди. (II-жаҳон урушида 375минг киши йўқотди) Лекин уруш Англиянинг иқтисодий, ички ва ташқи сиёсати аҳволига моддийтаъсир қилиб, уҳим ўзгаришга олиб келди.

Англиянинг кўрган моддий зарари унинг моддий бойлигининг ¼ қисмини ташкил этди. Олтин ва валюта доллари камайди. Ҳарбий харажатлар 25 млрд. Фунт. Стерлингдан ошди. Давлатнинг ташқи қарзи 3,3 млн. стерлингни ташкил этди. Англия АҚШдагина эмас, ҳатто ўзининг доминацияларидан ва мустамлакалариндан ҳам қарздор бўлиб қолди. Уруш натижасида чет элдаги капиталнинг чорагидан ва савдо флотининг 30%идан айрилди. Импорт экспортдан ошиб кетди. Саноат маҳсулотининг ҳажми урушдан олдинги ҳажмнинг 90% ини ташкил этди. Урушнинг бутун оғирлиги халқ оммаси зиммасига тушди. Озиқ-овқат ва кенг истеъмол молларининг нархи ошиб кетди. Иш кунлари 12 соатгача узайтирилди. Меҳнат ва турмуш шароитлари ёмонлашди. Ишсизлик бўлиб турди.

Англия буюк давлатлар қаторида қолди, бироқ унинг халқаро мавқеи заифлашди. Англия империализми бутун капиталистига дунё сингари капитализм умумий кризиснинг чуқурлашган янги босқичига кирди.

1945 йилнинг ёзида ҳокимиятга келган КЛЕМЕНТ ЭТТЛИ бошчилигидаги лейбористлар ҳукумати бир қанча эски, камқуватли соҳалар-кўмир, газ, пўлат қўйиш,электр қуввати ишлаб чиқариш, шунингдек темир йўл, алоқа воситалари ва ички тарнспортни национализация қилди. Давлат анашу соҳалар эгаларига йирик компенсациятўлаб,уларни модернизация қилишга ката миқдордаги маблағлар ажратди.

Национализация қилган корхоналар бошқаручилари бўлиб, қоидага кўр, собиқэгалари ёки уларнинг ишончли кишилари қолаверади.

Лебористлар тред-юнонистлар талабларини амалга ошириб, ижтимоий суғурта тизимини яхшилашди, ишсизларга нафақа тайинлашди, бепул тиббий ёрдам жорий этиб, иш ҳақини оширишди.

Урушдан кейинги йилларда британ мустамлакаларида халқларнинг мустақиллик учун кураши кенг қанот ёзди. Лейбористлар мустамлакаларда дифференциал сиёсат олиб бордилар; қаердаки озодлик ҳаракати орқага қайтариб бўлмасҳаракатда бўлса-ҳукумат инглиз учун қулай шартлар бўйича мустақиллик берди. Худди шундай қилиниб, Ҳиндистон, Покистон, Бирма мустақилликка эришди. Қаердаги Миллий озодлик тарафдорларининг кучиортиб кетмаган бўлса, масалан Кения ва Малайзияда ҳарбий кучишлатилди.

1951 йилги парламент сайловида консерваторлар ғалаба қозонди. Уинстон Черчилль яна ҳукумат бошлиғи бўлди, у 1955 йилгача шу лавозимда ишлади. Хусусий тадбиркорлик тарафдорлари, консерваторлар лебористлар тарафидан национализация қилинган пўлат заводлари ва юк транспорти соҳаларини олдинги эгаларига қайтариб бера бошладилар.

Консерваторлар Судан, Малайе федерацияси, Олтин Қирғоқ (Гана) Кипр ва Нигерияга мустақиллик беришга мажбур бўлдилар. Англия парча-бўлаклари ўрнида пайдо бўлган қарийиб барча давлатларни Ҳамкорлик доирасида ушлаб туришга мувофиқ бўлди.

1956 йилда Сувайш каналининг национализация қилинишига жавобан Мисрга қарши инглиз-француз-исроил урушининг муваффақиятсиз чиққанида ҳам кўрилди. Анна шу муваффақиятсизлик оқибатида Черчиллнинг вориси Антони Иден истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

1964-1970 йилларда Англия бошчилик қилган лебористлар ҳукумати Гарольд Вильсон нафақаларини оширди, тураржой эгаларининг ўз хоҳишларига кўра ижара ҳақини ошириш ҳуқуқини чеклади, пўлат қуйиш саноатини эгаларига иккинчи бор компенсация тўлаб, яна қайтадан национализация қилди. Англия “Умумий бозор”га аъзо қилишларини сўраб ариза берди. Франция қаршилиқ кўрсатгани учун, раджавоб берилди. Англия ташқисиёсатда АҚШ йўлидан борди, НАТО жамиятида энг фаол иштирок этди. 1970 йили консерваторлар Эдвард Хит бош вазир бўлди. Унинг энг йирик муваффақиятли Англиянинг 1973 йили “Умумий бозор”га қабул қилинишидир. Англия ўзининг “уч доира” концепциясини амалга оширди. АҚШ ва ҳамкорлик мамалакатлари Билан яхши муносабатни сақлаб қолди, Европа қитъаси “исканжаси”дан кета олди ва жаҳон иқтисоди ҳҳамда сиёсатида илгаридан каттароқ ролни ўйнай бошлади.

1974 йили лейбористлар партияси ҳокимиятга келди ва Гарольд Вильсон яна бош вазир бўлди. Бош вазир ойлик иш ҳақини бир қадар чеклаш \ақида битимга эришишга муваффақ бўлди, бироқ 1976 йилдаги инглиз пул бирлиги қадрининг Яна пасайиши, иўсизликни ўсиши натижасида Г. Вильсон ўз ихтиёри билан истеъфога чиқди. Лейбористлар партияси йўлбошчиси Жеймс Келлаган-бош вазир 1976-1979 йилларда.

1979 йилги парламент сайловларида консерватор 13,7 миллион, лебористлар эса 11,5 миллион овоз олишди. Буюк Британия ҳукумати

тепасига биринчи бор аёл киши консерваторларнинг янги йўлбошчиси маргарет Тэтчер (1925й) келди.

М.Тэтчер ўзини қатъиян характер, мустаҳкам эътиқод ва аниқ ҳаракатлар дастури эгаси бўлган давлат арбоби сифатида намоён этди. Инглизлар уни “Темир хоним” деб аташди. У Англия ва дунёда ката обрў қозонди ва у бошчилигидаги консерваторлар партиясини 1983 ва 1987 йиллар сайловларида ғалаба қозинди. “Темир хоним”эса Англия ҳукуматини кетма-кет 11 йил бошқарди. Бу пайтқи тарихчилар “Тэтчер даври”, унинг дастурини “Тэтчеризм” деб аташди.

М.Тэтчер дастури мамлакат ҳукмрон доираларининг Англияни Дуне миқёсида буюк давлат сифатидатикланишига интилишига ўзида акс эттирди. Дастурнинг моҳитчи Британия оролларида ҳам Европа ва Американинг барча мамлакатларида ҳам тез ўсиб бораётган ноконсерватив ғояларни ифода этарди.

М.Тэтчер дастури шундан келиб чиқадики,Англия кучли қўшин ва флотга эга бўлиши ҳамда ўздро куралини такомиллаштириш лозим. Ташқи сиёсатда у АҚШ билан “алоҳида” иттифоқчиликмуносабатлари ва НАТО билан шартномалар бўйича мажбуриятларигариоя қилишни устувор деб ҳисоблади.

Тэтчерга ташқи иқтисодий майдонда доврқни бир ғалаба зарур эди ва бунга эришди. 1982йил апрелида у Аргентинанинг Феокленд ороллариини босиб олишига уринишига қатъий жавоб берди. Сарф-ҳаражатлар ва кишилар ҳаёти Билан ҳисоблашмаган. М.Тэтчер оролга ҳарбий кемалар, денгиз пиёдалари ва авиацияни юборди. Натижада, 3 ойлик жанглардан сўнг, Англия бу ороллардаги мавқеини тиклади. Консерваторлар партиясииобрў-эътиборининг бир қадар ўсишига эришди.

Ички сиёсатда М.Тэтчер ишсизлик бўйича нафақалар ва бошқа ижтимоий дастурларини қасқартирди. Англия ишчи синфи бунга стачка, яъни иш ташлаш ҳаракатини кучайтириш билан жавоб берди. Бироқ Тэтчер орқага чекинмади, фақат қаттиқўл иқтисодий чоралар билангина Англияни “Европанинг касал одами” аҳволидан қутқариш мумкин, деган фикрни билдирди.

М.Тэтчердастурининг муваффақияли амалга оширилишида Шимолий денгизда топилганнефть конлариасосидаги Англия нефть саноатининг ривожланиши муҳим бўлди. 1980 йилга келиб ўзининг нефть ва газга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирди. 1981 йили нефть қазиб чиқариш 60 миллион тоннага етди ва Англия уни жаҳон бозорига олиб чиқиш имконига ҳам эга бўлди.

Дастлабки йилларда секин одимлаётган “Тэтчеризм” энди сезиларли натижалар бера бошлади. 1982-1987 йилларда Англиянинг иқтисодий ўсиш суръатлари Ғарбий Европада энг юқори бўлди. Ишсизлар сони,ифляция миқёслари секин қисқарди.

М.Тэтчер Англиянинг Европадаги раҳбарлик ролини қайтаришга уринди ва ЁИХда қарийб барча асосий муаммолар бўйича мустақил позицияда турди. Хусусан у Европада ягона пул бирлигини яратишга кесикн

қарши чиқди. 1989 йили Старсбургдаги ҳамжамият мамлакатлари раҳбарлари саммитида у мазкур мамлакатлардаги ишчилар қонунчилигини унификациялашга қарши чиқди ва “Ишчилар асосий ҳуқуқлари партияси”ни қўллаб-қувватлашдан бош тортди.

90-йилларга келиб “тэтчеризм даври” ўз имкониятларини тугади. 1990 йил ноябрида М.Тэтчер ўз ихтиёрига кўра истеъфогачиқди. Эстафетани консерваторлар партиясининг янги йўлбошчиси Жон Мейжор қабул қилди.

У 1943 йилда туғилган ва М.Тэтчер ҳукуматининг энг ёш аъзоси эди. Жон Мейжор Англия тарихида энг ноанъанавий ҳукумат бошлиғи бўлди. Унинг ота-оналари жуда камбағал бўлиб, фақат нотўлиқ ўрта маълумот беришди. У ҳам Тэтчер каби инфляцияга қарши курашини энг асосий вазифа деб ҳисоблади, чунки инфляциянинг ўсиши ишсизликнинг ўсишига олиб келиши мумкин эди.

Ташқи сиёсатда Ж.Мейжор ЁИҲ Билан интеграциявий жараёнларни кучайтириш ва АҚШ Билан иттифоқчилик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлини олиб борди.

Англия АҚШнинг Ироқдаги урушини қўллаб-қувватладива форс қўлтиғи районида салмоқлиҳарбий қисмларни юборди. Ҳукумат тепасига келган Ж.Мейжор халқ ўртасида норозилик уйғотган жонбошидан олинадиган солиқни бекор қилди ва “британияликларнинг кўпроқ қондириш томонига бурилишини амалга ошириш” ваъда берди. 1992 йили парламент сайловларида яна консерваторлар мутлақ кўпчилик овозни олди. Ж.Мейжор бош вазир лавозимида қолди.

1997 йил сайловларида консерваторлар мағлубиятга учради, лейбористлар парламентдаги 650 ўриндан 419тасини эгаллади.

Янги инглиз бош вазири, лейбористлар партияси, йўлбошчиси Тони Блэрга ўтмишидан оғир мерос қолди. Шотландия ва Уэльсда маҳаллий миллатчиларғалаба қозонди, улар ўз парламентларини чақиришҳуқуқини қўлга киритди. 1997 ва 1998 йилларда бу вилоятларда парламентларга сайловлар бошланди. Уар ички ишларустидан назоратни ўз қўлига олди ва мухторият эълон қилинди. Бу Буюк Британиянинг парчаланишига биринчи кадам бўлди, лейбористлар ҳукумати эсаунинг олдини ололмади. Ирланд миллатчилари ҳам анча фаоллашиб қолди.

Англия ҳозирги вақтда ўз мавқеини мустаҳкамлашга каттаэътибор бермоқда. У дунёда тарқалган ХХІ асрвабоси-терроризмгақарши курашда фаол иштирок этмоқда. Англия 2001 йил сентябр ойида Афғонистондаги толибончилар гуруҳини йўқ қилишда қатнашди, 2004 йилда Афғонистоннинг жанубий қисмида ўзининг ҳарбий базани вужудга келтирди. Англия ҳамкорлик сиёсатини бу мамлакатда амалга оширди. Афғонистонда Англиянинг 8 минг армияси фаол хизмат қилмоқда. Англия, АҚШ билан ҳамкорликда Ироқда демократик тузумни ўрнатиш асосида 2004-2006 йилларда уруш олиб борди. Мамлакатнинг ички сиёсатига тўлиқ иштирок этиб, Ироқда янги ҳукумат тузишга катта ҳисса қўшмоқда.

Англия давлати янги ташкил этилган мустақил давлатлар Билан (Ўзбекистон Республикаси) ҳамкорлик, дипломатик муносабатларни ривожлантириб келмоқда.

Таянч тушунчалар

“Фаровонлик жамияти”, доминион давлатлар, тред-юнионлар, “Тэтчер эраси”, лорд палатаси, фунт-стерлинг, Британия қиролликлари, “Уч доира” конспекцияси, мухторият, ирланд миллатчилар, Ироқдаги уруш

Мустақил иш мавзулари

1. Иккинчи жаҳон уруши Англиянинг иқтисодий-сиёсий ахволига таъсири
2. Англиянинг ташқи сиёсати 1950-60йилларда
3. Вильсон ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсати
4. М.Тэтчернинг ички ва ташқи сиёсати
5. Тони Блэр мамлакат бош вазири, унинг сиёсати.

Мавзу: Италия муаммоларининг ҳал этишга уринишлари

Режа:

1. Иккинчи жаҳон урушининг Италия учун оқибати; урушдан сўнг демократик қайта қурилишлар ва республиканинг ўрнатилиши
2. 1950-80 йилларда Италиянинг иқтисодий-сиёсий аҳволи. “Еврокоммунизм”нинг моҳияти.
3. ХХІ аср арафасида Италиядаги ички ва ташқи сиёсий вазият.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т. “Ўзбекистон” 1997й.
2. Каримов И.А. “Халқимиз жипслиги-тинчлик ва тараққиёт гарови.” Асарлар 7-жилд. “Ўзбекистон” 1999й.
3. Ҳидоятлов Г.А. “Жаҳон тарихи” Т. “Шарқ” 2003й.
4. Жаҳон мамлакатлари. Справочник Т. Ўзбекистон 1985й.
5. Тюриков В. Шоғуломов Р. “Истиқлол йилномаси” Т. “Ўзбекистон” 2001й.
6. Хидоятлов Г.А. Гулямов Х.Г. Всемирная история новейшей период, Европа и США после второй мировой войны (1945-1995г.г.) Т. 1999г.

Фашистлар бошқаруви ва уруш Италия иқтисодиёти ва унинг жаҳон майдонидаги аҳволида улкан зарар етказди. Фашистлар диктатурасининг «қора йигирма йили» ва бешавқат уруш Италияга чуқур жароҳатлар етказди: юз минглаб ёшлар ҳалок бўлди ва майблани, гитлерчилар бир қатор корхоналарнинг асбоб-ускуналарини ва қимматбаҳо санъат асарларини олиб чиқиб кетишди, мамлакатда миллий бойликни учдан бир

қисмигина қолди, холос. Уруш йилларида 500 мингга яқин одам ҳалок бўлди ва ном-нишонсиз йўқолди. 20% саноат корхоналари ва 40% темир йўл ҳамда автомобил йўллари вайрон етилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми-50% га, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари -40% га қисқарди. Инглиз ва Америка босқинчилик ҳукуматлари ишлаб чиқарган моддий маҳсулотлар реквизицияси Италия иқтисодиётига каттазарар етказди. Бунинг устига инфляция кучайди. Озиқ-овқат тура ржой етишмаслиги кучли сезилди. 2 миллионга яқин киши ишсиз қолди.

1945 йилда ҳокимият тепасида етакчи антифашист партиялар вакиллари: христиан –демократик (ХДП), коммунистик (ИКП), социалистик (ИСП) ва бошқалар туришди. Улар янги итальян давлатни тузишлари керак эди.

Уруш тугаши биланок ҳукумат бир қатор муҳим ислохотларни ўтказди: заминдорларнинг ишлов берилмайдиган ерлари камбағал деҳқонларга бўлиб берилди, ўзгариб турадиган иш ҳақи(у турмуш тарзининг ўзгаришига биноан пропорционал равишдақараб чиқилиб, ошириб бориладди) жорий этилди, меҳнаткашларни қасаба уюшмалари розилигисиз ишдан озод этиш ман қилинди, корхоналарда ишчи кенгашлари тузилди. Италия монархияга асосланган эди. Қирол Виктор – Эммануил III 1900 йилдан буён тахт эгаси бўлса-да, 20-йилларнинг бошидан ҳокимиятни Муссолинига топширди ва фашистларни қўллаб-қувватлади. Шунинг учун ҳам сўл партиялар монархияни республикага аёлантришни талаб қилиб чиқдилар. Анашумасалага бағишланган умумҳалқ референдуми 1946 йилнинг 2 июнида Таъсис йиғилишига сайловлар билан бирга ўтказилди. Католик черковининг олий руҳонийлари, шунингдек христиан –демократларнинг бир қисми сайловчиларниқиролнинг ўғли бошчилигидаги монархия учун овоз беришга чақирдилар. Ўткир сиёсий кураш остида ўтган сайловларда 12,7 миллион киши республика учун, мамлакат жанубида қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчиларнинг 10,7 миллиони эса монархия учун овоз бердилар. Италия республикага айланди. Таъсис йиғилишда кўпчилик ўринларни ХДП (8,1 млн. овоз), ИСП (4,7 млн.овоз) ва ИКП (4,3 млн. овоз) олиб ҳукумат тузишди, уни ХДП асосчиси ва етакчиси Альгиде де Гаспери (1881-1954) бошқарди.

Италия сиёсий ҳаётидаги ажралиб турадиган алоҳидалик шуки, бу ерда икки йирик сўл партиялар-социалистлар ва коммунистлармустаҳкам иттифоққа киришишган, бу иттифоқ замири фашистларгақарши курашда йўғрилган бўлиб,ҳукумат сиёсатида катта таъсир ўтказарди.

1947 йилнинг 10-феврилида гитлерчилар блокига қарши курашган иттифоқдош давлатлар ва Италия ўртасида сулҳ шартномаси имзоланди. Италия ўз мустамлакаларидан ажралиб қолди, Франция ва Югославияга унчалик катта бўлмаган (9минг кв.км) ҳудудни берди, СССР, Югославия, Греция, Албания ва Эфиопияга репарация тўлаш мажбуриятини олди. Шартнома фашист ташкилотлари тузишни ман этди, қуролли кучлар сонини (300 минг кишидан ортиқ бўлмаган) чеклади, инглиз-америка

кўшинларини олиб чиқибкетишини кўзда тутди. Шартнома италян давлатининг демократик ривожланиши учун имкониятлар очиб берди.

Италия чет эл молиявий мададига ғоят муҳтож эди. Америка президент Г.Трумэн де Гасперига, агар унинг ҳукуматида коммунистлар мутлақо бўлмаса, Италияга қарз берилиши мумкинлигини очик айтди. Шунга кўра, 1947 йилнинг май ойида ИКП аъзоари ҳукумат таркибидан чиқарилди. Социалистлар (социал-коммунистлар партияси-ИСДПни тузган ўнглларнинг кичикроқ гуруҳидан ташқари) компартия билан бирдам эканликларини билдириб Вазирлар Кенгашини ташлаб чиқишди.

ИСП ва ИКП таъсис йиғилишида мустаҳкам мавқега эга эдилар ва ХДПни сўл қаноти билан ҳамкорликда демократик конституцияни ишлаб чиқдилар. У сўз эркинлигини, матбуот, йиғилишлар ўтказиш ихтиёрини, меҳнат ва ҳаққоний иш ҳақи олиш ҳуқуқини берар, қишлоқ хўжалигида ислоҳот ўтказиш ва ишчиларнинг корхоналарни бошқаришда иштирокини таъминлаш заруриятини таъкидлар, сиёсий ёки диний маънодаги ирқий камситишларни ман этарди. Католизм принциплари тақиқлашга қарамай конституцияда Хотин-қизлар тенг ҳуқуқлиги эълонқилинган эди. Фашист ташкилотлари фаолият кўрсатиши ёки тузилишига йўл қўйилмасди. Қирол оиласи аъзоларига эмиграциядан Италияга қайтиб келишга рухсат берилмаган эди. Мамлакатда суд ҳуқуқи қонунчилиги принципларини тўла мустақиллик билан жорий этиш кўза тутилган эди.

Конституцияга биноан қонун чиқарувчи ҳокимият парламентга тегишли бўлиб, у 5 йил муддатга сайлаб қўйилади ва депутатлар ҳамда сенат палаталариданиборат бўлади. Депутатлар палатаси қакилларини 18 ёшга тўлганлар, иккинчиси эса 25 ёшдан эътиборан сайланади. Депутатлар палатасида энг кўп ўринларни эгалаган партиянинг лидерларидан бири ҳукуматни тузади: одатда у бир қанча партиялар вакилларидан иборат бўлиб, парламент томонидан қўллаб-қувватлаш тўхтагунга қадар ҳокимият тепасида туради. Республика президенти ҳар иккала палатанинг қўшма мажлисида 7 йил муддатга сайлаб қўйилади. Унинг ваколати чекланган бўлиб, амалдаги ижро ҳокимияти Вазирлар Кенгашига тегишлидир.

Пропорционал сайлов тузумининг жорий этилиши муҳим демократик ютуқ саналиб, унга кўра, ҳар бир партиянинг таъсир кучига қараб парламентда ўринлар сони тақсимланади. Италияда кўппартиявийлик тизими қарор топган бўлиб, 9 та умуммиллий ва кўплаб ҳудудий бўлинишдаги партиялар бор. Бу ҳукуматнинг тез-тез алмашилиб туриши ва сиёсий кризисларга олиб келади.

1948 йил 1 январдан конституция кучга кирди, апрел ойида эса парламент сайловлари ўтказилди. ИСП, ИКП ва бошқа сўл партиялар ҳамда ташкилотлар Халқ-демократик фронтига (ХДФ) бирлашдилар, улар 8 миллиондан ортиқ овоз олишди. АҚШ кредити ва займи ёрдамида иқтисодий қийинчиликларни тез енгиб ўтишга халққа ваъда берган. ХДП бирмунча кўпроқ (12,7) овоз олди. Социалист ва

коммунистларсиз ҳукуматни Яна де Гаспери бошқарадиган бўлди. Италия республикасини барпо даври якунланди.

Де Гаспери ҳукумати етакчи саноат давлатлари билан интеграция йўлидан борди. 1949 йил апрельда Италия НАТОга аъзо бўлиб кирди. Бу бутун мамлакатда кескин норозилик уйғотди. Бутун мамлакатда Италиянинг НАТОга қатнашишга қарши норозилик митинглари бўлиб ўтди. Унинг Шимолий Анлантика Иттифоқига Кириши парламент томонидан маъқуллаган бўлса-да, бу акцияга қарши кураш анча пайтгача давом этди.

“Маршал режаси” бўйича АҚШнинг молиявий ёрдами (1,3 миллиард доллар) ва бошқа займлар итальян саноатини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни кўпайтиришда қўл келди, аммо аҳолининг кенг қатламлари аҳволи, айниқса, мамлакат жанубидаги шароит, узоқ вақтгача яхшиланиши қийин бўлди.

ХДП ўнг партияларнинг қўллаб-қувватлашидан фойдаланиб, пропорционал ваколатига эгаликни мажоритар (француз тилида “мажорите” сўзи “кўпчилик”ни билдиради) ваколатига эгалик билан алмаштириш тўғрисида қонун қабул қилди: агар партиялар блокисайловларда биргаликда қатнашиб, 50% дан атиги битта бўлса ҳам овозни кўп олса, “кўпчилик учун мукофот” тарзида палатадаги ўринларнинг учдан икки қисмини эгаллайди. Бу қонун “леже труффа” (мутахҳамлар қонуни) номини олди, кўпчиликнинг норозилигига саба бўлди ва амалиётда қўлланилди: 1953йилги сайловларда ХДП бошчилигидаги партиялар блоки овозларнинг ярмини ҳам ололмади, кейинчалик сўлларнинг тазйиқи билан “леже труффа” бекор қилинди.

1956 йилги халқаро воқеалар таъсирида итальян социалистлари мавқеида тўнтариш содир бўлди. ИСП лидери Пьетро Ненни (1891-1880) коммунистлар билан бирга ҳаракат қилишни тўхтатганлиги эълон қилинди, ИСП социал-демократлар ва ХДП билан иттифоқчилик сари йўналиш олди.

1958-1959 йиллар давомида меҳнаткашлар умумхалқ итальян меҳнат конфедерацияси (УИМК) йирик касаба уюшмаси атрофида бирлашиб, яшаш ва меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш учун қаттиқ кураш олиб бордилар. Бошқа мамлакатлардагига қараганда забастовкаҳаракатлари кенгроқ қўлланилди: 1959 йилнинг ўзидаёқ 40 та умумиллий иш ташлаш бўлиб, уларда 5 млн. дан ортиқчилар қатнашди. Бунинг натижасида иш ҳақининг оширилишига ва меҳнаткашлар учун қулай шароитлар яратилишига кафолат берадиган меҳнат шартномалари имзоланди.

Ҳукуматни бошқараётган христиан-демократлар парламентда кўпчиликни ташкил этишлари мумкин эди, бунинг учун улар сўллар ва марказчилар (социалистлар, социал-демократлар, республикачилар, либераллар) билан ва ёки ўнглари (монархистлар ва конституциядан ташқари тузилган неофашистлар партияси- Италиян социал ҳаракати- ИСХ) билан бир блокка бирлашлари лозим эди. 1960 йилдан эътиборан ХДПда ўнг оқим кучайди. Монархистлар ва ИСХ иштирокида ҳукумат

тузилди, бу ҳукумат неофашистларгаўзларининг миллий сьездларини Генуяда ўтказишда рухсат берди. Бу эса мамлактда норозиликнинг кучайишига саба бўлди, кўчаларда куrollи тўқнашувлар бўлиб ўтди. Сьездни ўтказиш имкони бўлмади, ҳукумат истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

50-йиллар охирига бориб, Италияда иқтисодиётнинг интенсив кўтарилиши юзага келди, меҳнат унумдорлиги ўсди, мамлакатнинг ривожланган давлатлар доирасида саноат ишлаб чиқариш бўйича ҳиссаси кўпайди. Илмий-техника инқилоби кенг қанот ёзди, металлургия, автомобиль ва Киме саноатида автоматлаштириш ҳамда модернизация жараёнлари кучайди, ишлаб чиқаришда янги соҳалар пайдо бўлди. Италия бирмунча индустриал ривожланган мамлакатлар еттиликка кирди. Мамлакат саноати ривожланишида нотекислик ва қарама-қаршиликлар бор эди, жанубий ҳудудлар амалда шимолнинг мустанлакка айланиб қолгандай эди. Жанубий ҳудудлардан иш ахтариб миллионлаб кишилар шимол сари келишар; хатто иқтисодиёт энг юқори суръатларга эришганда ҳам ишсизлар сони 1 млн.дан ортиқ эди. Ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ГФР, Швейцария, Францияга меҳнат ва яшаш шароитлари қийин бўлишига қарамай, эмиграцияга кетишар эди.

Иқтисодий кўтарилишлар даврида ҳам ишчилар ҳаракати сақланди ва хатто кучайиб борди. Италия ишчилари кураш шаклини танлашда катта кашфётчилик қилдилар: булар-«ҳамкорлик қилмаслик», яъни иш суръатини пасайтириш билан тадбиркорларни ўз талаблари қондирилишига мажбур этиш; «Шахмат усулида иш ташлаш», яъни турли цехларнинг ишчилари навбатма-навбат ишни тўхтатиши, «тескари иш ташлаш», яъни ишсизлар бригадаларга уюшиб, маълум бир жойдаги жамоат юмушини бажариб қўйишар (йўл ременти, кўприк қурилиши, ботқоқни қуриш каби) сўнг эса маҳаллий аҳолининг фаол қўллаб-қувватлаши билан амалга оширилган тадбирга иш ҳақи талаб қилишарди; бирдамлик иш ташлашлари; шахар, туман, вилоят ва хатто мамлакат миқёсидаги умумхалқ иш ташлашлари ана шулар жумласидан эди. Иш ташлашлар кўлами жиҳатидан Италия бошқа мамлакатлардан анча олдинда тура рва доимо ҳокимиятни ён босишига мажбур этарди. Иш ҳақи, ижтимоий суғурта тизими, нафақалар ҳажми бўйича Италия дунёда олдинги ўринлардан бирида турар эди.

60-йилларда «чап марказчи»лар ХДП ва ИСП ҳамкорлигида тузган ҳукумат тарқалиб кетди. 16 йиллик оппозициядан сўнг 1963 йилда ИСП янги ҳукумат таркибига қайтди, уни христиан демократик Альдо Моро бошқарди. П.Ненни премьер-министр ўринбосарилавозимини эгаллади. Қўшма ҳукуматга бошқа партиялар вакиллари кирган бўлиб,фақатгина таъқиб остига олиниб,кучсизлантирилаётган коммунистлар партиясидан вакиллар йўқ эди. Аммо, барибир ҳам, компартияни кучсизлантиришнинг имкони бўлмади. Компартия Италияда каттатаъсирга эга бўлиб, унинг аъзолари сони 1,8 млн. дан ошиқ эди. 1963 йилда у учун 25,3%, 1968 йилда эса 26,9% ,яъни 8,5 млн. сайловчилар овоз берди. Италия

компартияси капиталистик дунёдаги энг оммавий ва таъсири кучли коммунистик партияга айланди.

1967-1968 йилларда студентлар ҳаракати кучайди. Студентлар кўчаларга оммавий равишда чиқиб, манифестациялар уюштиришди, олий таълим тизимини такомиллаштиришни талаб қилишди. Оммавий ҳаракатларга янгидан-янги ижтимоий қатламлар-зиёлилар, шаҳар майда буржуазияси қатнаша бошлади. Уч нафар касаба бирлашмаларининг биргаликдаги чиқиши (ИКП ва ИСП чап қаноти таъсирида бўлган ИУМК, ХДПнинг қўллаб-қувватлашига таянган Италия меҳнаткашлар касаба уюшмаси конфедерацияси (ИМКК) ва Италия меҳнат иттифоқи (ИМИ) – ўнг социялистлар ҳамда социал-демократлар) иш ташлаш ҳаракати мислсиз даражада қанот ёзишига сабаб бўлди. Шундай қилиб, 1969 йил ноябрда умумхалқ иш ташлашда 20 млн. киши қатнашди. Иш ташловчиларнинг қарийиб барча талаблари қондирилди. Бундан ташқари парламент ўнгларининг қаршилигига қарамай, ажралишга рухсат бериш ҳақида қонун қабул қилди, бу қонун кейинчалик умумхалқ референдуми томонидан тасдиқланди.

Италияда ҳам, ГФРда бўлгани каби, 60-йиллар охирида ёшлар орасига сўллик кайфияти суқилиб кирди, сўл экстремистлар орасида ҳам, ўнг экстремистлар орасида ҳам терроризм тарқала бошлади. Сўл гуруҳлар сиёсий арбоблар, суд ва прокурорларнинг жонига қасд қилувчи “қизил бригадалар” тузишди. Террорчилар Билан курашга қаратилган ҳокимиятнинг барча уринишлари узок вақтлар давомида беҳуда кетди: катагончи ташкилотлар, сўллари ҳам, ўнглари ҳам-бари яхшилаб ниқобланган эди.

Мамлакат учун Яна бир фалокат мафия-махфий террорчи ташкилот бўлиб, у жамоат ҳаётининг барча соҳаларига борган, айниқса, Сицилия оролида, Неаполь районида ва бошқа жанубий вилоятларда ривожланган эди.

1974 йилда Италияни бошқа капиталистик давлатлар каби, урушдан кейинги йиллар мобайнида содир бўлган энг чуқур бўҳрон қамраб олди% ишлаб чиқариш батамом ўсишдан тўхтади, нарх-наво кўтарилди, ишсизлар сони кўпайди, ташқи савдодаги танқислик ўсди. Анна шундай шароитда, мамлакат бўҳрондан қутқозишга қодирлигини маъқуллаган ИТП таъсири кучайди. 1976 йилги парламент сайловларида коммунистлар ўзларининг бутун тарихларида энг ката ютуққа эришдилар. Ўшанда 34,4% сайловчилар ИКП учун овоз бердилар, у христиан-демократик партияга бирмунча ён бериб, депутатлар палатасидаги 630 ўриндан 227 тасига эгалик қилди. Шунга қарамай ХДП раҳбарлари коммунистларни ҳокимиятга яқин йўлатишмади, аммо мамлакатда унчалик таъсир кучига эга бўлмаган, озчиликдан иборат партиялар вакиллари хукумат таркибига киритишди.

Бундай адолатсизлик Италия жамоатчилигининг турли қатламларида норозилик уйғотди. Ҳатто христиан-демократлар ўртасида сайловчилар хоҳиш иродасининг бажарилишини талаб қилувчи оқим пайдо бўлиб,

коммунистларнинг ҳукумат таркибига киритилишини қатъий туриб ёклашди. ХДП ва ИКП вакилларида хукумат тузиш муқобилликни келтириб чиқарар ва ҳадеб хукумат ўзгараверишига чек қўярди, чунки, буйқала партия парламентнинг ҳар икки палатасида энг кўп ўринлар сонига эга эди.

ХДП чап оқимини партиянинг обрўли раҳбарларидан бири Альдо Моро бошқарадиган бўлгач, ана шундай хукуматни тузиш имкони туғилганидек бўлди. Анна шу йўлдаги биринчи қадам 1978 йил мартда имзоланган битм бўлиб, унга кўра ИКП ҳар иккала партия томониан маъқулланган дастур бўйича иш олиб боргандагина ҳозирги Вазирлар Маҳкамасини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини олди.

ХДП ва ИКПнинг ўзаро яқинлашуви ва келгусида мустаҳкам хукумат тузилиши мумкинлиги – турли сабабларга кўра демократик давлат қарор топишини истамовчиларга маъқул келмади. Коммунистлар ва христиан-демократлар билан битимга эришилган ўша куннинг ўзидаёқ “қизил бригада”нинг бир гуруҳи кўпоровчилари А.Морони ўғирлаб кетишди. Фақатгина майда Римнинг марказида, ХДП ва ИКП раҳбар органлари жойлашган бинолардан тенг масофа узоқликда, автомобиль ичида унинг пажмурига гавдаси топилди. Бу Ушбу партияларнинг яқинлашувини қўллаб-қувватлаш А.Моро ўлимига сабаб бўлганлигига ишора эди. Моро ўлиmidан сўнг ХДП раҳбарлигига коммунистлар билан ҳамкорлик қилишга батамом қарши кишилар келиб, улар тузилган битимларни бажаришдан бош тортдилар. ИКП парламентдаги кўпчилик ўринлардан маҳрум бўлди, мамлакатда унинг таъсири йўқола бошлади.

Коммунистлар нима учун ривожланган капиталистик мамлакатларнинг кўпчилигида компартиялар таъсирчан сиёсий кучга айлана олмаётганлигини аниқлашга уринишарди. Биринчи марта бу масалани ИКП Бош қотиби Пальмиро Тольятти (1893-1964) очикчасига қўйди.

Унинг фикрини янги Бош қотиб Энрико Берингуэр (1922-1984) риволантирди, янги раҳбарнинг қарашлари “еврокоммунизм” номини олган бўлиб, уни кўпгина компартиялар раҳбарлари қўллаб-қувватлашарди. Улар коммунистик ҳаракат кучсизлигининг бош сабабини социализмнинг совет модели изидан, танқидий кўз Билан қарамасдан кўр-кўрона эргашиб, зўравонлик услуби асосида иш юритишни ўзлаштириб олишида кўришарди, ҳақиқий демократиянинг йўқлиги, инсон ҳуқуқлари ва умуминсоний қадриятларга эътибосиз муносабат, барча ҳокимият тизмларини алмаштирувчи патия ролининг салбий кўринишларидан эди. “Еврокоммунистлар” СССРнинг марказий ва жануби-Шарқий Европа мамлакатлари ички ишларига аралашувини танқид қилишар, айниқса, 1968 йилда Варшава шартномаси қўшинларининг Чехославакияга киритилишидан норози эдилар. Улар Совет Иттифоқи ўзининг инқилоблаштирувчи ролини йўқотганлигини тасдиқлашар, коммунистик партияларни ўз мақсадлари қилиб, ҳалқларга кенг ҳуқуқлар берувчи демократик социализмни, курашнинг тинч йўли воситаларидан фойдаланувчи социализмни танлашга чорлашди.

КПСС раҳбарияти “Еврокоммунизмни” танқид остига олиб, уни ўнг оппортунизмнинг замонавий кўринишларидан бири деб баҳолади. Аммо тез орада социалистик ҳамдўстликнинг емирилиши ва коммунистик ҳаракатнинг кризиси-Берлингуэр ва унинг маслакдошлари мушоҳада таҳлилининг тўғрилигини кечикиб бўлса-да тасдиқлади: “Еврокоммунизм” ана шу платформада бўлган бошқа компартияларни ҳам, шунингдек ИКПни қутқариб қололмади. У ўзининг аввалги таъсирини йўқотиб қўйди ва 1991 йилда Сўл кучлар демократик партияси номи биланайта ташкил этилди. ИКП раҳбарларининг бир қисми коммунизм позициясида қолишди ва янги партияга киришдан бош тортди.

1993 йил августда итальян парламент ива сенат янги сайлов тизими ҳақида қонун қабул қилди, унга кўра парламентдаги 75%ўрин сайлов округларида энг кўп овоз олган номзодларга, қолган 25%-4%ли тўсиқни енгиб ўтган партияларга бериладиган бўлди.

Бироқ янги тизм ҳам жамоатчилик назорати ва қўлида мустақиломмавийахборот воситаларига эга бўлмаган кучли муҳолифат йўқ шароитда суистеъмолликлардан қафолатмай олмасди. Италияда янги сайлов қонуни қабул қилингандан сўнг бошланган сиёсий кураш бунини ёрқин намоён этди.

1994 йил мартда Италияда ҳокимият тепасига бошвазир Силвио Берлускони бошчилигидаги ҳукумат келди. У йирик итальян компаниялари рўйхатида иккинчи турувчи “Фининвест” саноат-молия корпорацияси эгаси бўлиши билан бирга уч итальян хусусий телевизион компаниялари сотиб олди ва давлат телевидениясининг бутун тизими устидан назорат ўрнатди.

Бу қудратли тарғибий машина туфайли унинг “Форса, Италия” (Олға Италия) партияси сайловларда 21% овоз олди. С.Берлускони неофашистлар ва Шимолий Лига билан коалицияда янги ҳукумат тузди.

С.Берлусконинг Италияжиноятчилари дунёси биланалоқаси ҳеч Ким учун сир эмас эди. Сайлов компанияси даврида унинг мафияга қарши чиқарилган 1992 йилги қонунни тугатишга берган ваъдасига жавобан мафия бошлиқлари очикдан-очик қўллаб-қувватлашди.

Ҳокимият тепасига келган С.Берлускони РАИ давлат телекомпанияси раҳбариятини алмаштирди, зотан улар мафиянинг жинояткорона фаолиятини фаш этиш билан шуғулланган эди. У 1992 йил қонунини ман этиш компаниясини бошлади ва коррупцияда шубҳаланиш бўйича олдиндан ушлашни ман этувчи парламент қарори чиқишига эришди.

Тўсатдан юз берган кучли жанжал депутатлар палатасида ҳукуматга ишончсизлик вотумига олиб келди. Бу демократик кучларнинг кучли ғалабаси эди.

1995 йили бўлиб ўтган сайловлар натижасида Романо Проди раҳбарлигидаги янги ҳукумат юзага келди, у дадил тажриба сифатида бошқарувга эски коммунистларни жалб этди.

Янги ҳукумат олдида икки асосий муаммо турар эди. Буларнинг дастлабкиси улкан бюджет етишмовчилиги эди. Иккинчиси мамлакат шимолидаги сепаратчилик ҳаракати бўлди.

Янги ҳукумат ҳокимиятда бўлган олти йил мобайнида мамлакатда кўп нарса ўзгармади. Порахўрлик ва коррупцияда айбланган амалдорларнинг бирортаси ҳам жазоланмади. Уларнинг кўпчилиги суд томонидан “айбсиз” деб топилди. Ишсизлар кўпайди, бюджет етишмовчилиги ортди. Романо Проди ўз мақсадига эришди. У 2001 йил ЙХ Кенгаши раислигига сайланди. Мамлакатда 2001 йил июлида умумий парламент сайловлари ўтказилди. “Форса, Италия” партияси ғалаба қозонди. С.Берлускони ўзининг чалкаш суд ишларига қарамай, яна мамлакат бош вазири бўлди.

Таянч тушунчалар

Конституция, пропорционал, молиявий ёрдам, монархистлар, неофашистлар, “Еврокоммунизм”, “қизил бригада”, Президент, мафия, терроризм, жамиятга ёт унсурлар. ЁИХ, НАТО.

Мустақил иш мавзулари

1. Иккинчи жаҳон уруши мамлакат иқтисодиёти ва обрў-эътиборига улкан зарари.
2. Италиянинг 50-80 йилларда ички ва ташқи сиёсати.
3. Италияда “Еврокоммунизм” концепцияси моҳияти.
4. Замонавий Италиянинг ички ва ташқи сиёсати.

Мавзу: Осиё ва Африка мамлакатлари озодликнинг қўлга киритилиши

Режа:

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустанлакачилик тузумнинг тугатилиши.
2. 90-йиллардан кейин Осиё ва Африка давлатларидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида“хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёткафолатлари” Т. “Ўзбекистон” 1997й.
2. Хидоятлов Г.А. “Жаҳон тарихи” Т. “Шарқ” 2003й.
3. Волк С.С. “Энг янги тарих” Т. “Ўқитувчи” 1995й.
4. Хидоятлов Г.А., Гулямов Х.Г. «Всемирная история новейший период» Т. “Университет” 1992й.
5. Тюриков В.,Шоғуломов Р. “Истиқлол йилномаси” Т. “Ўқитувчи” 2001й.
6. “Жаҳон мамлакатлари”. Справочник Т. “Ўқитувчи” 1985й.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида мустанлакачи давлатлар ўз тасарруфларидаги мустанлакаларнинг материал ва одам ресерсларидан кенг

фойдаландилар. Япония мустамлака халқларни ўзларига жалб этишга интилиб: «Япония Осиё лидери, унинг химоячиси» шиори билан чиқди. Япон тарғибот-ташвиқотига учган Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари япон қўшинларига қаршилик қилмадилар. Босиб олинган мамлакатлар тез орада Япония мустамлакамулкига айланди. “Сариқ рангли катта оға”га боғланган умидлар кучга чиқди, миллий озодлик ҳаракатлари бошланиб кетди.

Мустамлакачи давлатлар урушидан кейин ҳам ўз мустамлакаларини сақлаб қолишга уриндилар. Де Голль ҳукумати-1943 йилнинг охирида Сурия ва Ливаннинг мустақиллигини тан олди, лекин инглиз ва француз қўшинлари бу мамлакатлар ҳудудидан фақатгина 1946 йилда ташлаб чиқдилар.

1945 йилнинг августида мустақиллик эълон қилинган Индонезиянинг устидан ўз ҳукмронлигини қайта тиклаш учун унинг ҳудудига британ ва голланд қўшинлари туширилди. Франция, 1945 йилнинг сентябрида Вьетнам Демократик Республика (ВДР) эълон қилинган Вьетнамга қарши агрессив уруш уюштирди. Бунга жавобан Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа мамлакатлар халқлари тўла миллий озодликка эришиш учун курашни кенг кулоч ёйдирдилар.

Уруш йилларида Осиё мамлакатларида миллийбуржуазия ва зиёлилар шаклланиши жараёни жадаллаштирди. Миллий мустақилликкаэришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган сиёсий партияларнинг обрў-эътибори ва таъсири анча ошди. Кураш ҳам тинч йўли билан, ҳам қурол ишлатиш йўли билан олиб борилди. Мустамлакачи давлатлар ён беришларига боришга мажбур бўлдилар.

1947 йилнинг августида Буюк Британия Ҳиндистонни икки доминион-Ҳиндистон ва Покистон бўлиб,унга сиёсий мустақиллик берди.

1948 йилнинг бошидахудди шундай ҳуқуқ Цейлонга (ҳозирги Шри Ланка)берилди. 1948 йилда Бирманинг мустақиллиги тан олинди. Узоқ давом этган мустамлакачилик урушидан сўнг, 1949 йилда Голландия Индонезия ҳукуматига ўз ҳудудидаги олдинги барча ерларига эгалик қилиш ҳуқуқини берди.

Франция 1954 йилдагина Ҳиндистонда уруш ҳаракатларини тўхтатиб, ВДР, Лаос ва Камбоджа мустақиллигини тан олди. Узоқ вақтлар партизан кураши олиб борган,собик инглиз мустамлакаси Малайзия 1957 йилнинг августида ўз мустақиллигини эълон қилди.

Африкада мустамлакачилик тизимини йўқотиш жараёни Осиёдагина нисбатан анча секин борди. Буни ижтимоий-иқтисодий тузилмалардаги катта қолоқлик, миллий буржуазия ва зиёлиларнинг йўқлиги ёки уларнинг сафи заифлиги, ҳукмрон доираларнинг ўз мустамлакаларига яқин масофада турганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шимолий Африкада бирмунча иқтисодий ривожланган мамлакатлар Мағруб ва Миср эди. Мисрда монархиянинг тугатилиб, республика деб эълон қилиниши (1952-1953й.й) Буюк Британияга қарамликни таг-туғи билан йўқотди ва мамлакат мустақил давлатга айланди. Шу воқеа Мағриб мамлакатларида Франция истибдодидан халос бўлиш кураши кучайди. Тунис ва Марокко учун бу кураш 1956 йилнинг бошларида якун топди.

Жазоирдаги кураш етти йидан ортик (1954 йилнинг охири 1962 йилнинг бошланиши) давом этди. Миср ҳукуматининг Сувайш канали компаниясининг национализация қилиш ҳақидаги қарорига қаршиуюштирилган Англия, Франция ва Исроил агрессияси барбод бўлганидан сўнг, мустанлакачи давлатларнинг Африкадаги маҳкеи бўшашди, бу эса миллий-озодлик курашининг яна ҳам кучайишига туртки тўлди.

Қитъада 8 та мустанкил давлат пайдо бўлган эди. 1960 йилда Африка сиёсий харитасида яна 17та мустанкил давлат пайдо бўлди.

60-йиллар сўнгига бориб британ, француз, бельгия ва испан мустанлакачи империялари парчаланди. Фақатгина “денгизорти худудлари” деб эълон қилинган Ангола, Мозамбик ва бошқа ерлар ҳамон Португалия измида эди, бу ерларда бир мунча кейинроқ миллий озодлик ҳаракатлари бошланди. Курашга раҳбарлик қилаётганлар Португалияда таълим олган чиқди. Қуролли кураш 60-йиллар бошидан 1974 йилигача давом этди. Португалияда фашистлар режими ағдарилгач, инқилобий ҳукумат собиқ мустанлакалар мустанкиллигини тан олди.

Миллий озодлик инқилобининг бош вазифаси сиёсий мустанкилликка эришиш –ҳали ҳукмрон давлатларбилан собиқ мустанлакаларининг бири-биридан тўла ажратиб кетишини билдирмади. Британия миллатлар ҳамдўстлиги кейинчалик “суверен мустанкил давлатлар озод ассоциацияси” каби Ҳамдўстлик юзага келди. Франция ҳам Ҳамдўстликка аъзо бўлди.

70-йилларда “Социалистик йўналиш”нинг иккинчи тўлкини бошланди. Эфиопия, Ангола, Мозамбик, Конго, Гвения-Бисау, Пекин ва бошқа мамлакатларидаги ҳокимият тепасида турган режимлар ўзларини социализм тарафдорлари эканлигини, келажакда социалистик жамият куришга интилишини баён этишди. Уларнинг йўналишларини халқаро коммунистик ҳаракат томонидан кенг қўллаб-қувватладилар.

Бироқ Осиё ва Африка мамлакатларидаги «социалистик йўналиш» томон тўтган йўл узокқа бормади. Давлат секторини ривожлантириш ва режалаштиришни ўта марказлаштириш йўли билан асрий қолоқликдан имкони яратилмади, самарадор иқтисодиётини барпо этиш, индустриал ривожланган Ғарб мамлакатлари билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги фарқни қисқартиришга эриша олмади.

Сиёсий тизимлар. Бир қанча мамлакатлардагина (Ҳиндистон, Сенегал, Нигерия) буржуа-демократик парламентининг Ғарб модели билан чекланишлар эди. 70-80 йилларда ҳокимиятга келган якка ҳокимлик режими амалдор гуруҳи, полиция қуролли кучларга таяниб иш кўрди. Яккаҳокимлик режими фақатгина мусулмонлар давлатлари (Покистон, Ироқ, Сурия, Ливия) учунгина хос эди. Ангола, Мозамбик, Эфиопия ва бошқа мамлакатларда партия ва давлат аппаратлари кучайгандан-кучайиб бормокда.

Араб яримороли мамлакатларида (Сўдия Арабистони, Қувайт ва бошқалар) феодал-рухоний монархия амалда ҳукмрон эди.

Осиё ва Африка мамлакатларининг жуда кўп раҳбарлари айниқса мустанкиллик учун курашга йўлбошчилик қилганлар Ж.Неру, И.ганди, Сухарио, Шамол Ибн Носир ва бошқалар.

Иқтисодий аҳвол. Мустақил ривожланиш йилларида хорижий ва аста-секин кўпаётган миллий сармоя ҳисобига индустрия барпо этилди, қисман илгари мутлақо амалда бўлмаган қайта ишлаш шароити, транспорт соҳалари йўлга қўйилди. Индустриалривожланган мамлакатлар Осиё ва Африка кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришни, кўпроқ буюмларни комплекташ бўйича ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришди.

80 йилларда Осиёда “янги индустриал давлатлар” ёки “Осиё аждархолари” Корея Республикаси Тайвань, Гонконг, Сингапур пайдо бўлди, улар жаҳон бозорига электроника, телекоммуникация воситалари, юқори сифатли машиналар маҳсулотларини етказиб бериш эди.

Африкадаги бирмунча иқтисодий ривожланган давлатлар Миср, Жазоир, Тунис, Марокко, Ливия билан Тропик Африкадаги қолоқ мамлакатлар ўртасида сезиларли фарқ бор.

Араб яриморолидаги мамлакатлар нефть ва нефть маҳсулотларини четга экспорт қилиш ва ривожланган иқтисодиётга эришиб, ўз фуқаролари турмуш даражасининг фаровонлигига эришдилар.

80-90 йиллардаги БМТ ва бошқа форумларда ривожланаётган мамлакатлар раҳбарлари Осиё ва Африка мамлакатларининг иқтисодиёти тўлаш имкониятига эга бўлмаган қарзларининг бир қисмидан воз кечиш зарурлигини кўп марталаб кўтариб чиқишди. Жанубий Осиё ва Тропик Африкадаги кўпчилик аҳоли, буерда туғилиш ҳам юқори суръатга эга, амалда очарчилик билан кун кечиришмоқда. Мустамлакачилик қолдирилган асoratлар ҳали енгиб ўтилмаган.

Таянч иборалар

Мустамлакачилик сиёсати, “Сариқ рангли катта оға”, Миллий озодлик ҳаракати, национализация, суверен мустақил давлатлар, “Ҳамдўстлик сиёсати”, социалистик йўналишлар феодал-руҳоний монархияси, “Осиё аждархолари”

Мустақил иш мавзулари

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Осиё ва Африка мамлакатларининг тузуми.
2. Осиё ва Африкада мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривож.
3. Жаҳондаги сиёсий вазиятда ривожланаётган давлатларнинг ўрни. Қўшилмаслик сиёсати.

Мавзу: Хитой тутилган йўлнинг янгидан ўзгариши

Режа:

1. 1946-1949 йиллардаги халқ-озодлик уруши
2. Хитой Халқ Республикасида 1979-1996 йилларда ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар.
3. 1958-1974 йилларда Хитой республикасида “Катта сакраш” , “Халқ коммунисти” , “Маданий инқилоб”
4. Мамлакатнинг ҳал этилмаган муаммолари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон” 1997й.
2. Хидоятлов Г.А. Жаҳон тарихи. Т. “Шарқ” 2003й.
3. Волк С.С. “Энг янги тарих” Т. “Ўқитувчи” 1995й.
4. Тюриков В. Шоғуломов Р. “Истиқлол йилномаси” Т. “Ўзбекистон” 2001й.
5. Жаҳон мамлакатлари. Справочник Т. “Ўзбекистон” 1985й.
6. Хидоятлов Г.А., Гулямов Х.Г. «Всемирная история новейший период» Т. “Университет” 1992й.

Хитой дунёдаги бошқа мамлакатлардан ажралиб туради. Унинг ҳудуди катта-10 млн. кв.км. (СССР ва Канада мамлакатлардан кейин туради), Хитойнинг ҳудуди Европага тенг аҳолиси бир вақтларда 570 млн. киши бўлган, ҳозир эса 1 млрд. 300 млн. аҳолиси бор. Хитойда бир кунда 60 минг киши туғилади, бир йилда ўртача туғилиш сони-14 млн. кишига тўғри келади. 1987 йилда туғилиш сони бўйича катта ғалабага эришди. 22 млн.

киши яъни Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тенг эди. Хитойда ер юзи аҳолисининг бошдан бир қисми яшайди.

Урушдан кейинги даврда бу мамлакат ўз тарихида икки марта зўр бурилиш ясади. Қарийб ўттиз йил Хитой социалистик жамият қуриш йўлида борди. Ҳозир эса мана йигирма йилдан ошдики, капитализмга хос иқтисодиёт жадал суръатлар билан барпо этилмоқда. Ҳар иккала ўзгариш ҳам айна бир партия-Хитой коммунистик партияси (ХКП) раҳбарлигида амалга оширилди.

Иккинчи жаҳон уруши тугаллаётган даврга келиб Хитойда ҳукмронлик қилишга давогар бўлган икки қудратли сиёсий (ҳарбий-сиёсий) куч: жамиятнинг қуйи қатламлари томонидан қўллаб-қувватлаган, ташкилилий ва ғоявий жиҳатдан бирлашган ХКП ҳамда уруғ-аймоқлар ва гуруҳлар қураши туфайли заифлашган, обрўсизланган, коррупцияга бурилган Гоминьдан тузуми мавжуд эди. Умумий душман-Япония енгилгач, улар ўртасида фуқаролар уруши қайта бошланди. Фуқаролар урушининг оқибати фақат шу икки кучгагина эмас, балки янада қудратлироқ ташқи кучларга-Хитойда ўз стратегик манфаатларига эга бўлган СССР билан АҚШ га ҳам боғлиқ эди.

Совет Иттифоқи 1946 йилда Маньчжуриядан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетаркан, 1,5 миллионли Квантун армияси таслим бўлганидан сўнг олган ўлжа-япон қуролининг асосий қисмини, совет полклар ва дивизиялари қурол-яроғи ва заҳираларининг ҳам талай қисмини ХКП га топширди. Маньчжурияга ёқилғи, машиналар, ҳарбий ходимларини ўқитиш ташкил этилди. Шимолий Маньчжурия ва Хитой шимолидаги Махсус районда (Хитой халқ озодлик армияси (ХХОА)нинг узок йиллардаги асосий базаси) коммунистларнинг мунтазам армияси 1,5 миллион, халқ лашкари отрядлари-3 миллиондан кўпроқ. Ўзини ўзи мудофаа қилиш отрядлари-10 миллион кишидан иборат эди.

Гоминьдан мунтазам армиясининг сафлари бундан ҳам тезроқ ўса борди. Японлар (Маньчжуриядан ташқари) Хитойнинг бутун ҳудудида таслим бўлганидан кейин Гоминьдан ўлжа қурол-яроққа эга бўлиб олиб, анча мустаҳкамланди. 1946 йил биринчи ярмида ХКП билан Гоминьдан делегацияларининг музокаралари томонлар ён босмагани туфайли боши берк кўчага кириб қолди. Шундан кейин июлда ҳукумат қўшинлари, коммунистлар қўлидаги районларга ҳужум бошлади. 1947 йил баҳорига келиб, улар Махсус районнинг бир қисмини босиб олди, аммо ўзи ҳам кўп талафот кўриб, ҳужумни тўхтатди.

1947 йил иккинчи ярмида икки миллиондан ортиқ кишидан иборат ХХОА Махсус район ва Шимолий маньчжуриядан ҳужум бошлаб, Хуанхе дарёсини кечиб ўтди. Бир йилдан сўнг урушда бурилиш содир бўлди. 1948 йил сентябрь-ноябр ойларидаги бир неча йирик ҳарбий амалиётлар давомида Гоминьданнинг асосий ҳарбий кучлари тор-мор қилинди. ХХОА бутун Шимоли-шарқ ва Марказий текисликни эгаллади. ХХОА сафлари жуда тез тўлдирилди. Собик кўғирчоқ Маньчжоу-Го тузумининг 300 минг кишилиқ қўшини тўла таркибда ХХОАга қўшилди. Машҳур урушқоқ генерал Фу Цзоннинг 25 дивизияси (1 миллион киши) ҳам унинг тарафига ўтди.

1949 йил январида коммунистлар Пекинни ишғол қилди. Чан Кайши президентлик лавозимидан кетиб, унинг ўрнини Цзунжэн эгаллади ва ХКП билан хокимиятни тинч йўл билан топшириш тўғрисида музокара бошлади. Аммо Чан Кайши Гоминьдан бошлиғи ва армияда генералиссимус сифатида музокарани тўхтатишни буюрди. Апрельда ХХОА хужумга ўтиб, гоминьданлар пойтахти Нанкинни эгаллади ва Янцзи дарёсини кечиб ўтди. Май ойида Шанхай, кузга келиб эса-Хитойнинг бошқа ҳамма минтақаларини ХХОА назорат қила бошлади. Чанкайшичилар Тайвань оролига қочиб ўтди.

1949 йил июл ойи бошида Москвага Лю Шаоци бошчилигидаги ХҚП делегацияси келди. Делегация янги ҳукуматни Ғарбнинг тан олишидан умидни узиб ва хужумидан хавфсираб СССР томонидан келажакда тан олиниши тўғрисида музокара юритди. СССР томони янги ҳукуматни тан олишга ваъда берди.

Сентябрь охирида ХҚП бошқа айрим партиялар ва бирлашмаларнинг сиёсий маслаҳат конференциясида янги давлатнинг ҳукумати, пойтахти, мадҳияси, байроғи тўғрисида қонунлар қабул қилиниб, ҳукумат сайланди. 1949 йил 1 октябрида янги пойтахт Пекиндаги Тяньаньмэнь майдонида кўп минг кишилиқ митингда Хитой Халқ Республикаси (ХХР) эълон қилинди. Эртаси куни у СССР томонидан тан олинди.

ХХР эълон қилинганидан кейин атиги икки ой ичида мамлакатда хокимиятнинг янги пратия ва давлат органлари тузилди. Декабрь ойи ўрталарида Мао Цзэдун катта пратия-ҳукумат делегациясига бош бўлиб, ҳаётида биринчи бор Хитойни тарк этиб, СССРга жўнади. 1950 йил 14 февралда дўстлик, иттифок ва ўзаро ёрдам ҳақида шартнома имзоланди. У 30 йил муддатга мўлжалланган. Қўшимча битимларга кўра СССР Хитойга Хитой-Чанчун темир йўлини ва дальний портини, шунингдек 300 миллион долларлик кредит берди, элликта йирик саноат корхонасини қуришда ёрдам кўрсатиш мажбуриятини зиммасига олди.

1953 йил 15 майда бирданига 141 саноат корхонасини қуриш ва қайта қуришда Хитойга совет ёрдами кўрсатиш ҳақидаги битимга имзо чекилди. 1954 йил октябрида иқтисодиёт, техника, таълим ва ҳарбий соҳаларда совет ёрдамини анча кенгайтириш ҳақида битимла имзоланди. Порт-Артурдаги база бутунлай Хитойга берилди. Шарқий Европа мамлакатлари томонидан ҳам Хитойга катта ёрдам кўрсатила бошланди.

50-йилларда ўн мингдан зиёд Хитой мутахассиси СССРдан ўз соҳаси бўйича таёрғарликдан ўтди. 20 мингдан зиёд совет мутахассис бевосита Хитойда ўз тажрибасини маҳаллий мутахассисларга ўргатди.

Натижада 1952 йилдаёқ саноат ва қишлоқ хўжалигида урушдан аввалги ишлаб чиқариш даражасига эришилди. 1-беш йиллик (1953-57) давомида саноат ишлаб чиқариши 141% ошди, яъни бу соҳа дунёда бўлмаса ҳам Осиёда энг юқори суръатлар –йилига ўртача салкам 20% миқдорида ривожлана борди. Хусусий мулкчиликка барҳам беришда ҳам илгарилаб кетилди. 1956 йилда савдо ва аносат соҳалари батамом давлат тасарруфига ўтказилди. Дехқонларнинг 96% и кооперативларга бирлаштирилди.

КПСС 20-съезди (1956 йил, февраль) Сталин шахсига сиғинишини ва катагонларни қоралади. Дастлаб ХҚП раҳбарлиги 20-съезд қарорларини маъқуллади. ХҚП 8-съезди (1956 йил сентябр) партия раҳбарлигида демократик тамойилларни кенгайтиришга қарор қилди. Аммо 1958 йилдаёқ ХҚП раҳбарлиги ўзгача йўл тута бошлади. Пировард оқибатда СССР билан мавжуд алоқа узилди, КПСС раҳбарлигига қарши кураш бошланди. Ички сиёсат соҳасида ҳам қатор ислохотлар ўтказишга киришилди. Хуллас, ХХР ва ХҚП нинг янги йили уларнинг ССР дан мустақилигини кучайтиришга қаратилган эди.

1956 йил май ойидаёқ ХҚП 8-съезди 2-сессияси партиянинг янги сиёсатини эълон этди, у “уч қизил байроқ”, “бош йўл”, “Катта сакраш”, “халқ коммуналари” каби иборалар орқали яхлит бир сиёсат шаклида ифодаланган эди. “Бош йўл” мамлакат тараққиётини янада жадал суръатлар билан таъминлаш йўлидан иборат бўлиб, жумладан, пўлат ишлаб чиқаришини 1958-62 йиллар ичида 5 миллион тоннадан 10 миллион тоннагача етказиш белгиланган эди. Шу мақсадда корхона, муассаса, ташкилот. Халқ коммуналарининг ҳовлиларида ибтидоий митти “домна”лар қуриш учун оммавий компания уюштирилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш учун “халқ коммуналари” тузилди. 740 минг кооператив 24 минг коммуна қилиб қайтадан ташкил этилди. Ҳар бир коммунага ўртача 20 минг киши бирлашди.

Аммо биров вақтдан кейин саноатда ҳам, аграр соҳаларда ҳам меҳнат унумдорлиги пасайиб кетди. Митти “домна”ларда эритилган пўлат яроқсиз ҳолда эди. Бир қанча минтақаларда очарчилик бошланди.

1961 йил январида ХҚП МҚ пленуми юзага келган аҳволини “тартибга солиш” ҳақида қарор чиқарди. Коммуна ичида асосий ишлаб чиқариш ячейкаси бригада (10-30 хонадон) бўлиб қолди. Томорқа ва шахсий мол-мулк деҳқонларга қайтариб берилди. Меҳнатдан манфаатдорлик қондаси жорий этилди. 1965 йилга келиб очарчиликка асосан чек қўйилди. “Ката сакраш” даврида катагон қилинган 3,6 миллион партия ходими оқланди.

Аммо жамиятнинг қуйи қатламларида, зиёлилар ва ўрта тоифадаги пратия ходимлари орасида юқоридаги каби “тажрибалар”нинг асосий айбдорлари халқ олдида жавоб бериши кераклиги ҳақида танқидий гап-сўзлар кўпайди, норозилик кучайди.

1960-йилларда Мао Цзэдун шахсига сиғиниш кучайди. Шундай шароитда мао Цзэдун янги бир оммавий компания-“маданий инқилоб” бошлади ва у ўн йилча (1966-76) давом этди. Мактаб ўқувчилари ва талаба ёшлардан Маога содиқ хунвейбинлар-“қизил кўрикчилар”нинг отрядлари тузилди. Ёш ишчи ва деҳқонлардан иборат цзаофанлар- “исёнкорлар” отрядлари ҳам ташкил эта бошланди. Мактаблар, олий ўқув юртлари, маданият муассасалари ёпилди. Профессор ва ўқитувчилар, умуман зиёлилар ноҳақ жазолана бошлади. Август ойида Мао “штаблар”га, яъни партия комитетларига зарба беришга даъват қилди. Мазкур комитетлар, бошқа ҳокимият органлари ҳам хунвейбинлар ва цзаофанлар томонидан тор-мор этилди. Янги бошқарув органлари асосан армия, хунвейбинлар ва цзаофанларнинг вакилларидан

иборат қилиб қайта тузилди. Мамалакатда ҳарбий назорат ўрнатилди. Юз миллиондан ортиқ киши қатағон ва таъқибга учради, юз минглаб кишилар қурбон бўлди.

1976 йил январида Чжоу Энлай вафот этди. Унинг ўрнига жамоат хавфсизлиги вазири Хуа Гофен Давлат кенгаши бош вазири бўлди. Шу йил 9 сентябрида эса Мао Цзэдун оламдан ўтди. Хуа Гофен ХҚП раиси этиб сайланди. Ашаддий маочи гуруҳлар ҳокимиятидан четлатилди. Анна шундай мураккаб шароитда Дэн Сяопин бошлиқ “прагматиклар” гуруҳи мустақамлана бошлади. Дэн-Маонинг эски сафдоши бўлиб, “маданий инқилоб”га алоқаси йўқ эди. У Хитойнинг оғир аҳволга тушиб қолганини жуда яхши англади. Дэн Сяопин 1977 йилдан бошлаб ХХОА Бош штаби бошлиғи, кейин эса ХҚП МҚ ҳарбий кенгаши раиси каби муҳим лавозимларни эгаллаб, Айни вақтда олий партия раҳбарлигининг аъзоси эди. Тарафдорлари Ян Шанкунь, Ху Яобан, Чжоу Цзиян, Цзян Цземин ва бошқалар мамлакатдаги асосий лавозимларига эриган бўлсаларда, Дэннинг ўзи “сояда”туриб, ислохотлар ташаббусқори бўлди ва уларни моҳирона бошқариб турди.

Хитойда ислохотлар даври ХҚП МҚ 11- чақириқ 3 пленуми ўтказилган 1978 йил декабр ойидан бошланди, деб ҳисоблаш қабул қилинган. Пленумда Дэн Сяопин ҳисобот маърузаси билан чиқди. “Маданий инқилоб” қораланиб, унинг давомида қатағон қилинган раҳбар ходимларни оқлаш ҳақида қарор чиқарилди. Кейинроқ Мао фаолияти қисман нотўғри бўлганлиги тан олинди. Энг муҳими –“синфий кураш- асосий бўғин” шиоридан воз кечилгани эълон этилди. ХҚП сиёсатида оғирлик маркази сиёсий компаниялардан мамлакатни “социалистик замнавийлаштириш” ишига кўчирилди. Унга 1964 йилдаёқ Чжоу Энлай олдинга сурган ғоя-мамлакатнинг тўрт соҳасини: саноат, қишлоқ хўжалиги, илмий-техника ва муҳофаа соҳаларини “замонавийлаштириш” ғояси асос қилиб олинди. Мамлакатни ривожлантиришда жадал иқтисодий тараққиётни таъминлашга асосий эътибор берилди.

Давлат корхоналари муайян иқтисодий мустақилликка, жумладан ташқи бозорларга чиқиш ҳуқуқига эга бўлди. Хорижий сармоя, илғор хорижий техника, технология ва бошқарув тажрибасидан фойдаланиш ҳарурлиги тан олинди. 80-йилларда хусусий тадбиркорлик ташаббуси ҳам рағбатлантирила бошланди. 70-йиллар охиридаёқ юқоридан кўрсатмаларни кутиб ўтирмасдан қишлоқда хўжалик юритишнинг янги шакллари юзага кела бошлаганди, улар кейинчалик мамлакат раҳбарлиги томонидан ҳам маъқулланган эди. Мазкур шаклларининг моҳияти ишлаб чиқариш фаолиятида оилавий пудратга ўтишдан иборат эди. Бунда ерга жамоа мулкчилиги сақланган ҳолда ер хўжалиқда фойдаланиш учун айрим деҳқон хонадонлари ўртасида бўлинади. Бригада бошлиғи билан деҳқон ўртасида тузилган шартномага биноан деҳқон ҳар йили давлатга ҳосили ҳисобидан солиқ тўлаб, бригадага бир оз миқдорда пул ўтказди. Шундан кейин барча маҳсулот деҳқон ихтиёрида қолиб, уни ўзи бозорда сотиши ҳам мумкин. Шу тариқа ишлаб чиқаришни

ривожлантириш учун кучли рағбат пайдо бўлди. Айни вақтда Хитой учун анъанавий оилавий ва жамоатчилик қадриятлари жуда тез тиклана бошлади.

Қишлоқдан кейин шаҳар ҳам ҳаракатга келди. Корхоналарда замонавий техника ва технология, янги иш услублари, ташкилий омиллар қўлланила бошланди. “Илгариги камчиликлар” партия амалиёти ва мамлакат сиёсий ҳаётига демократик шаклларни татбиқ қилиш орқали “тузатилди.” Қонунлар сони кўпайди. Қарорларни қабул қилишда жамоатчилик фикри кўпроқ ҳисобга олинadиган бўлди. “Хитойнинг ўзига хослиги сақланган социализм қуриш” – ХҚП асосий вазифаси деб эълон қилинди. Шу сабабли хусусий тадбиркорликка йўл олқишлаётган бўлса-да, асосий ишлаб чиқариш воситалари давлат қўлида қолди ва иқтисодиёт(1996 йилдан бери) беш йиллик режалар асосида бошқарилди. Айни вақтда Хитойнинг шарқий ва жанубий денгиз бўйи шаҳарларини жадал иқтисодий ривожлантириш мақсадида 80-90-йилларда 5 та махсус иқтисодий зона, техник-иқтисодий тараққиёт бўйича 15 та минтақа, юксак технологияларни ривожлантириш бўйича 27 та зона, эрикн (божсиз) савдо бўйича 14 та зона ташкил этилди. Улар турли хил мақом ва ҳуқуқларга эга, аммо барчасида хорижий сармояни ишга солиш учун жуда қулай шарт-шароит яратилган. Натижада қирғоқ бўйидаги анна шу кенг “очиқ” майдонларга (уларда 220 миллион киши яшайди) асосан Шарқий ва жануби-шарқий Осийдан, шунингдек Япония ҳамда ғарб мамлакатларидан хорижий инвестициялар тўхтовсиз оқиб кела бошлади. Бу ерда 1979 йилдан 1995 йилга қадар хорижий сармоя қўйиш миқдори 181 миллиард доллардан ошди. Уларнинг учдан икки қисмидан то тўртдан уч қисмига қадар (турли маълумотларга кўра) хориждаги хитойлар ҳиссасига тўғри келади. Айни хорижий хитойларнинг сармоялари мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим омил бўлиб қолди. Давлатнинг муайян мақсадларга қаратилган сиёсати, иқтисодиётга катта миқдордаги хорижий инвестициялар қўйилиши, аҳоли кўпгина гуруҳларининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллиги саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши юксак суръатлар билан ривожланишини таъминлади. 1984 йилдаёқ мамлакатда дон етиштириш 407 миллион тоннага етди, бу эса 1975 йилги даражадан 50% кўп эди. “Халқнинг қорнини тўйғазиш”га эришилдигина эмас, балки Хитойни озиқ-овқат импорт қилувчи мамлакатдан уни экспорт қилувчи мамлакатга айлантиришга муваффақ бўлинди. 90-йиллар ўрталарида йилига 450 миллион тоннадан дон етиштирилди.

Саноат бундан ҳам тезроқ ривожлана борди. 1979-95 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши 9,8% ни, 1991-95-йилларда -12% ни ташкил этди. 1979-95-йилларда улгуржи товар савдоси йилига 17% дан орта борди. Худди шу давр мобайнида мамлакат ташқи савдо айланмаси 24 миллиард доллардан 280 миллиард долларга етди. Олтин валюта захиралари 1996 йилда 87 миллиард доллар эди. 1980 йилда ялпи ички маҳсулотни 2000 йилга қадар тўрт баравар кўпайтириш режалаштирилган эди, шу натижага 1995 йилда эришилди. Мазкур маҳсулот ҳажми бўйича эса Хитой амалда Япония билан тенглашди.

Хитойдаги муваффақиятли иқтисодий ислохотларнинг муҳим хусусияти шунда эдики, аҳоли турмуш даражаси юксалишига ҳам эришилди. 1979 йилдан 1995 йилга қадар аҳоли ўртача йиллик даромади ўсиши шаҳарда-65 %га, қишлоқда эса-82%га етди. Аҳоли жамғарма омонатлари миқдори эса 103 барабар кўпайди. Шу билан бирга Хитой жуда муҳим кўрсаткич-аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳақиқий ривожланаётган мамлакат ҳисобланиб, йилига ҳар бир кишига 500 долларлик шундай маҳсулот тўғри келади. Аммо уни ҳам ҳисобга олиш лозимки, 800 миллиондан ортиқкиши қишлоқда яшайди, улардан 70 миллиони ўта камбағаллар. Ислохотлар давомида иқтисодий ҳаётнинг қисман эркинлашиши, Ғарб билан савдо-саноат ва маданият соҳасида алоқаларнинг кенгайиши, “Маданий инқилоб”нинг қораланиши жамиятда янги вазият ва янги муҳитни юзага келтирди.

50-йилларда ХХР ташқи сиёсати бутунлай СССР билан иттифоқчилик муносабатлари билан Корея урушида қатнашиши, шундай кейин эса АҚШнинг Хитойни халқаро майдонда яқкалаб қўйиш борасидаги йўли, Хитойни совет сиёсатига чамбарчас “боғлаб” қўйган эди. Хитой Ўзаро иқтисодий ёрдам Кенгаши ва Варшава Шартномасига аъзо мамлакатлар билан қалин алоқа ўрнатиш билан бир вақтда яқинда озод бўлган мамлакатлар билан ҳам муносабат ўрнатди. 1955 йил Бандунг конференциясида қатнашди, миллий-озодлик ҳаракатларига ёрдам кўрсатди.

Хитой улуғ мамлакат сифатида узоқ вақт СССРга қарам мамлакат бўлиб тура олмас, бу эса Мао тузумининг моҳиятига ҳам зид эди. 1960 йилда ХПК билан КПСС назарий ва сиёсий масалалар бўйича мунозара бошлашди. Иқтисодий ва бошқа алоқалар амалда тўхтаб қолди. 1964 йилда эса ўртача масофага учадиган ўз ракеталарини синовдан ўтказди.

70-йиллар бошида АҚШ Хитойнинг Тайвань ўрнига БМТ га қабул қилинишига рози бўлди. 1972 йил февралда АҚШ президенти Р.Никсон Хитойга ташриф буюрди. Томонлар савдо-сотиқ, илмий ва маданий алоқаларни ривожлантириш ҳақида битим тузди. 1978йил декабрида АҚШ билан Хитой ўзаро бир-бирларини тан олиш ва элчихона алмашилишига келишиб олишди. АҚШ Тайвань билан дипломатик алоқаларни узди. Хитой эса АҚШ билан Тайвань орасидаги аввалги алоқаларнинг сақлаб қолинишига амалда розилик билдирди. 1997 йил 1 июлида Англия мустамлакаси- Гонконг ХХР юрисдикциясига ўтди.

90-йилларда Хитой Шарқий ва Жануби-Ғарбий осий мамлакатлари билан, СССР қулаганидан кейин Марказий Осиёда мустақилликка эришган республикалар билан, жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйди. 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов Хитойга ташриф қилди. Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлиги янада кенг йўлга қўйилди.

Хитой эришган муваффақиятлар уни ривожланаётган мамлакатлар ичида қудратли давлатга айлантирди. Айни пайтда унинг олдида ўта мураккаб муаммолар турибди. Энг асосийси – миллий муаммо: 93% ни ташкил этувчи хонқилардан ташқари 16 миллат вакиллари мавжудки, уларнинг ҳар бири 1

миллиондан зиёдроқ кишидан иборат. Энг кўпи- Синьцзян- уйғур мухтор вилоятида яшовчи 10 миллионга яқин туркий аҳолисидир. Улкан тоғ массивида-Тибетда яшовчи тибетлар ҳисобланади. 1959 йилда халқ кўзғолони бўлиб ўтди. 1965 йилда Тибет мухтор райони ташкил этилди.

Яна бир муаммо-Тайвань ороли. 39 минг кв.км. худудига эга бўлган бу катта оролда 20 млн. киши яшайди. 1949 йили Хитой инқилоби ғалаба қозонгандан кейин бу ерда “Хитой Республикаси”ни эълон қилган гоминьданлар қолдиқлари оролга қочиб келди. Шу пайтдан бошлаб АҚШ ва ғарб давлатлари “Икки Хитой” сиёсатини олиб бориб, Тайвань тузумига иқтисодий ва ҳарбий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Тайвань ХХР вилоятларидан бири сифатида эълон қилинган, бироқ оролнинг раҳбар доиралари уни Хитойнинг бир қисмига айбланишини истамайди.

2000 йил мартида Тайвань президентлигига бўлиб ўтган сайловлар Гоминьданнинг тўлиқ мағлубияти билан тугади, у охириги 50 йил ичида бу лавозимга монополиясини йўқотди. Хокимиятга келган янги президент Чэнь Шуй Бянь 1986 йилда ташкил қилган демократик тараққийпарвар партияси йўлбошчиси эди. У оролнинг тўлиқ суверенитетга эришажагини билдирган Тайвань ҳозирда Осиёнинг энг ривожланган давлатларидан бирига айланган.

Хитой жаҳон бозорида рақобатбардош юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқарди. Мамалакатда ўз атом қуроли, қитъалараро ракетаалар, электрон асбоб-ускуналар яратилди.

Хитой Халқ республикасининг 1993 йилдан бери раиси Цзян Цзэмин, у Хитой тараққиётига жуда катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Таянч сўзлар

Гоминьдан партияси, Марксизмни Хитойга киритилиши, “Уч қизил байроқ”, “Халқ коммунарлари”, “Катта сакраш”, “Маданий инқилоб”, “Маоизм”, Нвейбин Заофан, Тайвань муаммоси

Мустақил иш мавзулари:

1. Иккинчи жаҳон уруши Хитой иқтисодий сиёсий аҳволи.
2. Мао Цзэдуннинг Марксизмни “Хитойлаштириш”сиёсати.
3. Хитойда “Катта сакраш”сиёсати.
4. Хитойда “Маданий инқилоб” ва унинг оқибатлари.
5. Хитой ХХ аср охирида иқтисодий жиҳатдан дунёда яна қудратли давлатлар қаторида.

Мавзу: Япония урушдан сўнг тикланиши

Режа:

1. Иккинчи жаҳон уруши йилларидан кейин Япониядаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият
2. 1950-70 йилларда Япония “Миллат корпорацияси” нинг шаклланиши.
3. 90-йиллардаги иқтисодий ва сиёсий танглик.

Фойдаланилган адабиётлар:

7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон” 1997й.
8. Хидоятов Г.А. Жаҳон тарихи. Т. “Шарқ” 2003й.
9. Волк С.С. “Энг янги тарих” Т. “Ўқитувчи” 1995й.
10. Тюриков В. Шоғуломов Р. “Истиқлол йилномаси” Т. “Ўзбекистон” 2001й.
11. Жаҳон мамалакатлари. Справочник Т. “Ўзбекистон” 1985й.
12. Хидоятов Г.А., Гулямов Х.Г. «Всемирная история новейший период» Т. “Университет” 1992й.

Шарқий Осиёда тўрт йирик орол-Хоккайдо, Хонсю, Сикоку ва уларга туташган кўпгина майда оролларда жойлашган давлат. Худуди -372,2 минг кв.км. Аҳолиси 114,2 млн. киши. 99% дан кўпроғи японлар. Пойтахти Токио. Расмий тили-япон тили. Асосий динлари –синтоизм ва буддизм.

1867 йилдаги “Мэйдэн” буржуа революцияси Японияда капитализмнинг ривожланиши учун йўл очиб берди.

1945 йилда, Совет Армияси ҳал қилувчи роль ўйнаган иккинчи жаҳон урушида милитаристик Япония тор-мор келтирилгандан кейин Японияда айрим демократик ўзгаришлар ўтказилди.

АҚШ қўшинлари Японияни оккупация қилдилар. Оккупация даври 1952 йилнинг бошига қадар давом этиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига, унинг ички ва ташқи сиёсатига катта таъсир кўрсатди.

1947 йилда қабул қилинган Конституция демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берди, хотин-қизлар тенг ҳуқуқлигини, умум сайлов ҳуқуқини жорий этди.

Япония конституцион монархияга айланди, парламент ҳуқуқлари кенгайтирилди. У икки палатадан-вакиллар палатасидан иборат бўлди. Илгари ҳокимиятнинг тўла ҳукмрон бўлган император, энди “давлат ва халқ бирлиги” рамзига айланди. Конституциянинг моддаларидан бири (9-модда) Япониядан қуролли кучлар бўлишини тақиқлайди, уруш олиб бориш ҳуқуқидан воз кечишини баён қилади. Аграр реформа ўтказиш натижасида помешчик ерларининг катта қисми ҳақи тўланиб, деҳқонларга берди, йирик монополиялар бўлиб юборилди. Шунга қарамай, мамлакатда ҳокимият йирик буржуазия ва олий мансаб амалдорининг вакиллари қўлида қолди. Улар ишлаб чиқариш ва капитални энг кучли саноат-молия гуруҳлари қўлига тўплаш йўлини тутдилар. Бундан гуруҳлари олтитаси-учтаси эски “дзайбацу” атрофида (Мицубиси, Мицуи, Сумитомо), қолган учтаси мустақил (Дайити-Кангин, Фуё, Санва) шакилланди. Кейинги ўн йилларда соҳалар бўйича концернларнинг (“Хитачи” ва “Тосиба” машинасозлик ва электротехника, “Ниссан” ва “Тоёта” автомобилсозлик ва бошқалар) мустақил фаолият кўрсатиши кучайди.

1951 йилда Сан-Франциско тинчлик шартномасини имзолаганидан кейин Японияни Америка томонидан (Дзайбацу-молиявий гуруҳ) оккупация қилиш расмий жиҳатдан тугалланди. 1952 йилги Америка-Япония шартномасига кўра барча ҳарбий базалар АҚШ қуролли кучларига қарайдиган ва уларни ушлаб турганлиги учун Японияга ҳар йили 150 миллион доллар тўлайдиган бўлди. Америка амалда Япониянинг барча ҳудудини назорат қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. 1953 йилда тузилган дўстлик, савдо ва денгиз кемалари қатнови тўғрисидаги Америка-Япония шартномаси ҳар икки мамлакат фуқаролари ҳамда компанияларига бир-бирларининг ҳудудларида тижорат фаолияти борасида тенг ҳуқуққа эга бўлиш имкониятини берди. Ўзаро ёрдам ва мудофаани таъминлаш тўғрисидаги 1954 йилги битим Япон саноати учун очилган Америка бозоридаги иқтисодий чора-тадбирларга сармоя киритиш кафолатини ўз ичига олган эди. Япониядаги сиёсий партиялар: Либерал-демократик партия (ЛОП)-монополистик капитал ва олий мансаб амалдорларининг манфаатларини ифода этади. Раиси Т.Фукуда.

Япония социалистик партия (ЯСП) —оппозицияси партиялардан энг таъсирлиги 1945 йилда тузилган. Ишчилар синфига, зиёлиларга ва шаҳар ўрта табақаларига таянади. Раиси С.Тагая. Япония Компартияси -(ЯКП)-1922 йилда тузилган. ЯКП демократик коалацион ҳукумат тузиш

мақсадларида келгусида прогрессив кучларнинг ягона фронтини ташкил қилиш йўлини ўтказди. Раиси С.Носака.

Ишчилар синфи курашида касаба союзлар актив рол ўйнайди. Касаба союзлар бош кенгаши (СОХИО)- Япониядаги энг йирик прогрессив касаба маркази (салкам 4,6 млн) ЯСП қўллаб қувватлайди.

Ҳокимият тепасида узлуксиз равишда Либерал-демократик партия турибди. ЛДП молиявий доираларнинг қудратли қўллаб-қувватлашига таяниб, энг аввало йирик буржуазия манфаатларини ҳимоя қилмоқда, аммо ўзини “умумхалқ” партияси деб атайди. Бир партияли ҳукумат сиёсати ЛДП раҳбарияти ва монополистик капитал ташкилотлари томонидан координация қилинади.

50-йилларнинг иккинчи ярмидан иқтисодиёт интенсиз ривожланиш сари юз тутди, натижада Япония юксак ривожланган мамлакатга айланиб, дунё хўжалиги марказларидан бирига айланди. Саноат илмий-техника инқилоби янгиликлари билан қуролланар ва ундан оқилона фойдаланар эди.

Иқтисодиёт жаҳон бозоридаги ўзгарувчан шароитга ўзини тез мослар, бунда турли-туман тузилмаларни тез қайта кура оларди. Янги соҳалар тезкор

Мавзу: Ҳиндистон демократик давлат йулида.

Режа:

1. Иккинчи жаҳон урушдан кейин Ҳиндистоннинг мустамлакачиликка қарши кураши.
2. Ҳиндистоннинг 1966-1985 йиллардаги ички ва ташқи сиёсати.
3. Ҳиндистонда туб ўзгаришлар ўтказилиши.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бугасида:хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт қафолатлари. Т. «Ўзбекистон » 1997 й
2. Хидоятлов Г.А. Жаҳон тарихи. Т. « Шарқ »2003 й.
3. Волк С.С. Энг янги тарихи Т. « Укитувчи » 1995 й.
4. Тюриков В, Шогуломов Г, « Истиклол йилномаси » Т. « Ўзбекистон » 2001 й.
5. Жаҳон мамлакатлари. Спровочник Т. « Ўзбекистон »1985 й.
6. Хидоятлов Т.А, Гулямов Х.Т. Всемирная история новейший период Т. « Университет »1999 г.

Ҳиндистон Осиёнинг жанубидаги давлат ҳудуди 3,28 млн кв км. Аҳолиси-800 млн.дан зиёд киши, бир неча юз миллат, элат ва қабила гуруҳлари яшайди; улардан энг йириклари ҳиндлар, телегулар, марактлар, бенгаллар, тамиллар, гужаратлар ва бошқалар. Давлат тили-ҳинд тили ва (

вақтинчалик) англиз тили. Аҳолининг 83 % -индуизмга, 11%-ислом динига, 2,6%- христианликка, 1,9%-сикхизмга, 0,7% -буддизмга эътиқод килади.

Қарийб 200 йил давомида Ҳиндистон англиз мустамлакачилари ҳукмронлиги остида бўлиб келди, ҳинд халқи ўз озодлиги учун қаттиқ кураш олиб борди.

Иккинчи жаҳон урушининг охирида Ҳиндистон халқларининг мустақиллик учун кураши кучайди. 1945 йилда мустамлакачилик ҳукмронлигига қарши ҳаракат аҳолининг кенг қатламларини қамраб олди. 1946 йил 19 февральда Бомбейдаги «Талвар» крейсерида бошланди. Денгизчилар ҳарбий-денгиз базасини эгаллаб олди, ҳинд солдатлари уларга қарши ўт очишдан бош тортди, кўзғолончиларни ҳарбий учувчилар қўллаб-қувватлашдилар. Курашга Калькутта ва Мадрас бандаргоҳларида турган ҳарбий кемаларнинг денгизчилари қўшилишди. Уларнинг чакириғи билан шаҳарларнинг фуқаро аҳолиси иш ташлади.

Кўзғолон аёвсиз бостирилди. Биргина Бомбейда ушбу кунлари 300 киши ўлдирилди, 15 минг нафари яраланди, юзлаб кўзғолон иштирокчилари қамоққа олинди. Бироқ, Британия ҳукмронлиги танглиги кўриниб қолди. Армия ҳукуматга бўйсуншдан бош тортиб, халқни қўллаб-қувватлади. Бундан ташқари кўзғолон диний оқимлар, миллатлар ва турли сиёсий қарашга эга кишиларнинг мустамлакачиликка қарши курашдан мақсади яқдил бўлишини кўрсатди.

1947 йил 20 февралда Англия бош вазири Эттли Ҳиндистон тўғрисидаги янги декларация билан чиқди. 1947 йил июнда Ҳиндистон вице-кироли Лард Маунтбеттен «Ҳиндистон ҳокимиятини топшириш тўғрисида» ги актни эълон қилди. Унга кўра мамлакат ҳиндлар давлати – Ҳиндистон ва мустақил давлати – Покистонга бўлинди. Мамлакатнинг иккига бўлиниш жараёнида сиёсий низолар ва ҳинд-мусулмонлар қирғини (Бенгалия – Панжобда) бўлиб ўтди. Натижада Панжоб ва Бенгалия иқтисодига улкан иқтисодий зарар етказилди. Миллионлаб одамлар бошпанасиз қолди. Қочоқлар сони 8 миллион кишидан ошиб кетди. Кашмир вилоятининг Ҳиндистонга қўшилиши мунособати билан келиб чиққан ҳарбий ҳаракатлар ҳар иккала томонга жуда катта зарар етказди. Ҳиндистон ва Покистон 1949 йилнинг 1 январидагина ўт очишни тўхтатиш ҳақида битим имзолашди. 1950 йилнинг 26 январида Ҳиндистон ўзини республика деб эълон қилди. Ҳиндистонда янги конституция қабул қилинди. Унга кўра мамлакат суверен демократия республика деб қилинди. Конституция умумий сайлов ҳуқуқий ва демократия эркинликларини берди. Табақага кўра ажратиш бекор қилинди, қулчилик ва бошқа мажбурий меҳнат турлари бекор қилинди.

Мамлакат мустақилликка эришгандан буён Ҳиндистон миллий конгресси (ХМК) мамлакатнинг ҳукмрон партияси бўлиб қолди. Ҳиндистоннинг биринчи Бош министри этиб, таниқли сиёсий арбоб Жавахарлал Неру (1889-1964) тайинлади. Унинг раҳбарлиги остида мамлакат қолоқлигини бартараф этувчи йирик тадбирлар амалга оширилди.

Мустақиллик эълон қилингач, барча саноат тўлиқ ёки қисман хорижий капитал назорати остига ўтди. Ҳинд миллий буржуазиясининг заифлигини

ҳисобга олган ҳолда Жавоҳарлал Неру бошчилигидаги ҳукумат иқтисодда ҳудудий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаши лозим бўлган давлат секторини ташкил этишга киришди. Давлат секторига илгари инглизларга қарашли бўлган авиация, кemasозлик компаниялари, темир йўлда шунингдек давлат назорати остидаги корхоналари ҳам ўтди. Чет эл капитали оғир саноат тармоғига жалб этилди. Бундай йўналишдаги индустриялаштириш саноат ишлаб чиқариш ўсишига ёрдам берди. Унинг ҳажми мустақиллик йилларида уч барабар ошди. Айниқса, оғир индустрия ва энергетика соҳаси тез суръатларда ўса бошлади. Ялпи миллий маҳсулотдаги давлат сектори 20%ни ташкил этди. Ҳиндистон 1990 йилда 170 миллиард квт/ соет электроэнергия, 12 миллион тонна пўлат, 30 миллион тонна нефть ишлаб чиқарди. Алюминий ишлаб чиқариш тез ўса бошлади.

Автомобил ва автобус, радиоприемник, телевизор, фотоаппарат каби саноат моллари ишлаб чиқариш тезкор суръатларида ривожлана бошлади. Ҳиндистон трактор ишлаб чиқариш бўйича етакчи мамлакатлар сафидан ўрин олди.

Ҳиндистонда 125 энг йирик ҳинд ва чет эл группалари ҳамда, хусусий акционер компаниялар жамияти мавжуддир. Ҳиндистон ҳукумати уларнинг фаолиятини чеклаш юзасидан айрим чораларни кўрмоқда. Ҳиндистонда монополиялар олаётган фойда ва тобора ўлмоқда.

Қолоқ қишлоқ хўжалиги мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлай олмас эди. Ҳиндистон деҳқонлари коллешчиклар асоратида эдилар. Расман маълумотларга қараганда қишлоқ аҳолисининг 22%нинг мутлақо ери йўқ.

Мамлакатда аграр ислоҳат ўтказилмади. 50% дан кўпроғида эса атиги 2 гектаргача ер мавжуд. Бу ҳол халқнинг кўпчилиги қашшоқлигидан ҳам қуйи чегарада яшашини англатади. Ҳозирги Ҳиндистонда ишсизлар сони 30 миллион кишини ташкил этади. Аҳолининг 50%и саводсиз.

Дон етиштиришни қулайлаштиришда ишлаб чиқаришни жадаллаштириш билан боғлиқ ҳолда агротехника тадбирлари мажмуини ўзида мужассам этган- «яшил инқилоби» жуда муҳим роль ўйнайди, қишлоқ хўжалигида экинларнинг юқори навлари қўлланилиб, минерал ўғит, замонавий техника ва бошқалардан кенг қўламда фойдалана бошланди. Аммо «яшил инқилоб» чекланган характерда эди.

Мустақил давлат барпо этиш йўлида ҳинд халқи кўплаб тўсиқларга дуч келмоқда. 1миллиардга (1995йил маълумоти) яқинлашиб қолган Ҳиндистон аҳолиси 14 тил ва юзлаб лаҳжаларда гапирувчи, ҳар хил динларга сиғинувчи, турли туман ирқ миллатларига оид одамлардан иборат. Ҳиндистоннинг 25та штати иқтисодиётининг ривожланишидаги ҳар хилликлар ўзининг салбий таъсирларини ўтказиб келмоқда.

1964 йилда Ж.Неру вафотидан кейин, 1964 йил 2 июнда унинг издоши Л.Б.Шастри Ҳиндистон бош вазири лавозимини эгаллайди. Аммо, у 1966 йил 11 январда Покистон Президенти Айюб Хон билан Хиорланд-Покистон урушларини тўхтатиш ҳақидаги битимга келишгач Тошкентда тўсатдан вафот этди. ХМК раҳбариятининг қарорига асосан Бош вазир лавозимига унинг қизи Индира Ганди номзоди қўйилди.

Бу даврда Ҳиндистон модернизациялаш ва замонавий цивилизацияга мослаштириш тарафдори бўлган ХМК сиёсий арбоблари билан Морарми Дасай етакчилигидаги ХМКнинг бошқа гуруҳи ўртасида ўзаро кураш бўлди. Ҳиндистоннинг тараққиёт йўлига чиқиш даври кўпроқ айнан И.Ганди (1966-1977 йилларда Бош вазир) номи билан боғлиқ эди.

1971 йил март ойида бўлиб ўтган умумхалқ сайловлари И.Ганди- бош вазирга ғалаба келтирди. И.Ганди ҳукумат тепасида бўлган йилларида ислохотлар сиёсати секинлик билан бўлсада, изчил давом этилди. Князларнинг (ромаларининг) пенсия ва имтиёзлари бекор қилинди, мис конлари, кўмир ва тўқимачилик саноатининг кўпгина корхоналари национализация қилинди ва давлат назоратига олинди. Ер ислохотларини ўтказиш энг муҳим вазифа бўлиб қолди.

1976 йилдаги умумхалқ сайловларида И.Ганди мағлубиятга учради. Иккига яқин (1977 йил сўнгидан 1980 йилгача) Жанати партияси (халқ партияси) етакчиси Морарми Дессая, оппозициячи партиялари блоки ҳокимият тепасига турди, у иқтисодий қийинчиликларни бартараф этолмай, 1980 йилда ўтказилган навбатдаги парламент сайловларида мағлубиятга учради.

Ҳокимиятга 1980 йил январида И.Ганди келди. Ҳукумат ислохотларни амалга оширишни давом эттирди. Аммо ички сиёсий вазият мураккаблигича қолаверди. Турли – туман диний – жамоачилик, сепаратчилик гуруҳлари, ўз фаолиятларини авж олдириб, мамлакат бир бутунлиги ва худудий яхлитлигига путур етказишга уриндилар.

1983 йил Ассомда этник ва диний негизга асосланган оммавий ғалаёнлар бўлиб ўтди. Панжобда сикхлар терроризми ҳукм суриб, этник ва диний тўқнашувлар давом этди.

Панжобнинг мамлакатдан ажралиб чиқиши Ҳиндистоннинг марказий қисмида катта озиқ – овқат муаммосини келтириб чиқарди. Бундан ташқари Нангаладаги йирик электростанция мамлакат шимолий қисмидаги электр энергиясининг ярмини берар эди.

Фуқаролар урушининг олдини олиш учун 1984 йил 5 июнда И.Ганди Сикхларнинг Амритсардаги ўчоғи – Олтин ибодатхонани босиб олишга буйруқ берди. Сикхлар бунга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Олтин ибодатхона учун жангда 300 киши ҳалок бўлди. Федерал қўшинлари айнаи вақтнинг ўзида яна 37 та бошқа ибодатхоналарни эгаллади. Шундан сўнг Сикхларнинг сепаратистик ҳаракати бутун мамлакатни эгаллаб олди. 1984 йил 31 октябрда Сикхларга мансуб тан соқчи И.Гандига уч марта ўқ узиб ўлдирди. Суиқасд ташкилотчилари мамлакатдаги вазиятни беқарорлаштириш, Ҳиндистонни парчалашни ният қилишган эди. Аммо янги Бош вазир Ражив Ганди - И.Гандининг ўғли, ички ва ташқи сиёсатда Ж.Неру ва И.Ганди бошлаган йўлга содиқлигини кўрсатди. 1984 йилнинг декабрида ўтказилган парламент сайловларида ХМК тўла ғалаба қозонди.

Ражив Ганди Сикхлар терроризмининг йўқ қилишга киришди ва 1987 йил май ойида Панжобнинг марказий ҳукуматга бўйсунитиш тўғрисида қарор

кабул қилди. 1988 йил май ойида яна Олтин ибодатхонага хужум бошланди ва минглаб одамлар ҳалок бўлди.

Ҳинд парламенти Р.Гандининг истеъфога чиқишини талаб қилишга мажбур бўлди. 1989 йил бошида парламент уни сиёсатни тушунмасликда ва коррупцияда айблаб, ишончсизлик билдирди. Бироқ ХМК уни партия етакчилиги лавозимида сақлаб қолди. 1991 йил май ойидаги сайловда номзодини қайта қўйишди. Аммо айтилган сайлов қизгин палласида 21 май куни аёл террорист томонидан ўлдирилди.

Сайловда яна ХМК ғалаба қозонди ва бу сафар Нарасимха Рао бошчилигидаги ҳукуматни тузишди. Унга оғир мерос қолган эди. Мамлакатни диний – этник низолар емирди. Ғалаёнлар Уттар – Прадеш, Ассом, Бихар, Эалгму ва Кашмирда бўлиб ўтди. 1993 йил май ойида рўй берган зўравонлик бутун Бомбей ва Калькуттани ларзага солди. Бомба портлаш оқибатида 300 киши ҳалок бўлди ва 120 киши яраланди. Ассомда 1993 йил ва 1994 йиллардаги этник ғалаёнларда минглаб кишилар ўлиб кетди.

Нарасимха Рао ҳинд иқтисодида туб ўзгаришлар ўтказишга ҳаракат қилди. У денационазия жараёнини бошлади. Кўпгина зарар келтирадиган фабрика ва заводлар ёпилди.

Н.Рао инфляцияни тўхтатиш, саноатга сармоя қўишни кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кучайтиришга эришди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. 1994 – 1995 йилларда бу соҳалардаги ўсиш 10 % ни, ялпи миллий маҳсулотнинг йиллик ўсиши 5 % ни ташкил этди. Бу эса Осиё мамлакатлар ичидаги энг юқори кўрсаткич эди.

1996 йил бошида ХМК юқори раҳбариятидаги коррупция ва айтиш ҳолатлари очиб ташланди. 30 та йирик сиёсатчи порахўрликда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилди, ҳатто бош вазир ҳам терговга тортилди.

Ҳиндистонда ҳинд бирлигига раҳна солувчи катта куч – жанговор индуизм миллатчилиги пайдо бўлди. Унинг амалдаги тимсоли Ҳиндистондаги машҳур сиёсий шахслардан бири Амал Бехари Вайлан етакчилигидаги Бхарти Жаната партияси (БЖП). Янги партия мамлакатда тўлиқ индуизм ҳукмронлигини ўрнатиш ва мусулмонларни сиёсат ҳамда иқтисоддан сиқиб чиқаришга ҳақирди.

1998 йил февралдаги парламент сайловларида Бхарати Жанати партияси ва унинг етакчиси Атал Бехари Вайлан 19 март куни бош вазир этиб сайланди. Октябр ойидаги сиёсий альянс ғалаба қозонди ва БЖПнинг етакчи партия сифатидаги аҳамиятини мустаҳкамлади. Ҳукумат тепасига миллатчилар кучларининг келиши Покистон билан алоқаларни қайтадан зиддиятга олиб келди. 1999 йил май – июнда Покистон билан чегарадош Кашмирда икки мамлакат қўшинлари ўртасида энг оғир тўқнашув юз берди. Шу йилнинг апрел ойида Ҳиндистон Ражастонда бир неча бор ядро қуроли синовини ўтказди. Покистон ҳам ўз ядро қурулларини бир неча марта синовдан ўтказди, икки давлат ўртасидаги жанжал янги босқичга кўтарилди.

1997 йил июлда Ҳиндистонда муҳим воқеа юз берди. К.Р.Нараянан мамлакат президенти этиб сайланди. У Ҳиндистондаги энг қуйи шудра

мазхаби вакили бўлиб шу пайтгача бирорта юқори давлат лавозимида ишламаган, бу ҳол мамлакатда мазхаблар ўртасидаги муносабатларнинг ижобий йўлга қўйилишига умид билдирар эди. 2002 йилда мамлакат президенти этиб Д.А.Калам сайланди.

Ҳиндистон давлати Ҳинд океани ҳудудларида тинчликни сақлашда фаол иштирок этиб келмоқда ва унинг обрўи ортиб бормоқда. Ҳиндистон дунё давлатлари билан ҳамкорлик, дўстлик сиёсатини мустаҳкамламоқда.

Таянч сўзлар

Кашмир, Панжоб муаммолари, Доминион, ХМИ сиёсати, яшил инқилоби, Жанта партия сиёсати, Сикхлар, «эски душманлар», суверен демократик республика, Мамлакатда модернизация, индуизм, ядро қуроллар сиёсати, демократик йул.

Мустақил иш мавзулари:

- 1) Ҳиндистон мустақил давлат;
- 2) Ҳиндистоннинг 50 – 60 йиллардаги ривож;
- 3) Ҳиндистонда И.Ганди фаолияти;
- 4) Ҳиндистонда Сикхлар муаммоси;
- 5) Ҳиндистон демократик давлат йўлида ҳаракати.

Мавзу: Покистон ривожланиш зиддиятлари.

Режа:

1. Покистоннинг 1950-1980 йиллардаги ички ва ташқи сиёсати.
2. 1988 йилда парламент сайлови. Беназир Бхутто- бош вазир.
3. 1999 йилги ҳарбий тўнтариш. Парвоз Шариф бош вазир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон” 1997й.
2. Хидоятов Г.А. Жаҳон тарихи. Т. “Шарқ” 2003й.
3. Волк С.С. “Энг янги тарих” Т. “Ўқитувчи” 1995й.
4. Тюриков В. Шоғуломов Р. “Истиқлол йилномаси” Т. “Ўзбекистон” 2001й.
5. Жаҳон мамлакатлари. Справочник Т. “Ўзбекистон” 1985й.
6. Хидоятов Г.А., Гулямов Х.Г. «Всемирная история новейший период» Т. “Университет” 1992 й.

Жанубий Осиё субконтинентининг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган давлат. Территорияси-806.5. минг кв.км. Аҳолиси 80 млн. ошиқ. Давлат тили-урду (инглиз тили билан қаторда). Диний эътиқоди-ислом дини.

Покистон давлати Ҳиндистонинг икки мамлакатга бўлиниб кетиши оқибатида 1947 йил 15 августида ташкил топди. 1971 йил декабргача Покистон таркибига Шарқий Бенгалия ҳам кирар эди. Сўнг миллий-озодлик ҳаракати натижасида унинг таркибидан чиқди ва янги Бангладеш давлати пайдо бўлди.

Кашмир муаммоси 1947 йил Ҳиндистоннинг иккига бўлиниш оқибатида ҳар икки томон Кашмир масаласига нисбатан ўз норозилигини билдирди. Покистон бу ҳудудда мусулмон аҳолиси истиқомат қилишини сабаб қилиб кўрсатса, Ҳиндистон томони буни қадимдан индуизм маҳоражи бошқариши ва Кашмир мерос ҳуқуқига кўра, унинг мулки эканлигига даво қилди.

1917 йил июль охирида маҳоража Ҳиндистон таркибида қолишни эълон қилди. Бу эса Кашмирда оммавий тўқнашувларни келтириб чиқарди. Мазкур муаммони ҳал этиш БМТ хавфсизлиги Кенгашига ҳавола қилинди ва у 1949 йил 1 январдан ўт очишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Иккинчи бир қарорда эса ҳар икки томон қўшинларининг Кашмирдан олиб чиқилиши ва унинг келажагини белгилашни БМТ назорати остида референдум ўтказиш зарурлиги таъкидланди. Бироқ Ҳиндистон ушбу резолюцияни қабул қилишдан бош тортди. 1954 йил май ойида ҳиндлар ҳукумати Жамми ва Кашмирни штат сифатида “Ҳиндистонга қўшиб олиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

Ҳиндистон мустақил бўлгандан сўнг ҳозирги вақтгача Кашмир Ҳиндистон ва Покистон қарама-қаршилиги маркази бўлиб қолмоқда.

Покистон асосан қишлоқ хўжалигидан иборат қолоқ иқтисодиёт мерос бўлиб қолди. Покистон экспортининг 90% ни қишлоқ хўжалиги ва минерал хом ашё ташкил этар эди. Мамалакат саноати содда техника билан жиҳозланган, хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича унча катта бўлмаган корхоналардан иборат эди, холос. Саноат товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб асосан импорт ҳисобига қондирилган.

Покистон иқтисодида чет эл монополияси ҳукмронлик қилар ва чой плантациялари, туз ҳамда кўмир конлари, нефть конларининг кўпчилиги уларга қарашли эди. Англия фирмалари ва банклари мамлакатнинг савдо ҳамда молия тизимининг муҳим тармоқлари назорат қилиб турди. Мамлакатдаги сиёсий аҳвол беқарор эди.

1947 йилда ҳукуматда Мусулмон лигасининг келиши билан унинг раҳбарияти миллий иқтисод зарари ҳисобига ўз позицияларини мустаҳкамлаш ва шахсан бойиш учун фойдаланди.

Покистон иқтисодидаги асосий- аграр масала ҳал этилмади. 1950-1952 йилларда қонунчилик йирик помешчик ер эгалигини қисман чеклади, аммо бу деҳқонларга ҳеч нима бермади.

Саноат соҳасида ҳам сезиларли силжиш сезилмади. Бир қатор енгил саноат тармоқлари ташкил этилса ҳам бу миллий иқтисод умумий ривожланишига айтарли таъсир кўрсата олмади. Хорижий давлатлар миллий буржуазия ривожланишига тўсқинлик қилиб мамлакатдаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Чет эл сармояси фақат ҳарбий ҳаво ва ҳарбий денгиз базалари иншоотида, стратегик йўллар қурилиши ва қурол-аслаҳа сотиб олишга сарфланар эди.

Покистон раҳбарияти АҚШ билан ҳамкорлик қилишга яқинлашиб 1950-1952 йилларда қурол-яроғ сотиб олиш тўғрисида бир қатор битимлар тузди. 1954 йил сентябрда Покистон СЕАТО га кирди, 1955 йил июлда эса араб мамлакатларидаги миллий озодлик ҳаракатида қарши йўналтирилган Бағдод пактини имзолади. Покистон кучли армия ташкил қилишга жуда катта маблағ сарфлаган ҳолда соғлиқни сақлаш, маориф, ижтимоий таъминотга унча эътибор қаратмади. Ўз мағлубиятини сезган Покистон раҳбарияти туб ўзгаришлар яшаш ўрнига мамлакатда ҳарбий тўнтаришни амалга оширди ва генерал Аюб Хон диктатураси ўрнатилди. Мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилинди, конституция бекор қилинди, қонунчилик органлари ва ҳукумат тарқатилиб юборилди, сиёсий партиялар фаолияти таъкидланди. Намойиш митинглар иштирок этганлик учун ўлим жазоси белгиланди. Бироқ 1969 йил март ойида сиёсий тенглик кучайган бир шароитда президент Аюб Хон истеъфога чиқишга мажбур бўлди ва ҳокимиятни армия қўмондони генерал Яхъёхонга топширди. Аммо у ҳам фуқаролар уруши ҳолатига олиб келган низоларни бартараф қила олмади. Шарқий Покистонда миллий озодлик ҳаракати бошланди. 1971 йил декабрда Покистон ҳамда Ҳиндистон ўртасида қуролли тўқнашув келиб чиқди. Бу низо Покистонликлар армиясининг капитуляция билан 1973 йилда қабул қилинган конституцияга мувофиқ, Покистон-федерал республика қонун чиқарувчи олий орган-юқори (сенат) ва қуйи (миллий мажлис) палаталардан иборат парламент. Давлат бошлиғи-президент 1973 йил августдан Ф.И.Гоудри. Ҳақиқатда бутун ҳокимият бош министр қўлида тўпланган.

Ҳарбий мағлубият ҳарбий режимнинг йўқ бўлиши ҳукумат тепасига Зулфиқор Алижон Бхутто раҳбарлигидаги Покистон халқ партиясининг келишига сабаб бўлди.

Мамлакатда етакчи саноат тармоқлари, банк ва суғурта компаниялари национализация қилинди, аграр ислохот ўтказилди. 1976 йилда Покистон ва Ҳиндистон ўртасида дипломатик алоқалар тикланди. 1972 йилда Покистон СЕАТО таркибидан чиқди. 1974 йилда эса Бангладешни тан олди.

1974 йилда қабул қилинган янги конституцияга мувофиқ 1977 йилда қабул қилинган янги конституцияга мувофиқ 1977 йилда миллий мажлисга умумхалқ сайловлари бўлиб ўтди ва унда ПХП си ғалаба

қозонди. Бироқ мухолифат партиялар ушбу сайлов натижаларини тан олмади. Мамлакатда сиёсий кризис бошланди.

1977 йил 5 июлда навбатдаги ҳарбий тўнтариш юз берди ва ҳокимият Генерал Зиёдуллахон (1924-1988) қўлига ўтди. Янги маъмурият конституцияни бекор қилди, парламентни тарқатиб юборди ва ПХП тарафдорларини тақиб қила бошлади. 3. Бхутто қатл қилинди.

1979 йилда барча сиёсий партиялар фаолияти тақиқланди. Ҳарбий режим ички сиёсат асосига жамият ҳаётини ҳар томонлама исломлаштиришни киритди.

Қўшни Афғонистондаги совет қўшинларининг киритилиши билан боғлиқ воқеалар АҚШ режасига кўра Покистоннинг ҳарбий плацдарми сифатидаги аҳамиятини оширди. Покистонда қочоқлар учун лагер ташкил этилди ва у афғон жангарилари учун таянч базасига айлантирилди. Айнан шунинг учун АҚШ Покистонга 4 миллиард доллар атрофида моддий ёрдам ажратди. Бироқ бу ҳарбий режим кулашини вақтинча кечиктирди, холос. Қимматчилик ва ишсизлик, асосий инсон ҳуқуқлари ва эркинликнинг бўғилиши натижасида халқнинг ҳукуматга нисбатан норозилигини кучайтирди. Кўпчилик мухолифат партиялар демократияни тиклаш ва умумхалқ парламент сайловлари ўтказишни талаб қилиб чиқди. Мамлакатдаги демократлаштириш жараёни воқеани тезлаштириб юборди. 1988 йил 17 август куни Генерал Зиёдулҳақ авиация фалокатида ҳалок бўлди ва сенат раиси Ғулом Исҳоқ Хон Президентлик лавозимини эгаллади. 1988 йил 16 ноябрда умумхалқ парламент сайловлари бўлиб ўтди. Асосий кураш ПХП ва Покистон мусулмон лигаси ўртасида борди. Унда ПХП ғалаба қозонди ва 3.Бхуттонинг қизи-Беназир Бхутто ўз отаси партиясига етакчилик қилган ҳолда бош вазирликка сайланди.

Сиёсий тажрибанинг йўқлиги сабабли Б.Бхутто ҳукумати мамлакат сиёсатида бир қатор жиддий хатоликларга йўл қўйди, ички қарама-қаршиликлар кучайиб кетди. Бундан мухолифат кучлар фойдаланиб мамлакат президенти таъсир ўтказди ва Б.Бхуттони коррупцияда айблашди. Б.Бхутто ўз лавозимидан четлатилди. Аммо мамлакатда барқарорлик қарор топмади. Корочида оммавий тартибсизликлар кучайиб полиция уларга қарши қурол ишлатди. Исломободдан Пешовардгача оралиғидаги ҳарбий лагерларда жойлашган беш миллион афғон назорат остидан чиқиб Покистоннинг иқтисодига янада катта зарар келтирди. Мамлакат президенти Легори 1993 йил октябрда қайта сайлов ўтказишга мажбур бўлди ва яна Б.Бхутто ғалаба қозинди. Орадан тўрт йил ўтмай илгариги ҳолат такрорланди. Б.Бхутто коррупцияда айбланиб бош вазир лавозимидан четлатилди. У ҳибсга олиниб жамоатчилик тазйиқи сабабли бир йилдан сўнг озодликка чиқарилди. 1997 йил 3 февралда Покистонда янги умумхалқ сайлови ўтказилди. Унда Навоз Шариф Покистон мусулмон лигаси ғалаба қозонди ва у бош вазир лавозимига сайланди. Эндиликда Афғонистон билан боғлиқ калтабин сиёсат учун жавоб бериш пайти келди. Покистоннинг ташқи қарзи кўпайиб кетди. Ҳиндистон билан бўлган қуролланиш пойғаси харажатларни келтириб чиқарди. Мамлакат

сиёсий ҳаётида яна вакуум пайдо бўлди. Бирор бир партия халққа аниқ ўзгаришлар дастурини тақдим эта олмади. Б.Бхутто етакчилигида Покистон халқ партияси ва Намоз Шариф раҳбарлигидаги Покистон мусулмонлар лигасининг бир-бирларини коррупцияда ва маънавий айниганликда айблаши одатий ҳолга айланди. Улар фақатгина Кашмир масаласидагина бир фикрда эдилар. Ҳар икки партия антиҳинд тарғиботи ва уришни давом эттиришга чақиришда бир-биридан ўтиб тушар эди.

Ҳарбий ҳаражатлар Покистон учун катта кулфат келтирди. Мамалакат доимий будохитидаги тақчилик деярли 8 фоизни ташкил этди. 1999 йилда майда Покистон ядро синовини ўтказди. Бу ҳам мамлакат муҳофафза қобилиятини мустаҳкамламади, аммо ҳарбий позициясини кучайтирди. Улар мавжуд шароитдан фойдаланишга ва яна ҳукуматни ўз қўлига олишни қарор қилди.

1999 йил 3 сентябрда Покистон армияси генерал Парвиз Мушарраф ҳарбий тўнтаришни амалга оширди ва Навоз шариф ўрнига бош вазир этиб сайланди. Бироқ халқаро аҳволнинг ўзгариши ва мамлакатнинг тангликдаги иқтисоди Парвиз Мушаррафни Покистонда демократияни тиклаш тўғрисида гапиришга мажбур қилди. У шунингдек Кашмирда Ҳиндистонга қарши ҳарбий ҳаракатларни “деэскалация” қилиш ва бузилган иқтисодни тиклаш зарурлигини таъкидлади.

Таянч сўзлари

Кашмир муаммоси, миллий тўқнашув, референдум, монополия, аграр масала, СЕАТО блоки, капитуляция, мамалакатни демократиялаштириш, калтабин сиёсат, коррупция, антиҳинд тарғиботи, “деэскалация” қилиш

Мустақил иш мавзулари:

1. Покистон давлатининг ташкил топиши.
2. Покистонда 1950-1970 йиллардаги қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар.
3. Покистон халқ партиясининг ҳукумат тепасига келиши. Зулфикор Бхутто сиёсати.
4. 1988 йил 16 ноябр умумхалқ сайловлари, бош вазир Б.Бхутто сиёсати.
5. 1999 йил 3 октябр ҳарбий тўнтариш, мамлакатда демократияни тиклаш тўғрисидаги декларация.

Мавзу: Эрон Ислом Республикаси.

Режа:

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Эрондаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол.

2. Эрон Ислом Республикасининг ташкил топиши. Ислом маданий инқилоби.
3. Эрон эркинлаштириш йулида.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон 1997й.
2. Хидоятлов Г.А. Жаҳон тарихи. Т. «Шарқ» 2003й.
3. Халқ С.С. Энг янги тарих. Т. Ўқитувчи 1995й.
4. Тюриков В. Шоғулов Р. «Истиқлол йилномаси» Т. «Ўзбекистон» 2001й.
5. Жаҳон мамлакатлари. Справочник. Т. «Ўзбекистон» 1985й.
6. Лафасов М. Жўраев И. «Жаҳон тарихи» Тошкент-2005й.

ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ

Эрон Ислом Республикаси (Жумхурий Исломий Ирон)-Жанубий-Ғарбий Осиёдаги давлат. Майдони - 1648 минг/км. Аҳолиси 66,4 минг киши (2003-йилда). Пойтахти-Техрон шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 30 вилоятга бўлинади.

Эрон-Ислом Республикаси. Амалдаги конституция 1979-йилда 2-5-декабрдаги референдумда тасдиқланган, кейинчалик тузатишлар киритилган. Конституция бу йилча давлатнинг олий расмий шахси-Эрон Ислом Республикаси раҳбари 1989 йилдан Саид Али Хаманайи. Ундан кейинги олий расмий шахс-Президент 2005 йилдан бери Махмуд Ахмадий Наход.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Исломий кенгаш мажлиси (парламент), ижроий ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади.

Эронда 30дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Аҳолининг 75%га яқини Эрон тиллари гуруҳига кирувчи халқлар. Форс, чилон, мазандарон, курд, лор ихтиёрий, балуж, талиш, афғон, тожик ва бошқалар ташкил этади. Шунингдек, араб, арман, ассирий, грузин, лули ва бошқалар яшайди. Расмий тили- форс тилидир. Давлат дини- ислом динининг шиа мазхаби. Шаҳар аҳолиси-58,3%. Йирик шаҳарлари-Техрон, Исфохон, Машхад, Табриз.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари, яъни 1941 йил августда Эрон ҳудудидаги совет ва инглизлар қўшинлари киритилди. 1945-йил майда олиб чиқиб кетилди. 1945-йил 16-сентябрда Ризамох тахтдан воз кечди. Унинг ўрнига ўғли Муҳаммад Ризо Фахловий ўтирди ва унинг атрофидаги реакцион кучларни тўлиқ ҳукумронлиги қарор топишига олиб келди. Бироқ шох тузумига қарши кураш давом этди. Демократик кучлар уни иқтисодий соҳага татбиқ қилди. 1951-йилда бутун мамлакатда Англия Эрон нефт компанияси (А.Э.Н.К.) билан тузилган битимни тугатиш талаб

қилинган. Намойиш ва назарийлик чиқишлари авж олди. Нефт конларида иш ташлашлар кўпайди. Бутун мамлакатда иш ташлаган нефтчилар билан ҳамкорлик ҳаракати олиб борилди. Бош вазир Масоддиқ барча нефт конлари ва нефт ҳайдовчи заводларнинг национализацияси қилинишини эълон қилди. Англия БМТ Хавфсизлик Кенгашига арз қилди, у «Эрон нефти» ҳақидаги масалани инглизлар билан бирга АҚШ вакиллари ҳам иштирок этадиган халқаро компания қўлига бериш ҳақида қарор чиқардию, Масоддиқ бу қарорни рад этиб, Эрон нефти фақат Эронликларнинг миллий бойлиги эканлигини билдирди.

Англия Эронга иқтисодий блокада уюштирди. Унга жавобан Эрон ҳукумати Англия билан дипломатик муносабатларни узди.

Эронга умумхалқ ҳаракати кенг ёйилди, унга кенг халқ оммаси, миллий буржуазия, зиёлилар, мансабдорлар ва ҳатто, ҳукмрон юқори табақа вакиллари ягона фронт бўлиб қатнашди. Англия АҚШ ёрдамидан фойдаланган реакцион доиралар Масоддиқни инқилобга ҳамкорликда айблаб, ифвогарлик чиқишларини бошлади. 1953-йилнинг 19-августида Техронда давлат тўнтарилиши амалга оширилди. Масоддиқ ва унинг кабинети аъзолари қамоққа олиниб, судга берилди. Шох Бош вазир лавозимида ўтилишида гитлерчилар билан яқин алоқада бўлган, давлат тўнтарилишига раҳбарлик қилган генерал Зоҳидийни тайинлади. Барча сиёсий ташкилотлар ва тараққийпарвар газеталар тор-мор этилди, мамлакат бўйлаб оммавий қамоққа олишлар амалга оширилди. АЭНК мулкани бошқариш учун Халқаро нефт консарсимуми ташкил этилди, унда АҚШ ва Англия вакиллари бош роль ўйнайди. Консорсиум АЭНКнинг аввалги барча ҳуқуқларини 1994-йилгача бўлган муддатгача олди. Ўртадаги битим Эроннинг нефт бойликларини национализация қилишни ман этар ва уларни хорижий нефт монополияларига яна қайтариб берадиз.

Янги нефт консорсиуми Эрон нефт бойликларини национализация қилишни ман этар ва уларни хорижий нефт монополияларига яна қайтариб берадиз.

Янги нефт консорсиуми Эрон нефт бойликлари эксплуатациясини кучайтирди: агар 1950-йилда 32 миллион тонна нефт қазиб олинган бўлса, 1961 йилларда бу кўрсаткич 57 миллион тоннагача ошди. Ишлаб чиқариш ўсиб борди. Шох нефт концессияларини Италия, Канада, Америка нефт компанияларига бера бошлади. Нефт экспорти Эронга улкан даромад келтирди. 70-йиллар ўрталарида бу даромад 20 миллиард доллардан ошди. Шох шуни тушунардики, Эрон учун иқтисодиётни ривожлантириш, маданиятни кўтариш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашдан иборат бўлган туб модернизацияни амалга ошириш зарур. У 1963 йилда «Ок инқилоб» ғояси ёки унинг кейинчалик айтганидек, «Шох ва халқ инқилоби»ни ҳаётга татбиқ эта бошлади. У йирик миқёсли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-маъмурий ислохотларни амалга оширди. Эронда саноатнинг янги тармоқлари – металлургия, машинасозлик, нефт-кимё, газ ва алюминий соҳалари пайдо бўлди. Миллий кемасозлик ва авиация

саноатида тамал тоши қўйилди, атом энергетикасини яратишнинг дастлабки қадамлари ташланди. Эрон тезкор равишда аграр мамлакатдан индустриал аграр давлатга айлана бошлади. Айни пайтда мамлакат ғарб оламининг бир қисми сифатида намоён бўла борапти. Бироқ иқтисодий ўсиш халқнинг аҳволини яхшиламади, фақатгина тижоратчилар ва коррупция ботқоғига ботган амалдорларнигина бойитди, холос. Шох тузумининг аграр сиёсатида ҳам мақсадларга эришилмади. Ярим феодал муносабатларнинг тугатилиши, ҳиссадорлик қишлоқ хўжалик компанияларининг яратилиши, аграсаноат жамиятларининг тузилиши хўжаликларни йириклаштириб, деҳқонларни даромаддан маҳрум этди. Улар ўз ерларини янги қишлоқ қулоқларига сотиб, шаҳарларга қочиб кетдилар ва пралетариат, шаҳар камбағаллари, майда дўкончилар сафларини тўлдирди ҳамда бўлғуси Ислом инқилоби гуруҳларини шакллантирди. Шох ислохотлари, унинг ғарб давлатлари билан алоқаси, мамлакатга ғарб маданиятининг кириб келиши туфайли миллий кадриятларнинг бузилиши халқ томонидан норозиликка сабаб бўлди. Халқ норозиликлари билан курашиш учун шох махфий полицияни (САВАК) ташкил этди. Унинг деворлари ортида 380.000 эронликлар йўқ қилинди. Мамлакатда ҳақиқий инқилоб етилди. Унга раҳбарликни мутаасиб шиаларга суянган шиа мазхаби рухонияти ўз бўйнига олди.

1978 йилнинг сентябр бошларида Эроннинг қарийб барча шаҳарларида оммавий намойишлар бўлиб ўтди. Техрон ва бошқа 11та йирик шаҳарларда ҳарбий ҳолат жорий этилди. Ноябрь бошларида шохга қарши норозилик чиқишлари кучга кирди. 5 ноябрда бутун Техронни олов, ёнғин қоплаб олди.

Шу кунларда шохни фақат унча катта бўлмаган ҳарбий гуруҳ ва САВАКгина қўллаб-қувватлаб тургани маълум бўлди. Бутун Эронни намойишлар, иш ташлашлар қамраб олди. Президент Картер шохни АҚШга таътилга келишга таклиф этди. 1979 йил 16 январидида шох Эронни умрбод тарк этди. Эрондаги барча норозилик чиқишларига шиалар йўлбошчиси Оятулло Хумайний раҳбарлик қилди. У мамлакатни «чет эллик кофирлар»нинг бузғунчи таъсирига йўл очиб берган шох ислохотларига қарши ваъз қилди. 1964 йилда мамлакатдан қувиб чиқарилгандан сўнг унинг шахсий уйи ҳам йўқ эмас эди.

1979 йил 11 февралда Техронда умумий қуролли қўзғолон бошланди. У шох тунаб кетгандан сўнг, аммо устидан назоратини йўқотган диний доиралар буйруғи ва иштирокисиз бошланди. Қўзғолонни сўл кучлар йўлбошчилари-Туде партияси қолдиқлари ва Эронда республика тузумини қарор топтиришга интилган турли партиялар вакиллари кўтарди. 12 февралда қўзғолончилар томонига ҳарбий қисмлар ҳам ўтди. Инқилоб ғалаба қозонди. Бироқ қўзғолончилар кураш олиб бораётган вақтда ишга йўлбошчилари нафақат шохга, балки сўл кучларга ҳам қарши бўлган ҳукумат шакллантирди. 1979 йил 15 февралда Техронга Оятулло Хумойний етиб келди, у «ислом инқилоби» нинг йўлбошчиси деб эълон қилинди. У ўзини ислом подшоҳлигини ўрнатиш учун юборилган 12 имом

деб эълон қилди. Руҳоният ҳокимият органларини тўлиқ ўзига бўйсундирди. Мамлакатда сиёсий ҳаёт, ижтимоий ва оилавий муносабатлар, таълим ва бошқаришни исломлаштириш дастури амалга оширила бошлади.

1979 йил 1 апрелдан бошлаб мамлакат Эрон Ислом Республикаси расмий номини олди. Шу йили янги конституция қабул қилинди. 1980 йилда президентликка ва Ислом Кенгаши мажлисига илк сайловлар бўлиб ўтди. Конституцияга мувофиқ, мамлакатнинг олий сиёсий ва руҳоний раҳбари ҳокимиятнинг барча органлари фаолиятини назорат этувчи ва Эроннинг умрбод ҳамда якка-ю ягона ҳукмдори бўлган Оятулло Хумайни эди.

1980 йилнинг сентябрида Эрон ва Ироқ ўртасида уруш бошланди. У 8 йил давом этди ва Эронга қарийб 350 миллиард долларга тушди. 700.000 эронлик ҳалок бўлди. Миллий камсонли аҳоли билан муносабатлар кескинлашди: курдлар, туркманлар, белужлар ва бошқа халқлар ўзи учун миллий мухторият талаб этиб чиқди. Ички муҳолифатни бостириш учун, Хумайний «Ислом маданий инқилоби»ни бошлаш ҳақида декрет қабул қилди. Муассасаларда ислом бош кийимини кийиш, аёлларнинг чадра ўраши мажбурий қилиб қўйилди. Мамлакатдаги барча олий ўқув юртларининг исломлаштирилгани эълон қилинди. Бироқ тез орада шиа раҳбарияти орасида низолар бошланди, бу ҳол бутун руҳониятнинг парчаланиши ва Хумайнийга қарши чиқишига олиб келди. Мамлакатнинг биринчи президенти Банисард тезда Оятулло яқинларининг экстремизмга қарши чиқди ва гўёки «муҳолифатдаги президент» бўлиб қолди. Тез орада у мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди. Шиа раҳбарияти муҳолифатга қарши мисьянез қатағонларни амалга оширди. 1982 йилнинг ёзидан бошлаб осиб ўлдириш орқали қатл этишлар бошланди. Хатто, ҳомиладор аёллар ва кичик ёшдаги болалар ҳам ислом инқилоби курашчиларининг қурбонларига айланди. Шиа йўлбошчилари 1978-79 йиллар инқилобининг етакчиси бўлган ва Хумайнийнинг Эронга қайтишини таъминлаган Туде партиясини йўқ қилиб ташлади.

Халқаро муносабатлардаги чорасиз вазият ва мамлакат иқтисодиётидаги қийинчиликларни бошланиши, унинг йулбошчиларини ички ва ташқи сиёсатдан ўзгаришларга олиб боришга мажбур этди.

1987 йилнинг июнида Хумайний Ислом республикачилар партиясини (ИРП) тарқатиб юборди, бу партия руҳониятнинг таянчи эди. 1989 йили Хумайний вафотидан сўнг Эрон президенти этиб, Хошимий–Рафшанжоний сайланди. У либерал қарашларга эса киши сифатида иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш йўлини олиб борди. Эрон катта қийинчиликларга учради. Аҳолининг ўсиши, озиқ-овқат экинларини ишлаб чиқаришдан ошиб кетди. Мехнатга лаёқатли аҳолининг 15 % и ишсиз эди. 1986 йилдан кейинги нефт нархларининг пасайиши ҳам сезилди. Эрон учун сўнгги йиллардаги энг асосий масала беш йиллик режани (1995-2000) амалга ошириш бўйича лойиҳаларни ривожлантиришга кредитлар олиш бўлди. Ғарб инвесторлари ёрдамида

йирик нефт мажмуалари, металлургия комбинатлари кўрила бошлади, автомобил саноати модернизация қилинмоқда. Эрон ўз атом электростанциясини кўришга интилоқда. Бироқ халқаро нуқулай аҳвол бу режаларни амалга оширишга асосий тўсиқ бўлди. АҚШ маъмурияти Эронни терроризм марказларидан бири деб эълон қилди ва унга нисбатан қаттиқ қўллик йўлини танлади. АҚШ Эрон билан савдо сотиққа ембарго киритди, бошқа Ғарб мамлакатлари ҳам АҚШ босими остида Эронга илғор технологияларни келтиришни ман этувчи санкциялар киритилди.

Эркинлаштириш йўлида олиб борилган саъй-ҳаракатлар. 1997 йилнинг августида Эронда янги президентликка сайловлари бўлиб ўтди. 54 ёшли руҳоний йулбошчиси Мухаммад Хотамий ғалаба қозонди. Хотамий сайловчиларнинг кўпчилиқ овозини олди ва парламент томонидан маъқулланди. Ташқи сиёсатда Хотамий АҚШ ва Ғарбий Европа билан муносабатларда кескинликни пасайтиришга интилди. Эрон раҳбарияти Россия билан ҳамкорлик фаол олиб бормоқда, у кимё саноати, атом энергетикасини ривожлантиришга ёрдам бермоқда, кўшинни модернизация қилиш учун замонавий қурол яроғ етказиб бермоқда.

Сўнгги пайтда Эрон Ўрта Осиё республикалари- Туркменистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоқистон ва Қирғизистон билан иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга интилоқда.

Эроннинг хўжалиғи, саноати ва қишлоқ хўжалиғи тўғрисида. Эрон нефть саноати ривожланган аграр-индустриал мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда к.х. 21,3% , саноат 32,7%, (жумладан, нефть ва газ қазиб олиш 18,7%)ни ташкил этади.

Саноатида-нефть, газ, кўмир, хром, кўрғошин, рух, мис, марганец ва темир рудалар қазиб олиш катта аҳамиятга эга. Йилига ўртача 85млрд. кВт-соат электр энергияси ҳосил қилинади. Нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси корхоналари бор. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва металлсозлик, озиқ-овқат, тўқимачилиқ саноати ривожланган. Ҳунармандчилик (гилам тўқиш, металл буюмлар тайерлаш) билан ҳам шуғулланади.

Қишлоқ хўжалиғи- мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиғининг етакчи тармоғи-деҳқончилик, ўрик, шафтоли, анжир, писта, хурмо, беҳи, анор, цитрус мевалар, ёнғоқ каби мевалар боғдорчиликда етиштирилади. Асосий озиқ-овқат экини-бугдой; шунингдек, арпа, шоли, дуккаклик дон экинлари экилади. Токчилик, сабзавотчилик ва полизчилик билан мамлакатнинг ҳамма қисмида шуғулланилади. Пахта экилади, қанд лавлағи, шакар қамич, тамаки етиштирилади, чой ўстирилади.

Чорвачилиғида қўй, эчки, қорамол, эшак, туя, от хачир боқилади. Паррандачилик ривожланган. Пиллачилик билан шуғулланилади. Форс қўлтиғи ва касбий денгизда балиқ овланади.

Ўзбекистон-Эрон муносабатлари. Эрон-Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиғини тан олиб, икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгач, 1992 йил ноябрда Эроннинг Тошкентдаги элчихонаси 1995

йил майда Ўзбекистон Республикасининг Техрондаги элчихонаси ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Эронга илк ташрифи 1992 йил ноябрда бўлиб ўтди. 2000 йил 10-11 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Эронда бўлиб ўтган 6-саммитида иштирок этди. 2003 йил 17-18 июнда расмий ташриф билан Эронда бўлди. 2002 йил 28-26 апрелда Эрон Ислом Республикаси Президенти С.М.Хотамийнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи амалга оширилди. Ана шу ташрифлар натижасида икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий ҳуқуқий асослари яратилди, Икки мамлакат ўртасида транспорт-коммуникацияси, нефть-кимё, банк, божхона, фармоцевтика, уюшган жиноятчилик, терроризм ва гиёҳванд моддаларининг ноқонуний тарқатилишига қарши кураш соҳаларида кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Эрон муносабатларининг шартномавий ва ҳуқуқий асоси 50 дан ортиқ ҳужжат ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси ва Эрон ўртасида савдо-иқтисодий соҳадаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлаш ва йўналишларини белгилаб берувчи бир қатор давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда идоралараро ҳужжатлар имзоланган. Икки томонлама муносабатлар «Савдо-иқтисодий алоқалар тўғрисида», «Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш», «Икки томонлама солиққа тортишдан қочиш ва олинган фойда ва капиталга солинадиган солиқлар ҳақида маълумот билан алмашиш тўғрисида»ги шартнома ва қатор ҳукуматлараро меморандумлар билан тартибга солинади. 2004 йил якунига кўра, Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 370млн. АКШ долларини ташкил этди. Эрон Ислом Республикаси Ўзбекистоннинг 10та етакчи савдо ҳамкори каторидан жой олган. Эрон Ўзбекистондан пахта толаси, рангли металл ва ундан ясалган буюмлар, қора металл ва металл буюмлар, минерал ёқилғи, нефть ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар, механик станоклар, хизматлар, ўғит, кимёвий шпателъ толалари ва х.к. олади ва Ўзбекистонга боғдорчилик маҳсулотлари, ўсимлик ва ҳайвон ёғи, пойабзал, ип, кир ювиш воситалари, гилам ва гилам маҳсулотлари, пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, хизматлар, тўқимачилик ҳамда органик кимё маҳсулотлар, кофе, чой, ширинлик ва дори-дармон юборади. 1993 йилнинг 18 октябрда имзоланган ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ташкил этилган. Ўзбекистонда Эрон сармояси иштирокида 40таси кўшма корхона, 13таси эса 100% Эрон сармояси асосида иш олиб бормокда. Мазкур корхоналар асосан халқ истеъмоли моллари, қандолат, тикувчилик в х.к. маҳсулотлари, қурилиш материаллари ҳамда гиламлар ишлаб чиқилади, шунингдек юк ташишга ихтисослашган. Ўзбекистоннинг экспорт юklarини жаҳон бозорларига олиб чиқишда Эрон транспорти коммуникацияларидан ҳам кенг фойдаланилмокда. Ўзбекистон темир йўлчилари фаол иштирок этган.

Тажан-Сарахес-Бандар-Аббос темир йўли йўналишининг ишга тушириши Ўрта Осиёда жойлашган давлатларга Форс қўлтиғи орқали жаҳон бозорига чиқиш имкониятини беради. 1993 йил 17 мартда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Эроннинг фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан икки мамлакат ўртасида ҳаво қатновини йўлга қўйиш бўйича англашув меморандуми имзоланди. 1994 йил августдан бошлаб «Эрон-эйр» авиакомпаниясининг ҳаво кемалари ҳафтасига бир марта Техрон-Тошкент-Техрон йўналиши бўйича мунтазам ҳаво қатновини амалга оширмоқда.

2002 йил Самарқанд шаҳридаги Панжоб маданият маркази қошида Эрон билан ҳамкорликда Панжоб шифохонаси очилган. Шунингдек, Самарқандда Эроннинг «Доктор Обидий» фармацевтика ширкати билан қўшма корхона тузилган. Икки давлат ўртасидаги маданий-маърифий алоқалар 1999 йил 8 сентябрда таъсис этилган «Ўзбекистон-Эрон» дўстлик жамияти доирасида олиб борилмоқда.

Таянч сўзлар

«Эрон инқилоби», АЭНК компанияси, иқтисодий блокада, конституцион-монархик давлат, «оқ инқилоб», «шоҳ ва халқ инқилоби», махфий полиция-САВАК, «ислом инқилоби», «ислом маданий инқилоби», эркинлаштириш йўлида.

Мустақил иш мавзулари

1. Эронда иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўзгаришлар.
2. Шоҳ Пахлавийнинг ислохотлари.
3. Мамлакатда «Ислом маданий инқилоби»нинг ривожланиши.
4. Эроннинг 2000 йиллардаги ташқи сиёсати.

Туркия демократиянинг мураккаб йўлида.

Режа:

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Туркиядаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол.
2. 1980-2000 йилларда Туркиядаги ижтимоий- иқтисодий ўзгаришлар.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари Т. «Ўзбекистон» 1997 й.
2. Хидоятлов Г.А. Жаҳон тарихи. Т. Шарқ 2003 й.
3. Волков С.Е. “Энг янги тарихи” Т. «Ўқитувчи» 1995 й.
4. Тюриков В. Шоғуломов Р. Истиқлол йили. Т. «Ўзбекистон» 2000й.
5. Жаҳон мамлакатлари. Справочник. Т. «Ўзбекистон» 1985й.
6. «Ўзбекистон янги тарихи»- 3 китоб. Т. Шарқ 2000й

Икки қитъада: Осиё ва Европада жойлашган давлат. Мамлакат Осиё қисми билан Европа қисмини Мармар денгизи, Босфор ҳамда Дарданелл бўғозлари ажратиб туради. Территорияси 780,6 минг кв км, шундан 45,2 млн киши-асоси турклар, араблар, лазлар, грузинлар ва бошқалар. Давлат тили-турк тили. Ҳукмрон дин-ислом дини.

Туркия Республикаси-1923 йил 29 октябрда мустақил республика деб эълон қилинган. Туркияни бу даврда Туркиянинг машҳур давлат ва ҳарбий арбоби Мустафо Камол Отатурк бошқарган (1938 йилгача). Унинг ташаббуси билан Туркияда бир канча прогрессив реформалар ўтказилди.

Иккинчи жаҳон уруши камончилар сиёсатида кескин бурилиш ясади. 1945 йилда ҳукумати заминдорлар ва давлатдан ерларни тўлов ҳисобига олиб деҳқонларга бўлиб бериш тўғрисида қонун қабул қилинди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Туркия иқтисоди боши берк кўчага кириб қолди. Иқтисоднинг давлат бошқарув сиёсати ўз аҳамиятини йўқотди. Мамлакатда тартибсизлик бошланди: шаҳарларда иш ташлаш, намоёишлар бўлиб ўтди.

Туркия АҚШдан ҳарбий ердан олиб НАТОнинг ўнг қаноатига айланди. У 1952 йилдан НАТОнинг 1955 йилдан СЕНТОнинг аъзоси, 1959 йилда АҚШ билан ҳарбий ҳамкорлик тўғрисида битим тузди. Бу эса Америкаликларга Туркия территориясида ўз ҳарбий базаларига эга бўлиш ҳуқуқини берди.

1950 йилда кўппартияли умумхалқ сайлови бўлиб ўтди. Унда Мендерес Аднан бошчилигидаги Демократик партия ғолиб чикди. Унинг дастури мамлакатда эркин тадбиркорликка йўл бериш ва давлат секторини тўлиқ тугатишни мўлжаллаган эди. А.Мендерес бош вазир этиб сайланди.

Туркиядаги партиялар:

1.Халқ-республика партияси (ХРП)- 1923 йилда ташкил топган, савдо-саноат миллий буржуазияси, кенг доирадаги амалдорлар, зиёлиларни манфаатларини ифода этган. Бош раиси -Б.Пилвит.

2. Адолат партияси (АП)- 1961 йилда тузилган йирик саноат ва савдо буржуазияси, банк капитали, кулоқлар ва катта ер эгаларини манфатларини ифода этади. Бош раиси -Лидери Сулеймон Демиралъ.

3.Миллий мурувват партияси (ММП)- 1972 йилда вужудга келган, савдо-сотиқ буржуазияси ва майда ишлаб чиқарувчиларга таянади.

4.Туркия ишчи партияси (ТИП)- 1961 йилда ташкил топган. 1971 йилда тақиқланган эди. 1975 йил майда ТИПнинг собиқ бош раиси Б.Бораан бўлиб, қайтадан тикланди.

5.Туркия социалистик ишчи партияси (ТСИП)- 1947 йилда тузилган. Мамлакат ички сиёсий ҳаётини демократиялаштириш, таббий бойликларни ва эконимиканинг энг муҳим тармоқларини национализация қилиш.

6.Туркия Компартияси (1920 йилда ташкил топган) 1923 йилдан яширин ҳолатда ишлайди. ТКПМКнинг бош секретари И.Белин.

Хорижий монополиялар бир қатор имтиёзларга эга бўлди ва турк сармоясини четга суриб қўя бошлади. Қуролланиш харажатлари кўпайиб кетди. Ички ва ташқи қарз, инфляция ва нарх-наво тезликда кўтарилиб кетди. Ташқи қарзлар бўйича тўловларни қоплашга ҳеч қандай маблағ олтин захирасини гаровга қўйди.

Туркия Америка сиёсатида муҳим бўғин бўлиб қолди. НАТО иттифоқининг энг яқин ёрдамчиси бўлиб қолди. Унинг ҳарбий қўшинларидан тайёр эди.

Мендерес сиёсати молиявий таназзулга олиб келди. 1958 йилнинг августида Туркия банкротга учраганлигини баён қилди. У кредитларни тўла олмади.

Мамлакатнинг молиявий таназзулга учрашига юқори лавозимдаги амалдорларнинг давлат маблағини талон-тарож қилиши ҳам катта сабаб бўлди. Ғарбий Германия ва АҚШ Туркияни банкротдан сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, қўшимча кредитлар берди. Бироқ бу ҳам талон-тарож қилинди ва иқтисодий инқирознинг олдини олиш мумкин бўлмай қолди. Мамлакат оғир аҳволда қолди.

Аҳолининг полиция ва қўшинлар билан тўқнашуви деярли ҳар куни юз берар эди. Меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиб чиққан «Ватан» партияси тақиқланди. Қўшинда дезертирлик бошланди. Истанбул ва Анқарада миллий озодлик қўмитаси бўлими юзага келди.

Ҳарбийлар мавжуд тизимни сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, 1960 йилнинг майида давлат тўнтаришини амалга оширди. Мендерес ҳибсга олинди ва қатл этилди. 1961 йили ҳарбий раҳбарият мамлакатнинг янги конституциясини такдим этди. 1965 йилда эса унинг асосида сайлов бўлиб ўтди. Унда адолат партияси ғолиб чиқади ва А. Мендерсеннинг демократия партияси ўрнини эгаллади. Янги партияга Сулайман Демирел раҳбарлик қилди ва бош вазир лавозимини эгаллади. 1971 йили Туркияда янги ҳарбий тўнтариш юз берди. Генерал тартиб ўрнатишга қарор қилишди ва минглаб одамлар қамоқхоналарга жўнатилади. Ҳукумат билан бирга Миллий Хавфсизлик Хизмати ташкил этилиб, унга генерал Кенан Эврен раҳбарлик қилди. Мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. 1980 йил сентярида яна бир бор тўнтариш юз берди. Барча партиялар тарқатиб юборилди. Уларнинг раҳбарларига 10 йил давомида сиёсий фаолият билан шуғулланиш таъқиқлаб қўйилди. Университетларда ўқитувчилар фаолияти назорат қилина бошлади, матбуотда эса қаттиқ цензура ўрнатилади.

Бирок, Европа Иттифоқининг таъсири туфайли ҳарбийлар ён беришга мажбур бўлди. Янги Конституция қабул қилиниб, унга кўра, Кенен Эврен президент лавозимида 7 йил муддатга қоладиган бўлди, сиёсий партиялар фаолиятига рухсат берилди. Мазкур янги конституцияга мувофиқ ҳукумат Туркиянинг Буюк миллий мажлисига тегишли эди. Миллий мажлис беш йил муддатга сайланадиган 450 депутатдан иборат бир палатали парламентдан, ижроия ҳукумат эса Президент ва Бош вазир раҳбарлигидаги вазирлар Кенгашидан ташкил топди. Мамлакатда янги партиялар тузилди. Йирик савдо ва банк буржуазияси манфатларини машҳур сиёсий арбоб Тургут Озал раҳбарлигидаги «Ватан партияси» ҳимоя қилди. 1983 йилнинг июнида ташкил топган «Тўғри йўл» партияси ўрта ва йирик саноат ҳамда савдо буржуазиясининг бир қисми манфатларини ифодалар эди. Унга Сулаймон Демирел етакчилик қилди. Шунингдек, Н.Эрбакон етакчилигидаги «Фаровонлик партияси» ташкил этилиб, у ислом динига эътиқод қилувчи ишчи, деҳқон, майда ва ўрта буржуазия, зиёлиларнинг бир қисми қарашларини ифодалар эди. Ирдал Иненю бошчилигидаги социал-демократик халқ партияси, демократик сўл партиялар ҳам шу даврда ташкил топди. 1983 йилда конституция асосида сайлов ўтказилди ва унда Тургут Озал раҳбарлик қилувчи Ватан партияси ғалаба қозонди. У бош вазир лавозимида, 1989 йилда эса Туркия президентлигига сайланди. Тургут Озал мамлакат иқтисодини жадал ўстириш, эркин тадбиркорликни ривожлантириш ва бозор иқтисодини ташкил қилишга ваъда берди. Унинг фаолияти давомида инфляция янада авж олди.

1986 йилда хусусийлаштириш тўғрисида қонун қабул қилинган эди, 1989 йилда биринчи марта давлат мулкни хусусий мулк учун сотиш жараёни бўлиб ўтди. Аммо хусусийлаштирилаётган корхоналар нархи жуда юқори эди ва шу боис 1991 йилнинг охирида давлат мулкнинг атиги 5 фоизи хусусийлаштирилди, холос. Бу ҳол иқтисоднинг жадал ривожланишга бўлган умидни чиппакка чиқарди ва инфляция ҳамда нарх-навонинг ўсишда ҳам намоён бўлди. Мамлакатда 5 миллион ишсиз бўлиб, 2 миллион ишсиз Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларига пул ишлагани чиқиб кетганди.

Мамлакатда инфляция рекорд даражага – 60 фоизга етди. Ишсизлик бир маромда (11 фоиз) сақланиб қолаверди. Кўпгина турк ишчилари Германияга ҳеч бир ҳуқуқсиз, фақат малакасиз ишларга кетишди. 1991 йил сентябрида мамлакатда янги сайловлар бўлиб ўтди. Сулаймон Демирелнинг «Тўғри йўл» партияси 27% овоз олди ва Социал-демократлар партияси билан блокда ҳукуматни ташкил қилиш ҳуқуқини эгаллади. Тажрибали сиёсатчи С.Демирел бош вазир этиб тайинланди. Ислом давлатини тузиш учун курашувчи «Фаравонлик партияси» катта муваффақиятга (17%) эришди. Мазкур партия мусулмон давлатларининг ислом ҳарбий иттифоқини, умумий ислом бозорини ташкил қилиш, умумий ислом валютасини жорий этиш ва капиталларга қўйиладиган фоиз (сўдхўрлик)ни йўқ қилишга чақирди. Уларнинг дастурида Туркиянинг НАТОдан чиқиб кетиши ва жаҳонда янгича тартиб ҳамда адолат ўрнатиши зарур бўлган ислом НАТОсини ташкил қилиш ғояси илгари сурилган эди.

1993 йил Т.Озал вафот этгандан сўнг парламент С.Демирелни президентликка сайлади. У ҳам ўз навбатида Бош вазир лавозимига «Тўғри йўл» партияси етакчиларидан бири- Тансу Чиллер номзодини қўйди. Янги ҳукумат узок турмади. 1995 йилда янги сайловлар бўлиб ўтди. Унда «Ватан партия» си ва «Тўғри йўл» партияси кам овоз олди (ҳар бири 19 фоиздан), айна пайтда «Фаровонлик партия»си учун берилган овозлар сони ортиб борди. Н.Эрбакон «Тўғри йўл» партияси билан камицияда ҳукуматни тузиш ваколатига эга бўлди. Хорижий давлатларга ҳар томонлама боғлиқ бўлиб қолишни йўқотиш ва исломнинг жамият ҳаётидаги ҳукмронлигига чек қўйишини ўз олдига вазифа қилиб қўйган камолчилар инқилобидан сўнг 75 йил ўтиб маълум бўлдики, улар ҳар икки вазифани ҳам уддалай олишмади.

Энг аввало Туркиянинг «вестернлаштириши» (ғарблашиш), яъни Европа модели асосида жамият қуриш сиёсати барбод бўлди. Унинг техник-иқтисодий қолоқлиги бу йўлдаги асосий ғов бўлди. Туркия ва Ғарб давлатлари орасида иқтисодий муносабатлар ривожлантиришдаги бош тўсиқ-бу, давлат назорати остидаги марказлашган иқтисод ҳукмронлиги эди. Мамлакатдаги деярли барча саноат давлат мулки ҳисобланади. Жами корхоналарнинг атиги 30 фоизи фойда келтиради, қолганлари давлат дотацияси ҳисобига пул қўйган.

Мамлакат ташқи савдосининг 50% Ғарбий Европа, 7% АҚШ билан олиб борилади. Туркия хорижга 13 миллиард долларлик товар чиқариб, 21 миллиард долларлик товар келтиради.

Бу фақат мамлакат зиён кўрди. Туркиянинг ташқи қарзи 1985 йилда 50 миллиард долларни ташкил этган.

Совет Иттифоқининг парчаланиши, Ўрта Осиё республикаларининг ташкил топиши. Туркия Ўзбекистон Республикасини тан олиши ва дипломатик муносабатларини ўрнатилиши иккала мамлакат учун фойда келтирмоқда. Ҳозирги кунда 2000 йилдан буён Туркия Президенти А.Н.Сезер мамлакатни бошқармоқда.

Таянч сўзлар

«Буржуа революцияси», бетарафлик сиёсати, сиёсий партиялар, хорижий монополиялар, СЕАТОГ га аъзо, банкрот, Миллий Хавфсизлик хизмати ташкил этилиши, мамлакатда президентлик бошқарув, инқироздан чиқиш йўллари, «вестернлаштириш» сиёсати, туркия қарздор мамлакат, инвестиция ривож.

Мустақил иш мавзулари

- 1.Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Туркия аҳволи.
- 2.1950-70 йилларда бозор иқтисодига ўтиши.
- 3.Мамлакатда цензуранинг жорий этилиши.
- 4.Туркиянинг 1980-90 йиллардаги ички ва ташқи сиёсати.
- 5.Туркия ва Марказий Осиё давлатлари.

Мавзу: Афғонистонда миллий фожеа.

Режа:

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Афғонистоннинг ижтимоий, иқтисодий тизими.
2. Совет қўшинларининг Афғонистонга киритилиши ва унинг оқибатлари.
3. Толибонлар ҳаракати. Афғонистоннинг тикланиш даври.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида Т. «Ўзбекистон» 1997 йил.
2. Ҳидоят Г.А. Жаҳон тарихи. Т. « Шарқ »2003й.
3. Ҳидоят Г.А. Гулямов Х.Г. Всемирная история новейший период. Т. «Университет» 1999г.
4. Жаҳон мамлакатлари. Справочник.Т.1985 й.

Афғонистон ҳудудининг катта қисмини Ҳиндикуш ва Химолай тоғ массивлари ва Помирнинг бир қисми ташкил этади. Фойдали қазилмалар деярли йўқ ҳисоби. Мамлакатда 20 миллион киши истиқомат қилади. Шунинг 60 фоизини туб аҳоли пуштунлар, 15 фоизини афғон, Туркистони деб аталувчи шимолий ҳудудда яшовчи ўзбеклар ва яна шунча қисмини Тожикистонга қўшни Вадахшонда истиқомат қилувчи тожиклар ташкил қилади. Афғонистонда жами 20дан ортиқ миллат вакиллари яшайди.

Бу ерда ягона ички бозор йўқ, уларнинг кўп қисми турли ҳудудларга сочилиб кетган ва қўшни давлатлар билан алоқа қилади. Афғонистон бешта давлат-Покистон, Эрон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистон билан чегарадош. Чегара бўйлаб ушбу давлатларга алоқадор этник гуруҳ вакиллари яшайди.

1933-йилда Афғонистон шоҳи Нодиршоҳ ўлимидан сўнг, унинг ўғли Зоҳиршоҳ мамлакатнинг янги етакчиси деб эълон қилинди. Унинг 40 йиллик бошқаруви даврида мамлакатда деярли ҳеч қандай ўзгариш юз бермади. Шу даврда жами 300та саноат корхонаси (шундан 140 таси Совет иттифоқи ёрдамида) кўрилди. Афғонистон дунёда ҳаёт даражаси энг паст қолоқ давлат бўлиб қолаверди.

1973-йил 17-июлда мамлакатда ҳарбий тўнтариш юз берди ва монархия афдарилиб Афғонистон республика деб эълон қилинди. Зоҳиршоҳнинг укаси Муҳаммад Доуд Афғонистон Бош вазири деб эълон қилинди. Янги режим эски тартибга кўниккан руҳонийлар, йирик заминдорлар, давлат амалдорининг норозилигини келтириб чиқарди.

Доуд Муҳаммад (1908-1979)-1973 йилдан 1977 йил февралигача Афғонистон давлати раҳбари ва Бош вазири. 1977 йил февралдан 1978 йил апрелгача мамлакат Президенти. Ҳарбий тўнтариш натижасида афдариб ташланган. Бошқа томондан, янги тизим кенг халқ оммасини ҳам фаолликка чақирди.

Афғонистон халқ-демократик партияси (АХДП) халққа қарши тузум билан курашаётган ватанпарвар кучларга бошчилик қилди, у 1965-йилда тузилди.

Хукмрон тузум тарафдорлари ислом экстремистлар ташкилотлари билан яқиндан алоқада бўлди. Улар орасида фанатик «мусулмон биродарлари» шунингдек, Афғонистоннинг асосий аҳолиси— пуштунларнинг жуда кўпчилигини ўзида намоён этувчи исмоилийлар энг фаоллари эди. Ўз масхаби қондасига кўра ҳар бир исмоилий умрида бир марта одам ўлдиришидан иборат «жасорат» ни амалга ошириши лозим бўлган. Бундан диний экстремистик ташкилотлардан фойдаланган Доуд тузumi ўз мавжудлигини бир қадар узайтирди, бироқ бу хол уни тугал ҳалокатдан сақлаб қола олмади.

Афғонистонда икки муҳолифат оқимлар юзага келди: улардан бири бўлган исломий оқим шаҳар камбағаллари ва диндор деҳқонлар ҳисобига кенг ижтимоий негизга эга эди. Иккинчи муҳолифатнинг асосий қисмини ҳарбийлар, демократик кайфиятдаги зиёлилар, унча кўп бўлмаган ишчи ва давлат хизматчилари қатлами ташкил этди. Уни «йўқолсин зўравонлик» ва «яшасин демократия» шиорларини кўтариб чиққан АХДП бошқарди. Партиянинг халқ оммаси билан кенг алоқалари йўқ эди. Бироқ аввал бошидан партияда икки гуруҳ - Нур Муҳаммад Гаракий бошчилигидаги халқ ва Габрак Кармел бошчилигидаги Парчаи (байрок) партиялари ўртасида зиддиятлар юзага келди ва у душманликка айланди.

Доуд АХДП га қарши асосий зарбани беришга қарор қилди. 1978-йил 25-апрелда унинг буйруғи билан партиянинг барча раҳбарлари қамоққа олинди. Бу воқеа тузумга қарши норозилик чиқишларининг бошланишига сигнал бўлди, 1978 йил 27 апрелда мамлакат ХХК (Ҳарбий Ҳаво кучлари) кўмондони полковник Абдул Кодир бошчилигидаги Афғонистон ҳарбий кучларининг инқилобий кенгаши қабули кўчаларига доимий қўшиннинг бир неча баталёнларини олиб чиқди, президентлик саройини эгаллади ва Доуд ҳукумати ағдарилганини эълон қилди. Президентлик саройи учун бўлган жангларда унинг яқин сафдошлари қаторида Муҳаммад Доуд ва унинг акаси Сардор Насим ўлдирилди. Афғон тақвими бўйича бу воқеа 1357 йил 7-саврида (1978 йил 30 апрел) рўй берди ва у тарихга «Савр инқилоби» номи билан кирди.

Ўша куни Афғонистон Демократик Республикаси (АДР) эълон қилинди, инқилобий кенгаш ва ҳукумат тузилди. Н.М.Таракий бош вазир, Б.Кармал эса унинг ўринбосари бўлди. А.Қодир миллий мудофаа вазири лавозимини эгаллади. Янги ҳукумат демократик ер ислохотлари лойиҳасини ишлаб чиқди. Янги мактаблар, турар жойлар ва ижтимоий бинолар қурилиши бошланди. Собиқ қирол оиласининг аъзолари, Президент Доудга тегишли барча кўчмас мулк ва бошқа нарсалар мусодара этилди.

Янги ҳокимият ислохотлари демократик ўзгаришларга қарши чиққан сиёсий доираларнинг қакшатқич қаршилигига учради, зеро улар янги ҳокимият имтиёзларидан маҳрум этади деб чўчишди. Диний

экстремистлар АДР раҳбариятини исломдан чекинишда айблаб, барча мусулмонларни уларга қарши курашга чақирди. Улар тарғиботи таъсири остида юз минглаб афғонлар Покистонга қочди. Чет элдан қурол-яроғ олган қуролли гуруҳлар шакллана бошлади. Уларнинг таркибини «мужоҳид» (эътиқод учун курашчи) номини олган мусулмон биродарлари ва исмоилийлар ташкил этди.

Айни пайтда АХДП раҳбариятининг ўзида ҳокимият учун кескин кураш бошланиб кетди. 1978 йил 17 августда ҳукумат республикага қарши фитна фoš этилганини эълон қилди. Парчамнинг айрим йўлбошчилари, шунингдек, Б.Кармал ҳам қамоққа олинди. У шундан кейинрок Прагага элчи қилиб юборилди. Абдул Қодир ва бошқа таниқли ижтимоий-сиёсий арбоблар ҳам қамоққа олинди.

Инқилобий Кенгашдаги курашдан фойдаланган Н. Гаракийнинг собиқ ўринбосари Хафизулла Амин ҳокимиятга ёриб кирди. 1975 йилнинг мартда у Бош вазир лавозимини эгаллади. Ўша йилнинг сентябрида Х.Амин Н.Гаракийни зўрлик билан четлатиб, сўнгра эса ўлдириб, АХДП бош котиби ва инқилобий кенгаш раиси лавозимларини эгаллади. Шу билан Савр инқилоби тугади.

АХДП раҳбарияти тор-мор этилди. Унинг аъзоларидан кўпчилиги жисмонан йўқ қилинди. Мамлакатда террор ва зўравонлик тузуми ўрнатилди.

Қатағонлар Қобул тузумига қарши курашни кучайтиришга имкон яратди. Муҳолифатдаги унсурлар вазиятдан унумли фойдаланди. Савр инқилобига қарши чиққанларнинг кўпчилиги (В. Раббоний, Г. Хикматёр, С. Муджаддидий) ҳам Зоҳиршоҳ ва Доуд ҳукумронлиги йилларидаёқ Афғонистондан муҳожиротга кетган эди. Улар Покистон, Саудия Арабистони ва Мисрда кунини топишди.

1979 йил охирларига келиб қуролли муҳолифат гуруҳлари Афғонистондаги 26 вилоятдан 18 тасида мавжуд эди. Инқилобий кенгаш давлат устидан назоратини йўқотди. Мужоҳидлар гуруҳларининг ҳатти-ҳаракатлари мамлакатга катта зарар етказди, барча демократик ўзгаришлар барҳам топди.

Х. Амин исёнчиларга қарши амалга оширган чора-тадбирлари ёки тайёрланмаган ёки ишончсиз бўлиб чикди. Декабрь бошларига келиб ҳукумат фақат Қобул ва бир неча шаҳарларнигина назорат этди.

Совет иттифоқи бошиданоқ Афғонистондаги инқилобни қўллаб-қувватлади. У СССРнинг глобал сиёсатидаги муҳим бўғин эди. Шу боис совет раҳбарияти қалтис қадам қўйишга қарор қилди. 1979 йил 25 декабрда афғон аскарлари кийимини кийган КГБнинг «Алфа» бўлинмаси президентлик саройини ишғол этди ва Х.Амин ўлдирилди. Шу кун В.Кармал АДР президенти лавозимига ўтирди. У бундан бир неча кун аввал Қобулга махфий равишда қайтган эди.

Б. Кармал совет раҳбариятида Афғонистонга қўшин киритиш илтимоси билан мурожат қилди, бу қўшинлар олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлиб, 28-декабрда чегарани кесиб ўтди. Бир неча кун мобайнида Қобулга 50

минг аскар ва зобитлар юборилди, январнинг охирига бориб эса улар сони 85мингдан ошди. Бу ҳам вазиятни ўзгартириб юборди: инқилобий тузумга қарши кураш ватанпарварлик миллий-озодлик урушига айланиб кетди.

АҚШ СССРнинг Афғонистонда ўз позицияларини мустаҳкамлашига йўл қўя олмас эди ва улар Покистонни совет тажовузини қайтариш учун ўзига хос плацдармга айлантирди. Покистон худудидида афғон жангарилари учун лагерлар қурилди, АҚШ уларга энг замонавий қуролларни берди.

«Стинерлар»- самолётлар билан курашда қўлланувчи енгил ракетаalar совет иттифоқини осмондаги устунликдан маҳрум этди. Уруш чўзилиб кетди. Афғонистонда давом этган 10 йиллик уруш мамлакат иқтисодиётига улкан зарар етказди. Юзлаб қишлоқлар, 2 минг мактаб вайрон этилди, ўнлаб электростанциялар бузиб ташланди, ўнглаб саноат корхоналари фаолияти тўхтаб қолди.

5 миллион афғон, яъни мамлакат аҳолисининг қарийб чораги кўшни Покистон худудига, 1,5 миллиони Эронга қочиб кетди. Бу ерда ёш афғонлардан мужохидлар гуруҳлари тузилди, улар америкалик мутахассислар томонидан замонавий қуролларни ишлатишга ўргатилди.

1989-йилда совет иттифоқи урушни бундан кейин давом эттиришнинг фойдасизлигини тушуниб етиб, уз қушинларини Афғонистон худудидан олиб чикиб кетди. Мамлакатда Янги вазият юзага келди. Қобулда Б. Кармалнинг урнига келган Нажибулло инқилоби советпараст тузуми сакланиб қолди. Мужохидлар уз ҳукуматини тузиш, унда Сидхатулла Мужададдий мамлакат президенти этиб тайинланди.

Афғон ҳукумати урушни Жалолободни эгаллаш ва у ерда қарор топиш билан тугалламоқчи бўлди. Бирок улар бунга фақат 1992 йилдагина муваффақ бўлишди ва инқилобий тузум қолдиқлари қаршилигини енгиб, пойтахтни эгаллашди. Нажибулло БМТ ваколатхонасига яширинди.

Асосий душман тугатилгандан сўнг мужохидлар орасида келишмовчиликлар бошланди. Қобулни давлат қўмондони Аҳмад шох Маъсуд назорат қилди. Унинг рақиби генерал Рашид Дустум ўз қўмондонлиги остида 40 минг милиционер – кўнгилли аскарларга эга эди. 1992 йилда Бурхониддин Раддоний президент этиб сайланди, у янги конституцияни қабул қилиш учун таъсис мажлисини чақиришга даъват этилди. Мамлакатда ҳокимиятсизлик бошланди. Дустум (ўзбеклар), Аҳмад шох Маъсуд (тожиклар) ва Хикматёр (пуштушар) этник лагерлари ўртасидаги кураш ўзаро (ички) урушларга айланиб кетдики, унда 5 минг киши ҳалок бўлди, Қобул эса тўлиқ вайрон этилди. Тожикларнинг вакили бўлган Раббоний президентлик лавозимини бўшатиб бериш ёки таъсис мажлисини чақиришдан воз кечди. Хикматёр норозилик белгиси сифатида ҳукумат таркибидан чиқди ва мамлакат Бош вазирсиз қолди. Асосий можаро Раббоний ва Покистон ёрдамидан фойдаланган Хикматёр ўртасида рўй берди. Афғонистоннинг сиёсий майдонида янги куч-ўзи ҳақида 1994-йилнинг ноябридаёқ маълум қилган толиблар пайдо бўлди.

Уларнинг дастури бир-бирига душман гуруҳларни куролсизлантириш ва тугатиш ҳамда ички ислом ҳукмронлигини ўрнатишни кўзда тутди. Улар Покистондаги ҳарбий тайёргарликни ўтади ва энг замонавий курол-яроғга эга бўлди. Толиблар раҳбари Мулла Умар изчил исмолийлик ва ваҳобийлик вакили бўлди. Унинг маслаҳатчилари орасида Саудия Арабистоннинг етакчи руҳонийлари бор бўлиб, ҳарбий маслаҳатчиси эса халқаро террорчи Усома бин Лоден эди.

1995 йилнинг январида улар Қобулга ҳужум бошладилар. Мамлакат вайрон этилди, ҳамма жойда очарчилик бошланди, шу боис пойтахтни эгаллаш қийинчилик туғдирмади. Толибларга қарши муҳолифат кучлари парчаланиб кетди. Президент Роббоний Бадахшонга қочди, бу ерда Ахмад Шох Маъсуднинг асосий кучлари жойлашган эди. Генерал Дустум ўз қисмлари билан шимолга йўл олди ва Хирот, Балх, Мозори Шарифни ўз таянч пунктларига айлантирди. Хикматёр ўз тарафдорлари билан Жалолободни эгаллади, бу билан мағлубиятга учраб қолса, Покистонга қочишни мўлжаллади.

1996 йил октябрда толиблар Қобулни эгаллади. Афғонистоннинг собиқ президенти Нажибулло қатл этилди. Толиблар «халқ душмани» ёки ўзгача фикрловчи деб ҳисоблаганлардан оммавий ўч олишни бошлади. Ваҳобийлик тамойилларига мувофиқ аёлларга ўқиш ва ишлаш ман этилди. Улар кўчада очиқ юз билан юра олмасди. Дунёвий мактаблар ёшида фақат динийларигина ишлади, ҳамманинг намозга бориши мажбурий қилиб кўйилди. Қобулда зўравонлик одатий тусга кирди.

Толиблар ўз рақибларнинг тарқоқлиги ва тушкунлигидан фойдаланган. 1997 йилнинг июлида улар икки йўналишда-Хиротдан Мозори Шариф, Қобул Боғлон ва Толикон томон ҳужум бошлади. Дустумнинг халқ кўнгиллиларидан бир қисми сотқинлик қилиб, толиблар томонга ўтди. Толибларнинг диний тарғиботи ҳам муҳим роль ўйнади. Ахмад Шох Маъсуд ўз қўшинини ҳал қилувчи жангдан олиб чиқди. Афғонистондаги бирон-бир тараф ғалабага эриша олмайдиган вазият юзага келди. Миллионлаб кишилар мамлакатдан ташқарига қочиб кетди, қолганлари эса тинчлик учун кураш олиб берди.

Толибларнинг шимолий вилоятларни босиб олиши уларни мамлакатларнинг 90 фоиз ҳудуди устидан назорат қилишига олиб келди. Афғонистон узра ислом фундаментализми ва мамлакатнинг террористик марказга айланиш хабари пайдо бўлди. Толиблар тузумининг ўзи террористик эди. Улар одамларни телевизор кўргани, радио тинглагани учун ҳам, шариат меъёрларини бузгани учун ҳам қатл этдилар. Аёлларга ўқиш ва ишлаш ман этилди, эркакларга соқол кўйиш мажбурий бўлди, мусиқа, рақс ва концертлар таъқиқланди.

Тарих толиблар тузумидан ҳам ғайриинсоний тузумни кўрмаган десак муболаға бўлмайди.

1993 йилнинг мартада Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов БМТ га мактуб орқали қилган муроғжатида можарони чеклаш ва ҳал этиш, хусусан, Афғонистонга курол-яроғ олиб киришга, омборга

киритиш бўйича аниқ таклифларни олға сурди. 1998 йилда унинг таклифи билан Тошкентда «6+2» формуласи бўйича (Эрон, Покистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Хитой, Тожикистон, Россия ва АҚШ) учрашув ўтказилди, унга Афғонистоннинг қарама-қарши турган кучлари вакиллари иштирок этди. Учрашувда мамлакатга қурол-яроғ олиб киришни тўхтатиш ҳолати маъқулланди.

Маънавий илҳомчи ва амалдаги раҳбар араб миллионери Усамо Бин Ладен бўлди. У Кения ва Угандадаги Америка элчихоналарига нисбатан террористик актлар, Саудия Арабистонидаги Америка қўшини қазармаларига ҳужумлар ташчилотчиси эди, охиригида юзлаб америкалик аскарлар ҳалок бўлди.

АҚШ Усама бин Ладенни тутиб беришни талаб қилди. Толиблар раҳбариятининг бундан бош тортиши 1998 йилнинг 26 августидан Қобулда Америка қанотли репетерлари ҳужумига олиб Афғонистонга қарши санкция киритиб, озиқ-овқат ёрдамидан маҳрум этди. Бунга жавобан толиблар ўз тузуми душманларига қарши катағонларни кучайтирди. Улар шимолий иттифоқ қўшинлари қўмондонига нисбатан террористик актни амалга оширдилар ва уни ўлдирдилар. Бамиён вилоятида 15 апрелдан буён мавжуд бўлган Будда ҳайкали ваҳшийларча портлатиб юборилди.

Америка ҳокимиятининг таъкидлашича, Нью-Йоркда 2001 йил 11-сентябрда Савро маркази биносига амалга оширилган ҳужуми Усамо бин Ладен томонидан амалга оширилган, президент Буш бунга нисбатан анти террористик урушни эълон қилди. 2001 йил 7-октябрда Америка ва Британия самалётлари Афғонистондаги жанговор қишлоқларни бамбардимон қилди. Террористлари тайёрлаган барча лагерлар тор-мор этилди. Толибларнинг барча базалари вайрон қилинди, уларнинг асосий қўшин қисмлари тоғларга ва Покистонга қочди. Афғонистонда 2002 йил январда мамлакатда қайта тиклаш ишларини бошлаган қонуний ҳокимият қарор топди.

Мамлакатни қайта тиклаш дастури жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинди. Хамид Карзай ҳукумат бошлиғи этиб сайланди. 2004 йил январда афғон қабилаларининг катта жирғаси янги давлат конституциясини қабул қилди. Мамлакат демократик жамият йўлини бошлади. 2006 йили Афғонистонда президентлик сайлови бўлиб ўтди. Афғон халқи кўпчилик овоз билан Хамид Карзайни президентликка сайлайди. Хамид Карзай раҳбарлиги Афғонистон халқ мамлакатда ҳамдўстлик сиёсати юритмоқда. Хамид Карзай Европа ва АҚШ мамлакатлари билан алоқа мустаҳкамламоқда. 2006 йил Афғонистон Президенти Хамид Карзай Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрди. Бу ташрифнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримов билан учрашув, ўзбек афғонларининг иттифоқини янада мустаҳкамлаш ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Таянч сўзлар

1973 йил ҳарбий тўнтариш, АХДП, «Мусулмон биродарлари», «Парчам» партияси, «Савр инқилоби», диний экстремистлар, мужоҳид»-маш-

килати, Совет қўшинлари-«Алфа», уруш якунлари, Президентлик тузуми, Толибонлар харосем, ислом фундаментализми ривожига, Тошкентда «6+2» формуласи, Хамид Карзай-Афғонистоннинг Президенти.

Мустақил иш мавзулари.

1. Афғонистон Республикасининг ички зиддиятлари.
2. Совет қўшинлари Афғонистонга киритилиш.
3. Толиблар ҳаракати.
4. Афғонистоннинг тикланиш даври.

Мундарижа:

1-Мавзу: Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши ўртасидаги Европадаги мамлакатлар ва АҚШ.....	3
2-Мавзу: Европа ва Америка мамлакатлари иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939-1945 й.й.).....	15
3-Мавзу: Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Европа ва Америка давлатлари.....	24
4-Мавзу: Германия урушдан кейин тикланиши.....	38
5 -Мавзу: АҚШ, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ички ва ташқи сиёсати.....	43
6 -Мавзу: Франция Бешинчи республика.....	51
7-Мавзу: Англия “Тенг имкониятлар жамиятини яратишга уринишлари”	61
8-Мавзу: Италия муаммоларининг ҳал этишга уринишлари.....	66

9-Мавзу: Осиё ва Африка мамлакатлари озодликнинг қўлга киритилиши.....	76
10-Мавзу: Хитой тутилган йўлнинг янгидан ўзгариши.....	80
11-Мавзу: Япония урушдан сўнг тикланиши.....	88
12-Мавзу: Ҳиндистон демократик давлат йулида.....	91
13-Мавзу: Покистон ривожланиш зиддиятлари.....	97
14-Мавзу: Эрон Ислом Республикаси.....	102
15-мавзу: Туркия демократиянинг мураккаб йўлида.....	109
16-Мавзу: Афғонистонда миллий фожиа.....	114